

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-3/2  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издаётся с 2006 года**

**Хива-2020**

**Бош мұхаррир:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош мұхаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Тәхрир ҳайаты:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

*Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.*

*Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.*

*Абдухалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.*

*Бабаджанов Хүшнұт, ф.ф.н., проф.*

*Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.*

*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д., к.и.х.*

*Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.*

*Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*

*Қодиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.*

*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*

*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*

*Мирзаев Сирожиддин Зайньевич, ф-м.ф.д., проф.*

*Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.*

*Рӯзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.*

*Рӯзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.*

*Рӯзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*

*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*

*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*

*Сотипов Гойиназар, қ/х.ф.д., проф.*

*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*

*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*

*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*

*Эшchanов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*

*Ўразбоев Гайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*

*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*

*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*

*Ҳасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/2(59), Хоразм Маъмун академияси, 2020 й. – 102 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2020

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Matchanova B.I.</b> Ilm-fan taraqqiyotida zioli ayollarning o`rni .....	5
<b>Matyaqubov T.S.</b> O`zbekiston tarixida xorazmliklar .....	7
<b>Nurmamatov J.Q.</b> Buyuk Xorazmshohlar davlati va arab xalifaligi o`rtasidagi diplomatik munosabatlar .....	9
<b>Turabayeva Ya.</b> Culture of modern economic conduct in Uzbekistan .....	11
<b>Абдалов У.М.</b> Ўзбекларнинг дафн маросимларида зардуштийлик излари .....	13
<b>Боқиев А.А., Йўлдошева З.Х.</b> Ўзбекистон тарихини даврлаштириш муаммоси ва цивилизацион қарашлар .....	18
<b>Нуруллаева Н. К.</b> Из истории изучения этнографии народов Хорезмского региона .....	26
<b>Тўраев А.И.</b> Туркманларни анъанавий хўжалиги ва оила-никоҳ масалалари .....	28

### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Abdumajidova D.</b> Interactive technologies in the teaching foreign language .....	32
<b>Alimova K.</b> Communicative methodology of teaching foreign language .....	34
<b>Baybabayeva Sh.</b> Innovative methods of teaching foreign languages .....	36
<b>Eshankulova L.</b> Modern methods of teaching english .....	37
<b>Hodjayeva S.</b> Theoretical foundations of the case study method in teaching english for special purposes .....	39
<b>Inagamova U.</b> The use of innovative - cognitive technologies in teaching grammar in foreign language lessons .....	41
<b>Irgasheva S.I.</b> Methods of teaching foreign language as a science .....	43
<b>Ismailova M.</b> Modern lesson in the teaching foreign language .....	45
<b>Jo'rayeva N.</b> Evfemizm, yohud yumshoq muomala fransuz ayollari talqinida .....	46
<b>Khodjayeva D.I., Khusenova M.U.</b> Lexicographic analysis of phonetic terms "Monophthongs, dipthongs and triphthongs" in the uzbek and english languages .....	50
<b>Mirvohidova M.</b> The problem of alternative choice of different methods in the process of english language teaching .....	54
<b>Nuritdinova S.</b> Methods of project work in english lessons .....	55
<b>Nusratullaeva Sh.</b> Innovative pedagogical technologies of teaching foreign language .....	57
<b>Odinayeva N.</b> The phenomenon of polysemy in the english language .....	59
<b>O'sarov I.K., Sanoqulova N. Sh.</b> Ingliz va o`zbek tillarida sintaktik stilistik vositalarning qiyosiy tahlili .....	61
<b>Pardayeva Z.</b> Modern methods and technologies of teaching foreign languages in higher education .....	64
<b>Radjabova D.R.</b> Motivation in learning foreign language .....	66
<b>Rahimjonova M.</b> Modern methods of teaching foreign languages in higher education .....	68
<b>Sherjanova M.B.</b> How to improve pronunciation of english language? .....	69
<b>Tursunova D.</b> Methods of project work in english lessons .....	70
<b>Yunusova M.</b> Case-study method as a modern technology of professionally-oriented training of students .....	72
<b>Бурибаева А.И.</b> Усовершенствование творческой активности будущих учителей при обучении иностранному языку .....	74

<b>Джабборов Р.М.</b> Хаттот-шоир Абдурраҳим Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди .....	76
<b>Жамаҳматов К., Бобохужаев С.</b> Ҳожи Муҳаммад Шаҳдийнинг ўзбек тилида ёзилган газаллари ва унинг моҳияти .....	79
<b>Матназаров Ж.К.</b> Матназар Абдулҳаким шеърияти плеоназм бадиий восита сифатида .....	84
<b>Муҳаммедова Н.</b> Феминизмнинг инглиз адабиётида акс этиши .....	87
<b>Туропова П.</b> Ижодкорнинг услубий ўзига хослиги .....	89

#### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<b>Зарипова М.Д.</b> Компетентлик ёндашуви асосида таълим сифатини таъминлаш ва уни баҳолашнинг математик методлари .....	94
---	----

#### **ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ХАБАРЛАРИ**

<b>Махкамов Б.</b> Республикаизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тартиби, моҳияти ва унинг истиқболлари .....	100
<b>Maxkamov B.</b> Aholini ro'yxatga olish mazmun mohiyati to'g'risida .....	101

ТАРИХ ФАНЛАРИ

O'UK 9

**ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZIYOLI AYOLLARNING O'RNI**  
*B.I. Matchanova, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

**Annotasiya.** Ushbu maqolada O'zbekistonda zamonaviy oila ma'naviyati aniq ma'lumotlar asosida atroflicha tahlil qilingan va umumlashtirilgan.

**Kalit su'zlar:** oila, ota-onaning o'rni, O'zbekiston, davlat va jamiyat munosabat omillari, totuvlik, farzand, nikox, tarixiy meros

**Аннотация.** В данной статье на основе конкретных данных анализированы и обобщены материалы о духовности современной семьи в Узбекистане.

**Ключевые слова:** семья, роль родителей, Узбекистан, государство и общество, факторы, согласие, ребенок, брак, историческое наследие.

**Abstract.** In this article the morality of modern family is analyzed and summarized thoroughly with exact facts

**Key worlds:** Family, place of parents, Uzbekiston, state and society, factors, agreement, child, marriage, historical heritage.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach yurtimizda xotin-qizlarning ijtimoiy ishlab chiqarish va boshqarishda ishtirok etishiga qulay sharoitlar yaratildi. Buni yurtimizda xotin-qizlarning e'zozlanishi, ularni asrab-avaylanishi, jamiyatdagi o'rirlarini va mavqelarini oshirish bo'yicha olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarda ko'rish mumkin.

Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish uchun olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarning har bir qadamida, vatanimiz hayotining turli sohalarida erishilayotgan yutuqlarda, xotin-qizlarning faol ishtiroki fikrimiz dalilidir. Bundan tashqari mamlakatimiz mustaqilligining dastlabki kunlaridanoq yurtimizda xotin-qizlarga g'amxo'rlik ko'rsatish, ularning siyosiy faolligini oshirish, kasbiy, jismoniy, ma'naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish, qizlarni zamonaviy kasb-hunarlargacha yo'naltirish, ularni tadbirkorlikka keng jalb etish, onalik va bolalikni muhofaza qilish, sog'lom oilani shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligidan dalolat beradi. Bugungi kunda ular ishbilarmon tadbirkor, malakali shifokor, tarbiyachi- o'qituvchi, xullas, har bir sohaning fidoyi vakilasi sifatida o'z burchclarini sidqidildan bajarib kelmoqdalar. Insoniyat tarixi shundan guvohlik beradiki, ming yillar davomida har qaysi jamiyatning madaniy darajasi va ma'naviy barkamolligi ayollarga bo'lgan munosabat bilan belgilanadi. Ayniqsa, ayollarga sharqona ehtirom va e'zoz biz uchun ibratli merosdir. Bejiz emaski, Sharqda ayolni farishtaga qiyos qilishadi. Chunki farishtalar Alloh taolo yaratgan eng pok, eng begunoh zotlardir. Xalqimizning buyuk tarixida o'zining jasorati va matonati, aql-zakovati, nafosati va nazokati bilan o'chmas nom qoldirgan To'maris, Bibixonim, Gulbadanbegim, Zebunniso, Nodira, Uvaysiy, Anbar Otin va boshqa yuzlab ayollarimizni hamisha ehtirom bilan tilga olamiz [1].

Sharq azaldan ilmu ma'rifat beshigi bo'lgan. Muqaddas zaminimizning har bir go'shasi o'zining olimu ulamolari bilan mashhur bo'lganki, bunday zakovat ahlining nechog'li bilimga ega bo'lishi albatta ularni dunyoga keltirgan validai muhtaramalarining tafakkur darajasiga bog'liq bo'lgan. Ya'ni ilmu irfon sohiblarining onalari ham teran bilim sohibalari bo'lishgan. Buni imom Buxoriy, Al-Hakim Termiziy, Xoja Bahouddin Naqshband, Mashrab kabi buyuk tafakkur darg'alarining onalari misolida ko'rish mumkin.

Ayolning oiladagi, jamiyatdagi mavqeini olib qaraylik. Tariximizning qaysi davriga nazar solmaylik, ayol va ona mudom ezgulik timsoli, murabbiy va komil inson tarbiyachisi bo'lib kelganini ko'ramiz [2].

O'zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi. O'z tarixi, an'analari, osori atiqalari, buyuk siymolari, qadriyatlariga ega bo'lgan xalq buyukdir. Qalbi yaratish va ijodkorlik ishtiyogi bilan limmo-lim to'lgan ziyoli shukronalik va minnatdorlik tuyg'usi bilan yashaydi. Tarixga nazar tashlasak, barcha davrlarda ham g'oyat murakkab va mas'uliyatli vazifa ziyoli ayollar zimmasiga tushgan. Eski qolip va eski qarashlardan voz kechib, yangi dunyoqarash shakllanishi uchun yo'l ochgan fidoyi ziyoli ayollar xalqning ma'naviy ehtiyoji, zamon talablarini qondirish uchun tinmay izlanib, o'z iste'dod va mahoratlarini ayamasdan, mashaqqatli yo'lni bosib o'tishganki, ularning mehnatini hech narsa bilan o'lchab ham, qiyoslab ham bo'lmaydi. Ziyoli ayollar o'zlarining bilim

va tajribasi, iste'dod va mahorati, ko'z nuri va qalb qo'riyu butun borlig'ini ma'rifat uchun bag'ishlab, minglab qalblarga fayz va ziyo olib kirgan, ezgulikdan saboq bergen, Vatan uchun, xalq uchun xizmat qilish sharaflı yumush ekanini anglatgan. Ziyoli ayollarning Vatanimiz, Prezidentimiz, xalqimiz oldidagi ma'naviy burchi beqiyos: Hech kimga qaram bo`lmay, o`z milliy manfaatlаримизни, ezgu maqsadларимизни ko`zlab, aholining farovonligiyu xalqaro maydonda Vatanimizning obro`-e'tiborini munosib darajaga ko'tarish tom ma'noda ziyoli ayollar zimmasida. Muhtaram Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, IX-XV asrlarda ma'rifatli dunyo buxorilar, farg`oniylar, xorazmiylar, beruniylar, ibn sinolar, ulug`beklarni qanchalik izzat-ikrom qilgan bo`lsa, yigirma birinchi asrda biz xalqimiz, millatimizga nisbatan ana shunday ehtiromni qaytadan qo`lga kiritishimiz kerak. O'sha davrda ulug` ajdodlarimiz asos solgan va olamga dong taratgan ilmiy maktablarni zamonaviy shaklda qaytadan tiklashimiz lozim [3].

Fan sohasidagi kadrlarni jadal ko`paytirish va yoshartirish uchun, O`zbekiston intellektual imkoniyatlarini keskin darajada oshirish uchun ziyoli ayollar oldida turgan vazifalar nimalardan iborat?

Bizningcha, istiqlol tufayli boshlangan buyuk ishlarni davom ettirishga qurbi yetadigan, hech kimdan kam bo`lmasdan hayotga kirib kelayotgan etuk, mustaqil fikrلaydigان yangi avlodni kamol toptirish, o`z oldiga oliyanob maqsadlar qo`ygan, ilmu fan cho`qqilarini egallashga bel bog`lagan, qiyinchilik va sinovlar oldida bosh egmaydigan, ertangi hayotimizning hal qiluvchi kuchi bo`lib maydonga chiqadigan sog`lom, barkamol, mard va shijoatli yoshlarning qanday ta'limgarbiya olishi murabbiy va ustozlarga bog`liqidir. Ularning ongi va qalbiga nima yozilsa, ularning kelajagi ham shunday bo`ladiki, jamiyatning qiyofasi ziyolilarning ruhiyatiga bog`liqidir.

Istiqlolimiz, taraqqiyotimiz ko`p jihatdan fan dargohlarida ishlayotgan olim va olimalarning izlanishlariga, ularning jasoratiga, fidoyi ekaniga, yuksak ilmiy salohiyatlari va oqilona tavsiyalariga bog`liqidir [4].

Fan ahliga, ziyolilarga samarali ishlash uchun barcha zarur shart-sharoit yaratilgani [5] e'tiborga olinsa, Vatanimizning ertangi nurli kuni, qanchadan qancha qurbanlaru mashaqqat evaziga qo`lga kiritgan mustaqillikning abadiy bo`lishi, farzandlarning baxtu iqboli hamda boshlangan ezgu ishlarning mevasini ko`rish uchun yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalash, ularni zararli g`oyalar ta'siridan asrab-avaylash va saqlab qolish ular zimmasidagi yuksak mas'uliyat ekanini his etish va bu borada sustkashlik hamda beparvolikka yo`l qo`yib bo`lmasligi anglashiladi. Zero, Vatan chegarasi mustahkam bo`lsayu, uning farzandlari irodasi sust, kuchsiz, ongsiz, maqsadsiz bo`lsa, o'sha yurt inqirozga uchrashi aniq. Yurt ravnaqi, Vatan obodligi porloq kelajak egalari bo`lgan uchqur tafakkurli, sobit iymonli, mustahkam irodali yoshlar zimmasidadir.

Buyuk davlat, buyuk kelajagimizga erishish uchun oqil, ma'rifatli, ayni paytda o`zining o`tmishi, ulug` qadriyatlar, millati bilan faxrlanadigan va kelajakka ishonadigan insonlarning tarbiyalashimiz kerak. Bunday insonni tarbiyalash esa ijtimoiy fanlarning muqaddas burchidir [6] ki, inson qanchalik bilimli bo`lmasin, avvalo inson bo`lib qolmog`i kerak. Ilg`or texnika va texnologiya asrida yashayotgan, axborotlar quyunida qolgan yosh avlod ajdodlar merosidan ozuqalanibgina ma'naviy barkamollikka erishadi.

Mustaqil fikr yuritadigan, to`g`ri va halol, jasur avlodni tarbiyalash davrimizning dolzarb muammolaridandir [7]. Yosh avlod qalbiga yo`l topib, ular bilan hamnafas bo`lish, ularning dardu tashvishlarini yaqindan his qilib, haqiqiy maslahatgo`yiga, malakdoshiga, ishongan tog`iga aylanish katta matonatni talab etadi. Bir so`z bilan aytganda, jamiyat va inson hayotini bir daqiqa ham ustoz va murabbiy ayollarsiz tasavvur etib bo`lmaydi.

Shunday qilib, ziyoli ayollar qalbida buyuk Vatanga cheksiz g`urur va iftixor tuyg`ularini jamlagan holda, uning oldidagi farzandlik burchini sidqidildan ado etish, kindik qoni to`kilgan yurti shon-sharafi uchun mehnat qilish, qaddini tik tutib, ertangi kunga ishonch bilan yosh avlodni "elim deb, yurtim deb yonib yashash" ruhida tarbiyalashni hayotiy e'tiqodlariga aylantrishlari maqsadga muvofiq. O`tmish sarchashmalarini tadqiq etish, o`rganish va kelajak avlod uchun taqdim etishdan ko`zlangan ezgu maqsad ham kelajagi buyuk xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirish, yoshlarni ongi va shuuriga buyuk ajdodlar ruhiga hurmat va ehtirom tuyg`ularini singdirishdir.

Xulosa qilib shu so`zlarni aytamanki:

Mamlakatimizning buyuk kelajagi ham, ertangi kunimiz ham, erkin va farovon hayotimiz ham, vatanimizning jahon hamjamiyatidagi obro`-e'tibori avvalo ziyoli ayollarga, ular ta'limgarbiya berayotgan farzandlarning qanday inson bo`lib voyaga etishlariga bog`liqidir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Qonun va adolat ustuvorligining hayotbaxsh manbai. Prezident I.Karimovning Konstitutsiya kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimda so‘zlagan nutqi // Xalq so‘zi. 1998. 6 dekabr.
2. Karimov I. Milliy istiqlol mafkurasi – xalq e’tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir // Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. T. 8. – T.: O’zbekiston, 2000. 502-bet.
3. Karimov I. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni xalq, millatni millat qilishga xizmat etsin. – T.: O’zbekiston, 1998. 25-bet
4. Karimov I. Fan Vatan ravnaqiga xizmat qilsin / Bizdan obod va ozod Vatan qolsin. T. 2. – T.: O’zbekiston, 1996. 80-bet.
5. Karimov I. Fan ravnaqisiz buyuk kelajak qurib bo‘lmaydi / Bunyodkorlik yo`lidan. T. 4. – T.: O’zbekiston, 1996. 90-bet.
6. Karimov I. Ilmu fan mamlakat taraqqiyotiga xizmat qilsin / Bizdan obod va ozod Vatan qolsin. T. 2. – T.: O’zbekiston, 1996. 261-bet.
7. Karimov I. Elni vatan manfaati birlashtiradi / O’zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat va mafkura. T. 1. – T.: O’zbekiston, 1996. 193-bet.

**O’UK 9**

**O’ZBEKISTON TARIXIDA XORAZMLIKLAR**  
**T.S. Matyaqubov, talaba, Urganch davlat univesiteti, Urganch**

*Annotatsiya.* Mazkur maqolada qadim zamonalardan Markaziy Osiyo, jumladan O’zbekiston hududida yashab, istiqomat qilib kelayotgan va o’z davlatiga asos solgan xorazmliklar haqida bayon qilinadi. Shuningdek, xorazmliklarning turmush tarzi, qolaversa ularning qaysi xalqlar bilan o’zaro aloqalarda yashaganliklari, Xorazm davlatchiligining O’zbek davlatchiligidagi o’rni haqida ma’lumot beriladi.

**Kalit so’zları:** Amudaryo, Sirdaryo, Marg’iyon, sherxonlar, Baqtriya, Avesto, Oltoy, massagetlar, saklar, daylar, issedonlar, astaklar, ruminlar, xorasmiyalar

**Аннотация.** В этой статье рассказывается о хорезмах, живших на территории Центральной Азии, в частности Узбекистана и основавших свое государство. Также предоставлена информация о образе жизни жителей Хорезма, о связях с другими народами, и роли государственности Хорезма в истории государственности Узбекистана.

**Ключевые слова:** Амударья, Сырдарья, Маргiana, шерхоны, Бактрия, Авесто, Алтай, массагети, сакы, дайы, исседоры, астакы, романы, хорезмийцы.

**Abstract.** This article describes Khorezmans who have lived, lived, and founded their country in Central Asia, including Uzbekistan. It also provides information about the Khorezmian way of life, as well as the peoples they live in, and their role in the Uzbek state of Khorezm.

**Key words:** Amu Darya, Syrdarya, Marghian, Bactria, Sherxani, Avesto, Altai, Massagets, Saxons, Daxs, Issues, Astaxs, Romanes, Khorezmans

Kirish. Bugungi kunda qadimgi xalqlardan hisoblanmish xorazmliklar haqida olimlar, izlanuvchilar va tadqiqodchilar tomonidan ko’plab izlanishlar olib borilmoqda. Xattoki ular o’rtasida baxs-munozaraga olib keladigan mavzu ham hisoblanadi. Chunki ko’plab tadqiqodchilar tomonidan xorazmliklarning qadimdan yashagan hududlari, ularning davlatchilikka qo’shgan hissalari haqida mulohazalar yuritib kelinmoqda. Masalan V.V.Bartold, S.P. Tolstov, V.M.Masson, Ya. G’ulomov va boshqa bir qancha olimlar bu masalada o’z izlanishlarini olib borganlar. Bu ilmiy tadqiqodlarga bo’lgan talab bugungi kunda ham o’zining ahamiyatini yo’qotgani yo’q. Xorazm zaminini, uning boy madaniyatini, mehnatkash aholisini, Xorazmning ko’hna tarixini yoritish dolzarb masala hisoblanadi. Zero Prezidentimiz aytganlaridek “Jo’shqin Amudaryordan suv ichib, muqaddas va tabarruk Xorazm tuprog’ida unib-o’sgan, xalqimiz tarixida o’chmas iz qoldirgan Abu Rayhon Beruniy, Muhammad Muso Xorazmiy, Mahmud Zamashshariy, Najmiddin Kubro, Pahlavon Mahmud, Nosiriddin Rabg’uziy, Sulaymon Boqirg’oni, Sakkokiy, Munis, Feruz, Ogahiy, Bayoni va boshqa ko’plab allomalar, shoir va mutafakkirlarning nomlari jahon sivilizatsiyasi tarixiga haqli ravishda oltin harflar bilan bitilgan” [1].

**Asosiy qism.** Jonajon O’zbekistonimizning hududi va unda yashayotgan xalqlar jahon xalqlarining eng qadimi oshiyonlaridan va xalqlaridan sanaladilar. Bu hududda qadim-qadimdan so’g’d, baxtar, xorazmiy, marg’iyon va boshqa xalqlar yashaganligini juda yaxshi bilamiz. Ular o’z davlatchiligiga va yuksak madaniyatiga, o’z urf-odatlari va o’z tarixiga ega bo’lgan xalqlardir [2]. Shular ichida xorazmiyalar jahonning eng qadimi xalqlaridan biri sanaladi. Xorazmliklar juda keng hudduda Eron bilan Turon o’rtasidagi yerlarda, Kaspiy dengizining sharqiy va shimoliy

qirg'oqlarida, shuningdek Amu va Sirdaryoning quyi hamda o'rta qismlarida yashaganlar. Xorazm qabilalari haqidagi dastlabki yozma ma'lumotlar qadimgi yunon tarixchilari miletlik Gekatey (mil.avv. VII asrning oxiri VI asrning boshlarida yashab o'tgan) va tarix otasi Gerodot (mil.avv. V asrlarda yashab o'tgan) asarlarida ilk bor uchraydi. Ularning guvohlik berishlaricha, o'rta va quyi Amudaryo va Sirdaryo mintaqasida bir nechta yirik qabilalar istiqomat qilganlar [3]. Bu qabilalar derbiklar, sakaravaklar, xorasmiylar, saka-xaumavaraga va apasiyak-obisak kabi yirik uyushmalarga birlashganlar. Ular urf-odat va til jihatdan yaqin turganlar. Uyushmaning markazida o'troqlashgan, boshqalarga nisbatan yuqori madaniyatga ega bo'lgan Xorasmiya qabilalari bo'lgan. Yunon tarixchisi Gerodotning yozishicha, o'z davrida bu qabilalarni umumiyl nom bilan massagetlar deb ataganlar. Gerodot o'zining "Tarix" kitobida xorasmiy qabilalariga ta'rif berib, ularning ochiq ko'ngil, mehmondo'st, o'ta mehnatsevar bo'lislari bilan birga o'ta jasur va mard bo'lganliklarini aytib o'tgan hamda xorazmiylarning tashqi ko'rinishlariga ham to'xtalib, ularni baland bo'yli, malla sochli, oq yuzli, ko'k ko'zli kishilar ekanligini yozadi. Tarixchi arxeologlar xorasmiy qabilalari qadimgi Xorazm hududiga, bundan 12-13 yil ilgari Oltoy tomondan ko'chib kelganlar desalar, ba'zi arxeologlar esa ular Hindiston tomondan kelganlar deya o'z tahminlarini bildirishgan. S.P. Tolstov, Ya. G'ulomovlar bu fikrga qarshi chiqib, xorazmliklar O'rta Osiyoning janubidan ko'chib kelmaganlar, Xorazm davlati Quyi Amudaryoda qadimgi zamonaldayoq vujudga kelgan va ular shu yerda yashab kelganlar deb xulosa qilganlar. Yunon tarixchisi bergan ma'umotlarga asosan ularning nomlari quyidagicha bo'lgan: massagetlar, saklar, daylar, issedonlar, astaklar, ruminlar, xorasmiylar, sherxonlar, kaspiylar, arg'ishlar, arimpaslar, derbiklar, barkoniylar, topurlar, eglar kabilar edi. Bu qabilalar ichida eng ko'p sonlisi va qudratlisi, qabilalar uyushmasi deb atalgan massagetlar edi. Olib borilgan arxeologik topilmalar shuni ko'rsatadiki, xorasmiylar jahonning eng qadimiy xalqlardan biridir.

Qadimgi Xorazm qabilalariga oriylar ham kirgan bo'lib, ular baland bo'yli, sariq mag'iz yuzli, ko'k ko'zli, jingalak qo'ng'ir sochli kishilar bo'lganlar. Ko'pgina qadimgi mualliflar va yangi davr sharqshunos olimlarning ayrimlari eroniylar kabi xorazmiylar ham oriy qabilalari oilasiga mansub ekanliklarini bildiradilar. Xuddi shunday fikrni ko'zga ko'ringan sharqshunos olimlar akademik V.V.Bartold va akademik S.P.Tolstov o'z asralarida ilgari surdilar. Xuddi shunday tahminni bildirgan yozuvchi Yevgeniy Berezikov ham o'z asarida oriy so'zini olivjanob va e'zozli ma'nosida tarjima qiladi. Shu sababli ham u xorazmiylarni tuzulishi yuqoridagi xususiyatlarini oriylarga juda o'xhash ekanligini ta'kidlagan. Taniqli faylasuf olim Tohir Karim ham o'zining "Muqaddas Avesto izidan" kitobida xorazmiylarning oriylarga mansub ekanligini ko'rsatib beradi. Xorasmiylarning oriylarga mansubligi haqida turli xil rivoyatlar ham mavjud [4].

Ilk davlatchilik muammosining o'rganilishi natijalarini umumlashtirish sovet tarixshunosligida XX asrning 30 yillarida boshlangan. S.P.Tolstovning 1938-yilda chop etilgan "Orta Osiyo qadimgi tarixinining asosiy savollari" degan maqolasida ilk davlatchilik muammosining o'rganilishi natijalari tahlil qilingan edi. Shu davrgacha mazkur masala sovet tarixshunosligida deyarli o'rganilmagan.

V.M.Masson "Xorazmda yirik sug'orish inshootlari mil.avv. VI-V asrlarda barpo etilgan deb, mil.avv. IX-VIII asrlarda Xorazmda sodda dehqonchilik-chorvachilik madaniyati (Amirobod madaniyati) rivoj topgan va mahalliy bronza davri madaniyati xususiyatlarini saqlab, Xorazm tuprog'ida o'sha davrga oid paxsa yoki xom g'ishtdan qurilgan uy-joylar, mudofaa devorlari topilmagan, turar joylar yarim yerto'lalardan iborat bo'lib, sopol idishlar qo'lda yasalgan", - deb ta'kidlagan [5]. Bunday xulosalar Xorazm hududlarida davlatning juda erta vujudga kelganligini inkor etgan.

So'gdijonada, Marg'iyona, Parfiya va Ariyani qamrab olgan "Katta Xorazm" davlati to'g'risidagi nazariya ham rad etilgan bo'lib, V.M.Massonning aytishicha, So'g'dijon va Marg'iyona tarixiy-madaniy jihatdan qadimgi davrlardan boshlab, Baqtriya ancha yaqin bo'lgan.

Ushbu nazariyaga ko'ra, shu davr tarixshunosligida xorazmliklar dastlab O'rta Osiyoning janubida istiqomat qilganlar, qadimgi forslarning harbiy yurishlari natijasida, xorazmliklar janubdan Quyi Amudaryo yerlariga siqib chiqarilgan deb, faraz qilingan.

Keyingi yillarda M.G.Vorobeva mazkur nazariyani tahlil qilib, Xorazm davlati Quyi Amudaryo hududlarida qadimgi zamonaldayoq vujudga kelgan, deb xulosa chiqardi. A.S.Sagdullayev ushbu masalaga o'z e'tiborini qaratib, boshqacharoq xulosaga kelgan. Unga ko'ra, mil.avv. I ming yillikning boshlarida Marg'iyona va Baqtriya aholisining vakillari O'rta Amudaryo va Qashqadaryo vohasiga ko'chib borgan. Mazkur janubiy elatlarning guruhlari Xorazmda ham

joylashgan. Ular bu yerlarda mahalliy aholiga qo'shib, ushbu jarayon etnik jihatdan yozma manbalarda tilga olingen “xorasmiyar” elatiga asos solgan. Demak, tadqiqotchining fikriga ko'ra, Ahamoniylar davriga qadar O'rta Osiyoning janubida xorazmliklar istiqomat qilmaganlar, ular Marg'iyona-Baqtriya va mahalliy aholining etnomadaniy sintezi asosida aynan Xorazmda paydo bo'lganlar [4].

“Avesto” O'rta Osiyo viloyatlarining qadimgi tarixi, ijtimoiy tuzumi, iqtisodiy hayoti va ma'naviy madaniyatini o'rganishda muhim manbadir. “Avesto” da keltirilgan qadimgi ma'lumotlar O'rta Osiyoda harbiy siyosiy birlashma tashkil topgan davrlarga (mil.avv. IX-VIII) mansubdir [4]. Bu birlashma Aryoshayyona yoki Aryonam Vayjo juda katta harbiy ahamiyatga ega bo'lган. Shu davr aholisining bir qismi o'troq dehqonchilik va chorvachilik bilan shug'ullangan, boshqa bir guruhi esa ko'chib yuradigan chorvachilik shakliga o'tgan. Ular o'rtasidagi siyosiy qarama – qarshiliklar, kurash va tinimsiz bosqinlar “xonardonlarga, qishloq, viloyat va mamlakatga qashshoqlik va vayronalik keltirdilar”. “Avesto” da shu davr hukm surgan podsholar sulolasi – kaviylar ro'yxati quyidagicha: Xaosh'yonx, Yima, Syovarshon, Kavi Usan, Kavi Pishin, Kavi Arshan [3].

Kavi Xaosrav ariylar mamlakatlarini birlashtiruvchi podsho bo'lib, “tur” – chorvador qabilalarning yo'lboschchisi Frgangrasyon bilan jang qilgan. “Avesto” da yoritilgan qadimgi qabilalarning tillari bir-biriga yaqin edi, ularning etnik qiyofasida ham ancha o'xshashliklar mavjud bo'lgan. O'troq va ko'chmanchi qabilalar o'rtasidagi asosiy farqlar e'tiqod, ma'naviy va moddiy madaniyati hamda xo'jaliklarida bo'lib, ularni bir-biridan ajratib turgan. “Avesto”ning Mouru, So'g'da, Baxdi, Xorazm aholisi dehqonchilik va chorvachilik bilan shug'ullangan, “tur” qabilalarining (va keyin sak-massaget qabilalarining) iqtisodiy hayotida chorvachilik ustunlik qilgan. O'rta Osiyoning dashtlari va tog'lari chorvachilik rivojlanishiga qulay sharoit yaratib berган.

**XULOSA.** Ushbu maqolada qadimiylar xorazmliklarning ijtimoiy hayoti, madaniy, ijtimoiy-iqtisodiy aloqalari haqida ilmiy va tarixiy ma'lumotlar berilgan. Xorazm xalqining davlatchilikka asos solganligi haqidagi ma'lumotlarni yanada chuqurroq tadqiq etsh bugungi kunning dolzarb masalasi bo'lib qolmoqda. Bu masalani tarixiy manbalar va arxeologik tadqiqodlar orqali yechish muhum hisoblanadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” - Тошкент. 2017.
2. A. Asqarov Qadimgi Xorazm tarixiga oid ba'zi bir masalalar.\ O'zbek etnologiyasi: yangicha qarashlar va yondashuvlar. –Toshkent, 2004
3. A. Sagdullaev Qadimgi O'rta Osiyo tarixi.- Toshkent;2004
4. Tohir Karim Muqaddas “Avesto” izidan. – Toshkent: Cho'lpon, 2000
5. Q. Sobirov Xorazmnинг qishloq va shaharlari mudofaa inshootlari. –Toshkent: Fan, 2009.
6. A. Sagdullaev, O'. Mavlonoval O'zbekistonda davlat boshqaruv tarixi.-Toshkent: Akademiya , 2006.

O'UK: 94(41/99)

## BUYUK XORAZMSHOHLAR DAVLATI VA ARAB XALIFALIGI O'RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR

J.Q. Nurmamatov, talaba, Urganch davlat universiteti, Urganch

**Annotatsiya.** Maqolada Buyuk Xorazmshohlar davlati va shu davrda musulmon olamida katta obro'- e'tiborga ega bo'lgan Arab xalifaligi bilan bo'lgan munosabatlardagi chigalliliklar bayoniga to'xtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** anushteginiylar, xalifa, Xorazmshoh, saljuqiylar.

**Аннотация.** В статье освещаются сложности взаимоотношений между государством Большого Хорезма и Арабским Халифатом, которые в то время широко уважались в мусульманском мире.

**Ключевые слова:** ануштегениды, халифа, Хорезмах, салжуки

**Abstract.** The article highlights the complexities of the relationship between the Greater Khorezmian state and the Arab Caliphate, which was widely respected in the Muslim world at that time. This process uses historical sources for historical coverage.

**Key words:** Anushteginis, Khalifa, Khorezmian, Saljuqs.

Arab xalifaligi vujudga kelganidan boshlab, to parchalanib ketguniga qadar bo'lgan davrda har bir musulmon davlatiga ta'sir o'tkazish va shu davlatni o'z ta'sir doirasiga kiritish hamda saqlab turishga harakat qilgan. Zero, bu jarayondan Xorazmshoh-Anushteginiylar davlati ham chetda qolmagan. Bu narsa din bilan bog'liq holda amalga oshirib borilgan. Xorazm Saljuqiylar davlati tarkibida ekanligida Arab xalifaligi va Xorazm o'rtasida yaxshi diplomatik aloqalar o'rnatilgan. Lekin, dastlabki Xorazmshohlar davrida Arab xalifaligi bilan o'zaro aloqalar sezilarli darajada bo'limgan, bu jarayon esa davlatning Saljuqiylarga to'la tobe bo'lganligi bilan izohlanadi. Saljuqiylar davlati hukmdorlari va Arab xalifalari o'rtasida yaxshi diplomatik munosabatlar o'rnatilmaganligi, o'z navbatida, Saljuqiylarga qaram Xorazmni ham Arab xalifaligi bilan diplomatik aloqalarini cheklab qo'ygan. Saljuqiylar va Arab xalifaligi o'rtasidagi aloqalarning yomonlashuviga ikki davlat hukmdorlarining bir-birining ichki va tashqi ishlariga aralashishga intilishlari sabab bo'lgan. Saljuqiylar davlati tuzilgan davrdan (1038) boshlab Bag'dod xalifasiga tazyiq o'tkazishga harakat qilgan. Sulton To'g'rulbek davrida Saljuqiylarning kuch qudrati shu darajada ortib ketadiki, Abbosiyar xalifasi al-Koim (1031-1075) hokimiyatni To'g'rulbekka topshirib, uni sulton hamda Sharq va G'arb podshohi deb tan olishga majbur bo'lgan va o'z qizini To'g'rulbekka xotinlikka bergen [1]. Saljuqiylarning buyuk hukmdori Sulton Sanjar davrida xalifalik bilan aloqalar nihoyatda keskinlashgan. Hatto, bu davrga kelib, xalifalikda xalifalar al-Mustarshid (1118-1135) va ar-Rashid (1135-1136) larning o'limida bevosita Sulton Sanjarning qo'li bor degan gaplar tarqaladi [2]. Aynan bu voqealar Saljuqiylar sultoni Sulton Sanjar va shu davrdagi arab xalifasi al-Muqtafiy o'rtasidagi munosabatlar yanada keskinlashishiga sabab bo'ladi. Endilikda xalifa al-Muqtafiy yuqorida qayd etilgan marhum xalifalarning o'limi uchun o'ch olish maqsadida o'z davri uchun Saljuqiylar davlati bilan raqobat qila oladigan qudratli bir ittifoqchi izlashga kirishadi. Ayni damda, Xorazmshoh Otsiz har qanday yo'l bilan bo'lsa ham Saljuqiylar qaramligidan ozod bo'lishga intilayotgan edi. Uddaburon va mohir siyosatchi sifatida Otsiz xalifa uning ittifoqchisi bo'lishi mumkinligini anglab,u bilan yaqinlashishga qaror qiladi. Bu yaqinlashish har ikki tomon uchun ham birdek zarur edi. 1141-yilda Xorazmshoh Otsiz Bog'dodga xalifa al-Muqtafiy huzuriga elchi yuboradi va undan yordam so'raydi. Xalifa al-Muqtafiy Sulton Sanjarga qarshi Otsizdek qudratli hukmdor bilan ittifoq tuzishga tayyorligini bildirdi. Oradan biroz vaqt o'tgach, Bag'doddan Xorazmshoh Otsiz nomiga faxriy liboslar, sovg'a-salomlar bilan u so'ragan yerlarda to'la huquqli hukmdorligini e'tirof etib, sulton oliy martabasi berilganligi haqida farmon yetib keladi [3]. Xalifalik uzoq davrlardan buyon Saljuqiylar ta'zyiqiga uchrab kelayotgan edi, voqealarning bunday tus olishi xalifalik uchun juda katta yutuq edi. Ko'p yillar davomida xalifalik Saljuqiylar davlatiga o'z ta'sirini o'tkazish maqsadida har qanday yo'llardan foydalanib kelgan lekin, bu ko'p hollarda aks ta'sir ko'rsatgan va xalifalik obro'sini tushirib yuborgan edi. Voqealar tizginini o'zgartirish maqsadida xalifa al-Muqtafiy yuzaga kelgan imkoniyatdan foydalanib qolishga intildi va Xorazmshoh Alouddin Otsizning iltimosini yerda qoldirmadi hamda Otsizning ishonchini qozonishga harakat qildi. Endilikda ikki davlat Xorazmshohlar va Arab xalifaligi o'rtasi yaqinlashish boshlandi. Otsiz ko'p yillik hukmronligi davomida Bag'dod bilan aloqalarni yaxshilashga, xalifa bilan ittifoq tuzishga harakat qilgan, va bu borada xalifa bilan bir necha marta maktub almashgan. "Kotib al-insho" unvoniga ega bo'lgan Rashididin Vatvot bitgan beshta maktub aynan shu masalada bo'lgan. Ya'ni,bu maktublar Bag'dod xalifasiga bitilgan va unda ikki hukmdor o'rtasidagi aloqalar bayon etilgan.

Anushtegin-Xorazmshohlar sulolasining vakili Alouddin Otsiz mustaqil siyosat yuritishga harakat qildi va shu sababdan Saljuqiylar davlatining hukmdori Sulton Sanjar bilan uzoq muddat urush-talashlar olib bordi. Xorazmshoh Otsiz dastlabki paytlarda o'n yil davomida (1138 yilgacha) Sulton Sanjarga sodiq qolib, xizmat qildi, so'ngra saljuqiylarga qarashli Mang'ishloqni va Sirdaryoning quyi havzasidagi Jand shahrini 1138-yilda bosib oldi. Sulton Sanjar Otsizning bu harakatdan g'azablanib Xorazmga qo'shin tortmoqchi bo'lganida, Otsiz saljuqiylar qo'shiniga qarshilik ko'rsatishiga ko'zi yetmay, qilgan gunohi uchun uzr so'rashga majbur bo'ldi. Lekin, ko'p o'tmay Otsiz xalifa al-Muqtafiy bilan ittifoqda ekanligidan foydalanib, yangi urushlarni boshladi va va'dasini buzib, Sulton Sanjarga qarshi harakatlarni kuchaytirdi. U 1139-yili Buxoroni egalladi, biroq Sulton Sanjar bunga qarshi chora ko'ra olmadi, chunki Movarounnahrni qoraxitoylar astasekin egallab, uning g'arbiy qismiga yaqinlashmoqda edi. Manbalarda qayd etilishicha, xalifa al-Muqtafiy saljuqiylarga qarshi kurashda qoraxitoylar bilan ham ittifoq tuzgan va qoraxitoylar hukmdoriga maktub yo'llab, uni saljuqiylarga qarshi jangga da'vat etgan [4]. Otsizdan keyingi Xorazmshohlar davrida ham xalifalik bilan munosabatlar Otsiz davridagidek bo'lmasa ham

yaxshigina rivojlangan edi. Xorazmshohlar El Arslon, Takashlar davrida xalifalik bilan yaxshi munosabatlar o'rnatildi va ikki davlat ham yaxshi qo'shnichilik shiori ostida faoliyat olib bordilar. Biroq keyingi hukmdorlar davriga kelganda xususan, Alouddin Muhammad davrida esa vaziyat o'zgardi. Bu davrda ikki davlat o'rtasidagi munosabatlarga sovuqchilik tusha boshladi. Bunga sabab siyosiy masalalarda ikki davlat rahbarlarining fikri bir joydan chiqmayotganligi edi. Bu kelishmovchilikning yana bir sababi Arab xalifaligi hech bir davlatni o'zidan kuchayib ketishini istamas edi, zero, Xorazmshohlar davlati Alouddin Muhammad davrida kuch qudrat borasida xalifalikdan ancha o'zib ketgan edi. Alouddin Muhammad Xorazmshohning bu davrda qudrati va obro'-e'tibori shu darajada oshib ketadiki, „Bag'dod xalifasi men bilan hisoblashishi kerak” deb hisoblay boshlaydi. Natijada bu borada Xorazmshoh bir necha bor xalifa an-Nosir saroyiga elchilar yuboradi va xalifadan uning hokimiyatini tan olishini talab qiladi. Xorazmshoh Bag'dodga yuborgan elchilari to'g'risida an-Nasaviy o'z asarida quyidagicha fikrlarni bayon etadi: “Sultonning obro'si oshib uning ishlari buyuklasha boshladi..... sulton Bag'doddan Saljuq sulolasidagidek katta hokimiyatni qattiqroq talab qila boshlaydi. Sulton ana shunday vazifa bilan bir necha bor elchilar yubordi, ammo rozilik ololmadni. Shunga qaramay, Xorazmshoh niyatidan voz kechmadi. U “shunday vaqt keladiki, uzoqdan beri kutilgan maqsad va orzuni amalga oshirish uchun qulay sharoit tug'iladi” [5] kabi fikrlarni bayon qilgan. Keyinchalik ikki o'rtadagi adovat yanada kuchayib, hatto dushmanlik holatigacha yetib boradi va bu jarayonlarda ikki o'rtada urush kelib chiqishiga ya'ni, Alouddin Muhammadning 1217-yilda Bag'dodga katta qo'shin bilan yurish qilishiga olib keladi. Alouddin Muhammadning maqsadi xalifa an-Nosirni taxtdan ag'darish edi, ammo, xorazmshoh o'z niyatini amalga oshira olmay qo'shini muvafaqiyatsizlikka uchraydi. Bu voqeadan keyin Xorazmshoh Alouddin Muhammad elchilar orqali xalifaga qilgan ishidan afsuslanib, tavba qilganini bildirgan. Voqealarning bu borishi xalifani g'alabasini bildirib, uning ustunligini ta'minlayotgandek va ikki o'rtadagi munosabatlar ham yaxshilanayotgandek edi ammo, bu uzoq davom etmaydi. Manbalarda qayd etilishicha, xalifa an-Nosir Chingizzonga maktub yo'llab uni xorazmshohga qarshi jangga chorlagan, bu xabarning xorazmshoh qulog'iga yetib borishi ikki o'rtadagi aloqalarning yanada yomonlashishiga olib keladi. Alouddin Muhammad vafot etadi va taxtni o'g'li Jaloliddin Manguberdi meros qoldiradi. Jaloliddinning taxtga chiqishi xalifa bilan munosabatlarni yaxshilamaydi, aksincha, endi xalifa an-Nosir sulton Jaloliddingga qarshi ittifoqchilar qidira boshlaydi. Keyinchalik xalifa Jaloliddingga qarshi ittifoqchilar topishga muvaffaq bo'ladi va sulton Jaloliddingga qarshi bir necha janglarni uyuştiradi. Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinish turibdiki, xalifalik Xorazmshohlar davlati parchalanib ketguniga qadar u bilan raqobat qilgan. Bu bilan Arab xalifaligi Xorazmshohlar davlatiga azaliy dushman bo'lgan degan fikrdan yiroqmiz, albatta, chunki, bu davrda xalifalikning tashqi siyosatdagi asosiy tamoyillaridan biri hech qaysi davlatning o'zidan o'zib ketishiga yo'l qo'ymaslik bo'lgan.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Bunyodov.Z Anushtegin Xorazmshohlar davlati. Toshkent. 2012.
2. An-Nasaviy Siyrat as-sulton Jalol ad-Din Mangburni. Toshkent. 1999.
3. Masharipov Q. Jaloliddin Manguberdi buyuk vatanparvar sarkarda. Toshkent. 2019.
4. Rashididdin Vatvat to'plami.
5. Azamat Ziyo. O'zbek davlatchiligi tarixi. Toshkent. 2000.
6. Muhammadjonov A. O'zbekiston tarixi, Toshkent, 1994.

**UDC 930.85**

#### **CULTURE OF MODERN ECONOMIC CONDUCT IN UZBEKISTAN**

*Ya. Turabayeva, teacher, Andijan branch of Tashkent state agrarian University, Andijan*

**Аннотация.** Уибу мақолада ўзбек миллий маданияти ва замонавий хўжалик юритишинг ўзига хос хусусиятлари, жамият тараққий этишидаги аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** маданият, хўжалик юритиши, Ўзбекистон, жамият тараққиёти, замонавий омиллар.

**Аннотация.** В данной статье освещено особенности современной хозяйственной деятельности и узбекской национальной культуры, роль в развитии общества.

**Ключевые слова:** культура, хозяйственная деятельность, Узбекистан, развитие общества, современные факторы.

**Abstract.** This article highlights the peculiarities of the Uzbek national culture and modern economic conduct, its importance in the development of society.

**Keywords:** culture, economic development, Uzbekistan, development of society, modern factors.

Travel makes a person happy, and this statement will agree with many people who have been abroad and met other countries. Despite the popularization and availability of recreation in Europe, more and more tourists are eager to visit Asia, and, in particular, Uzbekistan. This is due to the fact that Asia is a rich, diverse, colorful territory, with distinctive traditions and culture. A huge number of historical and architectural monuments in Uzbekistan deserve attention, but it is the cultural heritage of the country that creates the most unforgettable, sincere atmosphere, thanks to which trips to this country will not leave anyone indifferent, and the desire to return to Uzbekistan will certainly arise.

Especially influenced the culture of the great silk Road. For many centuries Uzbekistan has been traversed by a road of traders who exchanged experiences, technologies, ideas, and under the influence of different peoples and ethnic groups, traditions and culture of Uzbekistan were formed. Careful attitude to them is laid to each local resident from early childhood, and the same attitude residents require from guests and tourists.

Features of national culture of Uzbekistan. You can talk about the identity of the culture of Uzbekistan for hours on end, study it in all its manifestations and facets. But in order to fully enjoy it, you should definitely visit this country, and see everything with your own eyes. It contains elements characteristic of the culture of Iran and Greece, China and Russia, characteristic of Turkic tribes and Arabs. All these peoples used the great silk Road for the development of trade relations, and therefore, it is not surprising that the culture of Uzbekistan is so diverse and bright.

By culture we mean dance and song, literature and painting, cuisine and clothing, arts and crafts and language. Of course, they should be considered only together, since all these elements are closely intertwined and form a single whole. In modern cities you can find a combination of ancient traditions and new fashion trends, and only in remote villages and settlements everything, at first glance, remains untouched by time.

It is almost impossible to explain in words all the luxury and dignity of fine art and painting. It is worth seeing with your own eyes, to appreciate the talents of local artists, their creativity and efforts. At the markets and fairs, every tourist will find a lot of works, and will be able to purchase for a nominal price. Rites of Uzbekistan

Every stage of human life, every holiday and important event in the family is accompanied by a huge number of rituals. At the birth of a baby, during an engagement, at a wedding, ancient rituals are necessarily carried out. They can take a long time to study, because they are diverse and may differ, depending on the region. To visit Uzbekistan, during the trip, as close as possible to learn the culture of the people, it is recommended to carefully make a route. This will help the travel Agency, and your trip and acquaintance with the state will be unforgettable and bright. In Uzbekistan developed the culture of economic conduct.

Cultural economics is the branch of economics that studies the relation of culture to economic outcomes. Here, 'culture' is defined by shared beliefs and preferences of respective groups. Programmatic issues include whether and how much culture matters as to economic outcomes and what its relation is to institutions. As a growing field in behavioral economics, the role of culture in economic behavior is increasingly being demonstrated to cause significant differentials in decision-making and the management and valuation of assets[1].

Applications include the study of religion, social norms, social identity, fertility, beliefs in justice, ideology, hatred, terrorism, trust, family ties, long-term orientation, and the culture of economics. A general analytical theme is how ideas and behaviors are spread among individuals through the formation of social capital, social networks and processes such as social learning, as in the theory of social evolution and information cascades. Methods include case studies and theoretical and empirical modeling of cultural transmission within and across social groups.

Beginning in 1992, Uzbekistanis have been able to buy their apartments or houses, which had been state property, for the equivalent of three months' salary. Thus most homes have become private property.

Agricultural land had been mainly owned by state or collective farms during the Soviet period. In many cases the same families or communities that farmed the land have assumed

ownership, though they are still subject to government quotas and government guidelines, usually aimed at cotton-growing.

About two-thirds of small businesses and services are in private hands. Many that had been state-owned were auctioned off. While the former nomenclatura (government and Communist Party officials) often won the bidding, many businesses also have been bought by entrepreneurs. Large factories, however, largely remain state-owned[2].

Cultural economics develops from how wants and tastes are formed in society. This is partly due to nurture aspects, or what type of environment one is raised in, as it is the internalization of one's upbringing that shapes their future wants and tastes. Acquired tastes can be thought of as an example of this, as they demonstrate how preferences can be shaped socially.

A key thought area that separates the development of cultural economics from traditional economics is a difference in how individuals arrive at their decisions. While a traditional economist will view decision making as having both implicit and explicit consequences, a cultural economist would argue that an individual will not only arrive at their decision based on these implicit and explicit decisions but based on trajectories. These trajectories consist of regularities, which have been built up throughout the years and guide individuals in their decision-making process[3].

In the follows highlights of features the culture of economical conduct:

1. Advancement of material and non-material well-being: implies balance amongst economic, social, and cultural forces;
2. Intergenerational equity and the maintenance of cultural capital: current generation must recognize their responsibility to future generations;
3. Equity within the present generation: distribution of cultural resources must be fair;
4. Recognition of interdependence: policy must understand the connections between economic, cultural and other variables within an overall system.

In the conclusion it can be said that uzbek economic conduct culture is ancient importance. So, modern world Uzbekistan it has a unique culture in this regard. The development of society is evidenced by the fact that specific achievements are being made in this area.

#### **REFERENCES:**

1. Paul Streeten. "Culture and Economic Development." Chapter 13, pp. 399-412.
2. <https://www.everyculture.com/To-Z/Uzbekistan.html#ixzz64Eb5i94O>
3. Weber, Roberto; Dawes, Robyn (2005). The Handbook of Economic Sociology, Second Edition. Princeton University Press. p. 101.

**ЎУК 393.05.92**

## **ЎЗБЕКЛАРНИНГ Дағн маросимларида зардуштийлик излари**

**(Хоразм воҳаси материаллари мисолида)**

**У.М. Абдалов, камта ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч**

**Аннотация.** Уибу мақолада ўзбекларнинг дағн маросимларидағи зардуштийлик излари Хоразм воҳаси мисолида очиб берилган. Дағн маросимларининг ўзига хос белгилари ва унда гассолларнинг тутган ўрни илмий жиҳатдан ўрганилиб, мавзу тарихийлик нуқтаниназардан таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** Хоразм воҳаси, зардуштийлик дини, турмуши тарзи, анъана, маросим, мотам, дағн маросими, гассол, марҳумнинг руҳи, жон, аза маросими, жаноза, қабристон, зиёрат.

**Аннотация.** В данной статье освещены следы зороастризма в узбекских погребальных обрядах на примере Хорезмского оазиса. С научной стороны изучена и анализирована с исторической точки зрения своеобразные свойства погребальных обрядов и роль человека, моющего покойника (гассол).

**Ключевые слова:** Хорезмский оазис, религия зороастризм, образ жизни, традиция, обряд, траур, погребальный обряд, гассол, дух покойника, душа, траурный обряд, заупокойная молитва, кладбище, паломничество.

**Abstract.** This article explains the traces of Zoroastrianism in Uzbek funerals as an example of the Khorezm oasis. The specific features of the funerals and the role of a mortician (the person who handles the body in preparation for a funeral) in this study have been scientifically studied and the subject historically analyzed.

**Keywords:** *Khorezm oasis, Zoroastrianism, lifestyle, tradition, ritual, mourning, funeral, ghost, spirit of the deceased, soul, funeral, cemetery, pilgrimage.*

Ўрта Осиёнинг йирик магистрал сув манбаи бўлган Амударёнинг қуи оқимида жойлашган Хоразм воҳаси Марказий Осиё тарихида муҳим роль ўйнайди. Хоразм ўтрок суғорма дәҳқончилик маданиятининг қадимги ўчоқларидан биридир. Бронза давридаёт мураккаб суғорма иншоатларини барпо эта бошлаганлар.

Қадимги Хоразм юқори даражадаги маданияти ривожланган дәҳқончилик, фаровон шаҳарсозлик, гуллаган ҳунармандчилик, санъат ва ўзига хос турмуш тарзи билан ажралиб туради.

Эътироф этиш керакки, воҳада олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган ашёлар ва ўрганилган материаллар дағн маросими билан алоқадор урф-одатларга аниқлик кириди [1].

Археологик қазишмалар Хоразм зардуштийликнинг қадимий ўчоқларидан бири, деган фаразнинг тӯғрилигини исбот қилиб берди. Бундан ташқари олиб борилган дала этнографик ёзувлари олиш давомида тўплланган материаллар ҳам буни тасдиқлади. Айнан қадимги зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ кўринишлар, хусусан, оилавий маросимлар туркумiga киривчи дағн маросимларининг айрим хусусиятлари тадқиқотчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган [2]. Биз тадқиқ этаётган мавзу билан боғлиқ ҳолда зардуштийлик дини дағн маросимларига оид тадқиқотлар ҳам эълон қилинган [3].

Лекин айнан мазкур тадқиқотларда турли диний эътиқодий қарашларнинг Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқлиги муаммосига бирмунча кам эътибор қаратилган. Айнан шу боис биз мазкур мақолада ушбу муаммони манбалар ва дала ёзувлари маълумотлари асосида ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Инсон вафоти билан вужудга келган мотам оила аъзолари учун қайгули, белгилаб қўйилиб, ўтказиладиган маросим ҳисобланади. Кўни-қўшни, ошна-оғайнилар томонидан “сабрли бўл” деб кўнгилга далда бериш одати бор. Хоразм воҳаси туманлари бўйлаб мотам маросимларида қадимий эътиқодлар тӯғрисида маълумотлар тўплаш жараёнида ахборотчилярдан олинган маълумотларнинг марказида инсон организмида ҳаракатнинг тўхташи – бу рухнинг инсон жисмини тарк этиш деган фикр-мулоҳаза туради. Хоразм воҳасида инсон вафот этгандан сўнг уни жони танасидан күш каби учиб кетади деган тасаввур бўлган [4].

Дарҳақиқат, “жон”нинг чиқиши хусусида, у инсоннинг қаерида ўрнашган бўлиши каби иборалар аҳоли ўртасида кенг тарқалган, баъзи холларда “қон чиқди-жон чиқди” ибораси ҳам ишлатилишининг гувоҳи бўламиз. Аслида инсон организмидан қон чиқмайди. Қон одамдан қандай холатда чиқади? Инсон қон босими юқори даражада бўлган тақдирда бурундан, оғиздан чиқиши содир бўлади. Икки кўзи эса қизарип кетиш холати юз беради.

Инсонда фаолиятнинг тўхташи дастлаб инсон оёқларидан бошланиб, аста-секин асосий жигар, буйракни қамраб ўз фаолиятини тўхтатар экан. Хоразмнинг деярли барча худудлари ахолиси ўртасида инсон вафоти тӯғрисида “жони узилди” ёки “жон берди” тарзда оммага маълум қилинади. Шунингдек, воҳада инсон вафот этганда “қайтиш қилди” деб ҳам айтилади [5].

Воҳада оғир касал билан ётиб қолган инсонни алоҳида уйда сақлаганлар, оила аъзоларидан бири қараб турган. Унинг соғлигини билишга, рухан кўтариш учун келганлар бемор ёнида узоқ ўтириб қолмаган [6]. Бемор киши вафот этган уйга кичик ёшдаги болалар, хомиладор оналар киритилмайди.

Жон танани эркин тарк этишига кўмаклашиб юбориш мақсадида атрофдагилар овоз чиқармай, жим ўтирганлар. Оғир ётган бемор жон узилиш олдидан ҳушидан кетиши ҳам мумкин. Унинг иссиқдан оғзи қуриб қолмаслиги, оғизга нам берувчи ички безлар (сўлак безлари) фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун пахтани сувда ҳўллаб олиб беморнинг оғзи намлаб турилади [7]. Шу ўринда бу одат аслида жон бераётган кишининг чанқоғини қондирадими ёки қандайдир бошқа сабаб билан боғлиқми, деган савол туғилади. Элшунос Г.П. Снесарев бу хатти-ҳаракатни қадимий зардуштийлик динининг дағн маросимлари билан боғлаган. Олимнинг таъкидлашича, зардуштийлиқда жон бераётган киши доимий равища ёвуз кучлар тимсоли Ахриман таҳдиди остида бўлган. Шу боисдан жон бераётган зардуштийнинг олдида ёвуз кучларни хайдаш учун иккита мубад шай туриши лозим бўлган.

Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турган бўлса, иккинчиси оғир ётган одам оғзига тетиклик бағишилаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас хаома) шарбати ёки анор сувидан томизиб турган [8]. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридагига ўхшаш одат замонавий зардуштийларда ҳам мавжудлиги хусусида тадқиқотчилар томонидан маълумотлар берилган [9]. Демак, юқорида таъкидланган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, жон бераётган кишининг оғзига пахта билан сув томизиб туриш ва унинг ёнида албатта кекса ёшли икки кишининг бўлиши қадимий зардуштийлик динининг қолдиғидир.

Оламдан ўтган инсонни қариндош-уруғлардан энг яқинлари ювиш жараёнини ташкил қиласидилар. Бу холатни биз фақат Шимолий Хоразм ўзбеклари турмушида учратдик. Жанубий Хоразм ўзбеклари турмушида мурдани тозалаш ишларини маҳсус “ювғучилар” бажаради.

Ўзбекистоннинг қўпгина худудларида бўлгани каби Хоразм воҳасида ҳам ғассолларга (ўлик ювғучиларга) муносабат масаласи ҳозиргача нозик масала бўлиб, бу тоифанинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, уларнинг келиб чиқиши, мазкур иш билан шуғулланишларининг сабаблари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган мавҳум мавзулардан биридир. Чунки, этнографик ва тарихий материалларга қараганда марҳумга муносабат масаласининг ўзи жуда мураккабдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мурданинг нопоклиги удум шаклида кўплаб, диний маросимлар билан боғланиб кетади. Хоразмда ислом динидан бурунги зардуштийлик дини қоидаларидан келиб чиқиб, яъни, “Авеста”нинг “Вендинод” қисмида бу борада кўплаб далилларни учратамиз. Бу борада ўлим билан алоқадор тасаввурлар анча қизиқиш уйғотади.

Ғассоллар билан сухбатлашиш асосида ҳамда уларнинг ўз вазифасини бажариши ёки бу касбнинг мавжудлиги ҳолатини ўрганиш жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, тарихан улар икки гурухга бўлинган. Биринчиси, ижтимоий келиб чиқиши ва ўрни жиҳатидан, яъни, бу касб, отадан болага, онадан қизига ўтиб келган ўлик ювғичилар тоифаси мавжуд бўлган. Бу касб эгаларининг иккинчи гурухи иқтисодий жиҳатдан, яъни, пулга муҳтоҷ кишиларнинг бу ишни қилишга мажбурликларидан келиб чиқсан.

Дала тадқиқотлари давомида ўлик ювғичиларнинг учинчи бир тоифаси борлиги маълум бўлдики, бу гурух ғассоллари на ижтимоий мавқеи жиҳатидан (яъни, уларнинг айнан шу тоифага мансуб бўлиши), на иқтисодий сабабларга кўра (яъни, пулга муҳтоҷ кишиларнинг бу ишни пул ишлаш учун қилиши) бу ишни амалга оширадилар. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра бу гурух ўлик ювғичилар руҳий-психологик омиллар сабабли шу ишни мажбурий бажарадилар. Яъни, улар муаяйян бир касалликка чалинадиларки, уларни на медицина нуқтаи-назаридан даволаб бўлади, на ҳалқ табобати билимдонларидан даво топадилар. Улар ўз дардининг шифосини фақат ўлик ювғичилик билангина топа оладилар. Ҳатто, бундай тоифадаги ўлик ювғичиларнинг кўпчилиги жамиятда юксак мавқени эгаллаб, ўз маҳалласи, вилояти ва ҳатто ҳалқ ичida катта обрў-эътиборга эга шахслар ҳисобланади. Жумладан, дала тадқиқотларидан шу нарса аниқландиди, машхур ҳофиз (ахборотчи унинг исми-шарифини сир тутишимизни илтимос қилди) ҳам чекка-чекка қишлоқларга бориб, ғассоллик қиласи [10]. Лекин, кўриниб турибдики, бундай шахслар бу ишни қилишларини иложи борича билдирамасликка ва сир тутишга ҳаракат қиласидилар.

Шу билан бирга Хоразм воҳаси аҳолиси ичida ҳозиргача ғассолларнинг бўлиши лозимлигини таъкидловчилар кўпчиликни ташкил қиласиди. Жумладан, Хива шаҳридаги ахборотчи Уллибиби она Йибрагимованинг фикрича “ювғичи, яъни ғассол, кундалик турмушимизда жуда зарур чунки, ўлик ҳолатда ётган онам ёки яқинимга қандай қарайман, бардошим етмайди. Мен каби катта кўпчилик ҳам шу ҳолатда бўлгани учун, уларнинг ҳам фикри менини каби бўлса ажабмас” [11], дея ғассолларнинг бўлиши кераклигини маълум қиласидилар.

Бу холат фақат Жанубий Хоразм ўзбекларига хос бўлиб, Шимолий Хоразм ўзбекларида марҳумни яқин қариндошлари, қизи, опаси, синглиси ёки ака-укалари тозалайдилар. Улар “суягимизни бегонага ушлатмаймиз” деган маънода марҳумни ювиш билан бирга, уни кафанлаш, лаҳадга қўйиш каби амалларни ҳам суюк эгалари бажарадилар. Бундан холат водий қипчоқларида ҳам борлиги маълум [12].

Ғассоллар қадимги зардуштийликдаги ўлик хизматчилари – насасаларнинг рамзий авлодлари. Биз қадимги зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар ўзларини ўлик хизматчилари – насасалардан доимо четга олганликлари ҳақидаги маълумотларга эгамиз.

Ўтмишда улар меҳмонга, тўйларга таклиф қилинмаган. Ўзбекистоннинг бошқа худудларидан фарқли равишда фассоллар Хоразмда алоҳида маҳаллаларда истиқомад қилганлар [10].

Оила аъзосининг вафот этиши муносабати билан, эркаклардан унинг акаси ёки укаси, невараси ва энг яқин қариндоши “йигиси” амалга оширади. Хотин қизлар йигиси узоқ давом этади. Элшунос Г.П.Снесарев марҳум учун эркакларнинг қичқириб, аёлларнинг соч ёзиб йиғлашлари ислом динигача бўлган ходисалар эканлигини айтади [8]. Хоразмдаги Тўқ қалья ва Гавр қальядан топилган деворлардаги нақшлар ҳам исломдан олдин бўлганлигини исботлайди [13]. Яъни, бу тасвирда бир тарафдан бир гурӯх аёлларнинг остадон атрофида соchlарини юлиб йиғлаб турганликлари аниқ кўриниб турибди.

Хоразм воҳаси аҳолиси ўртасида эса жаноза куни оила аъзосининг каттаси, ёки касаллиги туфайли ёш аъзоси ўтса унинг аёли ёки онаси қўлларини кўкракларига уриб, соchlарини турли томонга тарқатиб “дод” солиб [12] йиғлашларини кўрамиз.

Ҳозирги кунда оламдан ўтган инсонни уйидан олиб чиққанидан кейин жаноза фотихаси ўқилаётган пайтида аёлларнинг баландли овозини чиқармасликка харакат қилинади. Хатто ҳовли эшиги ёпиб қўйилишини ҳисобга олсак юқорида қайд қилинган дод-фарёд йиғлаш удуми исломгача давом этганлиги кўзга ташланади. Айрим тадқиқотчилар фикрича соч ва кон ҳаётнинг белгиси. Шунингдек жаҳон халқлари марҳум руҳини чалғитиши мақсадида сочни тарқатиб йиғлаш одатини олиб борганлар [14].

Жасадни ювиб бўлишганидан кейин, марҳум олиб чиқилганида хона ичидаги исироқ тутини билан айлантириб чиқилишини кузатиш мумкин. Марҳумни ювишдан олдин, унга кафан тайёрланган. Кафандар оқ матодан тайёрланган бўлиб, ҳозирги замон Хоразм аҳолиси марҳум ва майит ўрами учун 20-30 метр оқ мато олинган. Ахборотчилар маълумотларига кўра, марҳум энг аввало ётган хонаси ва ташқи эшиқдан оёқ томонидан олиб чиқилган, кейин маҳсус жаноза ўқиладиган жойга боши томони билан олиниб келинган. Хоразм аҳолисининг бу одатига ўз вақтида Г.П.Снесарев эътиборни қаратган эди [8].

Марҳумни оstonада уч марта кўтариб тушириш одати Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Хоразмда ҳам мавжуд. Бу амалдан кўзланган мақсад, бу хонадонда қайта ўлим бўлмасин деган ниятда қилинган. Хонқа туманидаги ахборотчининг маълумотига кўра эса, марҳум тобутининг хонадон бўсағасида уч марта кўйиб олинишининг асосий мазмуни марҳумнинг яшаб келган хонадони билан охирги марта хайрлашиши деб тушунилган [15].

Марҳум чиқиб кетган уйда уч кунгача овқат тайёрланмайди ва овқатни қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари олиб келишади. Урганч ва Хива туманларида 3 кунгача, Хонқада эса 7 кунгача овқат пиширилмайди. Кузатишимиш натижасида шуниси маълум бўлди, Хива тумани қишлоқларида марҳумнинг уни кунни ош тайёрланиб, уни томга сепишган. Қушлар учун тайёрланган бу таом “Кўқин оши” деб номланади. Ахборотчиларнинг берган маълумотига кўра одам ўлгандан кейин унинг руҳи қушга айланар эмиш ва шунинг учун сепилган “Кўқин ош”ни марҳумнинг ўша руҳи истеъмол қиласи деб тушунгандар [11].

Зардуштийларда марҳум уйдан чиқарилганидан кейин унинг руҳи уч кунгача хонадонда айланниб юради деган қараш бўлган. Шунинг учун ҳам унинг яқин қариндошлари томонидан марҳум чиқсан уйда уч кечакундуз муқаддас олов ўчирилмаган [16].

Хоразм вилояти туманларида ҳам марҳум хонадонида маълум бир кун хонада чироқ ёкиб қўйиш одати мавжуд. Хонқа ва Хоразмнинг бошқа жойларида чироқ марҳумнинг уйидаги кирқ кун давомида, Гурланда етти кун, Хивада эса ўлик ювилган жойда уч кун ёқилган ҳолда туради.

Элшунос Г.П.Снесаревнинг маълумотига қараганда Хонқа туманида чироқ ёнида бир пиёла сув ҳам қўйилган [8]. Тадқиқотлар давомида бу одат бошқа туманларда ҳам борлиги кузатилди [10].

Дағн маросими билан боғлиқ тарзда Хоразм урф-одатларида мурданинг айрим ашёларига табу эълон қилинганлиги кўрамиз. Одатда, кафандага жойланган ўликнинг устидан яна бир кўрпа ўралади. Бундай кўрпалар оила учун маҳсус тикиб тайёрлаб қўйилади ва ишлатилиб бўлгандан кейин болаларнинг кўли етмайдиган баланд жойга илиб қўйилган [8].

Бу кўрпа мурда қабристонга қўйилгандан сўнг уйга олиб келиниб, бир кечакунда ёйиб қўйилади ва ўзига хос тозалашни бошдан кечиралиб. Асосий мақсад кўрпани юлдузлар кўриши керак. Бу одат халқ орасида “юлдуз кўрсин” деб аталади [10]. Бу ерда биз осмон

жисмларининг тозалаш хусусиятига эга, деган энг ибтидоий тасаввурга дуч келамиз. Бу ходисага Авестода дуч келиш мумкин. Унда таъкидланишича, мурдага теккан бирор кийимни тозалаш учун албатта деразада осиб қўёшга қаратиб қўйиш зарур [17].

Нопок ва ҳаром ашёларга фақатгина кўрпа эмас, балки тобутнинг бошига қўйиладиган ёстиқча ҳам киради. Ушбу ходисага алоқадор удумлардан яна бири Анбар Маноқда жойлашган ўрта аср қалъаси Ваёнгон қабристонида кўзга ташланади. Мурда қабрга жойлаштирилганидан кейин ёстиқчалар кун кўрсинг деб ташлаб кетилган. Мазкур одат ҳам зардуштийлик динининг акс-садоларидан биридир. Вендиатда тавсия қилинишича, бундай ёстиқчаларга сүяклар териб қўйилган ва кейин улар ёруғликка, қуёш нурига ташлаб қўйилган [18]. Эҳтимол, ўликни элтувчи тобутнинг қабристонда қолдирилиши ҳам ўша одатларнинг давомийлигидир. Ўрта Осиё халқлари орасидаги жасадни жойлаштириш одатининг якуни мархумга тегишли ашёларни бошқаларга тарқатиш жараёни билан ўз ниҳоясига етади.

Юқорида қайд қилинган тарихий далиллардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак Хоразм воҳаси аҳолисининг оламдан ўтган одамни дафн қилиш расм-руссумлари қадимиј аждодларимиз урф-одатлари илдизларидан келиб чиқсанлигини кузатиш мумкин. Қадимдан бошлаб никоҳ масаласи келажак замонда аждодлар давомийлигини билдирса, оламдан ўтиш эса инсон фаолиятининг якуний босқичи эканлиги ва уни бажарилишининг расм-руссумларида умумийлик бўлса ҳам, географик худуднинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Дафн маросимларида зардуштийлик эътиқодининг ҳанузгача сақланиб қолиши, унинг тарихий илдизлари нақадар теран эканлигидан далолат беради.

Воҳа худудида олиб борган тадқиқотимиз, ахборотчила маълумотларидан маълум бўлди-ки дафн маросимлари ўтроқ ёки чорвадор аҳоли учун биологик ҳамда жисмоний жихатидан оғир мусибат, жудолик маросимларидан биридир.

Оламдан ўтган оила аъзосини дафн қилишда у билан боғлиқ бўлган удумлар фақат унинг руҳини эсга олиш эмас, балки соғ қолган ғамга тўлган оила аъзолари, қариндош-уруғлари учун хотиравий ва зурурий маросимлар бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга аҳоли томонидан ўтказиладиган дафн маросимлари ва у билан боғланиб кетган расм-руссумлар замон ва макон, табиат ва инсон ўргасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам изоҳлайди, чунки инсон туғилишидан тортиб, то ҳаёти охиригача бўлган жараёнда табиат ва маконларни бир-бирига боғлаб турган биологик мавжудот ҳисобланади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962
2. Бойс М. Зороастрцы. Верования и обычай. – М.: Наука, 1987. – С. 42-43.
3. Мейтарчиен М.Б. Погребальный обряд зороастрцев. М., 1999.
4. Рапопорт Ю.А. К вопросу о Хорезмских статуарных оссуариях /ксиз, Вып XXX. 1958, с. 63.
5. Дала ёзувлари. Хива ва Хонка туманлари. 2013 йил.
6. Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Р. Амударё тумани, Ктай қишлоғи, 2017 йил.
7. Андреев М.С. По этнологии Афганистана. Долина Панжшира. – Т., 1927. – С. 52
8. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... – С. 132.
9. Modi J.J. The religious Ceremonies and Customs of the Parsees. – Bombay, 1922. – Р. 307
10. Дала ёзувлари. Урганч тумани Қораул, Фалаба, Дўрман қишлоқлари. 2018.
11. Дала ёзувлари. Хива шаҳри. Калтаминон маҳалласи, Дашёқ қишлоғи. 2019.
12. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимиј эътиқод ва маросимлари. Т., 2007, б. 114.
13. Гудкова А.В. Ток-кала. – Т.: Фан, 1964.
14. Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. Л., 1936
15. Дала ёзувлари. Хонқа тумани. Сарапоён қишлоғи. 2017 йил.
16. Хисматулин А. А., Крюкова В. Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. – Спб.: Центр “Петербургское востоковедение”, 1997. – С. 60.
17. Авесто. Вендиат. VII, б. 14-15.
18. Вендиат. VI, б. 49-51; Иностранцев К.А. О древнеиранских погребальных обычаях и постройках. С. 102.

ЎУК: 906

#### ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МУАММОСИ ВА ЦИВИЛИЗАЦИОН ҚАРАШЛАР

*А.А. Боқиев, доцент, Термиз давлат университети, Термиз  
З.Х. Йўлдошева, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихини даврлаштириши муаммосига бағишиланади. Мазкур тадқиқотда инсоният тарихини даврлаштишининг

археологик, хронологик, сулолавий, формацион, этнографик ва цивилизацион ёндашишларнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлари:** Даврлаштириши, археология, сулола, формация, цивилизация, пленум, урбанизация, пиктографик белгилар, ренессанс.

**Аннотация.** Статья посвящена проблеме периодизации истории Центральной Азии и Узбекистана. В данной статье рассматриваются некоторые стороны успехов и недостатков археологического, хронологического, династического, формационного, этнографического и цивилизационного подходов к периодизации истории человечества.

**Ключевые слова:** Периодизация, археология, династия, формация, цивилизация, пленум, урбанизация, пиктографические знаки, ренессанс.

**Abstract.** The article is devoted to problem the history of Uzbekistan's timing. In the present case, the history of failure is about the achievement and defect of archeological, chronological, dynastic, formational ethnographic and civilizational approaches.

**Key words:** Periodization, archaeology, dynasty, formation, civilization, Plenum, urbanization, pictographic signs, Renaissance.

Инсоният тарихини даврлаштиришнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, булар археологик, хронологик, сулолавий, этнографик, формацион ва албатта, цивилизацион ёндашишлардир. Тарихни даврлаштиришда бу усулларнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Ўрта Осиё халқлари тарихи биринчи марта академик В.В. Бартольд томонидан даврлаштирилган [1: 3 б]. В.В. Бартольднинг ушбу қарашлари мавжуд ёзма манбаларга асосланган эди, ундан кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу даврлаштириш мақбул эмаслиги аниқланган [2: 15-24 б]. Бу борада В.В. Струве Қадимги Шарқ манбаларига асосланган ҳолда Ўрта Осиёда мусулмон давригача ҳам “қулдорлик бўлганлигини асослаб берган” [3: 23-34 б].

Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихини даврлаштиришда С.П. Толстовнинг хизматларини ҳам эслаб ўтиш керак. У ҳам мусулмончиликкача бўлган даврларда бу ўлкада “қулдорлик бўлганлигини эътироф этади” [4: 3-21 б]. Даврлаштириш масаласи 1948 йилда Ленинградда ўтказилган пленум [5: 8-28 б] ва 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган сессияда атрофлича муҳокама этилган [6]. Шўролар даври тарих фанида кишилик жамияти тарихини бешта ижтимоий-иқтисодий формацияга бўлиб ўрганиш анъанага айланган [7: 15 б]. Ўзбекистон тарихи фани ҳам асосан формацион ёндашув асосида даврлаштирилиб келинган. Маълумки, тарихни беш босқичли формация асосида даврлаштиришнинг ижодкорлари ишлаб чиқсан усул Европа халқлари тарихи учун ёзилганлигини, Осиё халқлари тарихи учун мос келмаслигини ғоя муаллифларининг ўзлари ҳам таъкидлашган [8]. Ривожланишнинг бир текисда кечмаслиги натижасида Осиёда капитализмнинг бўлмаганлиги марксистларга “Осиёча ишлаб чиқариш усули”ни, ленинизмчиларга “капитализмни четлаб, сакраб ўтиш” назариясининг пайдо бўлишига олиб келган [8: 26-36 б]. Демак, тарихни формацион даврлаштириш Осиё, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихи учун мос келмаслиги ғоянинг туғилган давридан бошлаб маълум бўлган.

Ўзбекистон тарихини сулолалар асосида даврлаштириш ҳам тарихимизни ёрқинроқ ўрганиш учун асос бўлиши мумкин [9]. Ўзбекистон тарихи хронологиясига, давлат бошқаруви тизимига эътибор берсак, жуда катта даврларда сулолалар ва уларнинг алмашинуви жараёнини кузатиш мумкин. Аммо, Аҳамонийлар давригача ёки янги ва энг янги даврлар тарихини ўрганишда мазкур ёндашиш услубий жиҳатдан тўғри келмаслиги мумкин, шу маънода сулолавий даврлаштириш усули тарихнинг барча хронологик даврларини қамраб ололмайди деган фикрдамиз.

Фикримизча, тарихни даврлаштиришнинг энг мақбул вариантиларидан бири унга цивилизацион ёндашишдир. Цивилизацион ёндашиш, яъни урбанизация йўналиши бўйича жаҳон тарихида ниҳоятда катта ишлар қилинмоқда. Таникли археолог ва урбанист олим К.Ренфрю цивилизацияга илмий таъриф бериб, жамиятнинг маданий ривожланган босқичи бўлиб, жамият синфий табақалашган ва давлатчилик шаклланган бўлиши керак деб хисоблайди [10: 213 б].

Ўтган асрнинг 50-йилларида Г.Чайлд Қадимги Шарқ ва Европа цивилизацияларининг хусусиятларини очиб берди [11; 12; 13: 9-16 б].

Бир қатор урбанист олимлар, жумладан Р.Мак Адамс [14:345-357 б], В.Фейрсервис [15:68-73 б], К.Фланнерлар [16:21-34 б] Қадимги Шарқ цивилизациясининг хусусиятларини, инсоният тарихининг маданий ривожланишидаги ўрнини, бошқа цивилизацияларнинг тараққиётидаги ролларини ўргандилар.

Жамият тараққиётида цивилизацион қарашларнинг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнини ўрганишда инглиз олими А.Тойнбининг ҳиссаси катта эканлигини эътироф этиш керак (Арнольд Жозеф Тойнби - Британия фанлар академиясининг аъзоси, Оксфорд, Лондон, Бирмингем, Принстон университетларининг профессори, Королева халқаро муносабатлар институтининг директори. Ўн томлик “Тарихий тадқиқотлар”, “A Study of History” асарининг муаллифи). У ер юзида инсоният 26 та цивилизацияни бошидан ўтказганлигини таъкидлайди [17;18]. Қуйида Арнольд Тойнбининг инсоният ривожланишидаги цивилизацион қарашларини келтирамиз.

#### Г. Чайлдинг қарашлари бўйича Сополли маданиятида илк цивилизация белгиларининг мавжудлиги

Олимнинг 1958 йилгача бўлган қарашлари бўйича илк цивилизация белгилари	Жарқўтон ёдгорлигига илк цивилизация белгиларининг кузатилиши	1958 йилдан кейинги қарашлари бўйича	Жарқўтон ёдгорлигига илк цивилизация белгиларининг кузатилиши
Давлатларнинг шаклланиши	Сарой ва ибодатхонанинг, бошқарувнинг мавжудлиги		
Синфий муносабатлар	Монументал ва оддий меъморчилик биноларининг, бой ва камбағал қабрларнинг мавжудлиги	Илк шаҳарлар	Жарқўтон шаҳар-давлати
Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши	Ривожланган хунармандчилик, савдо, идеологик марказга айланиши		
Солик тизими	?		
Ривожланган савдо	Жарқўтондан Хараппа, Элам, Сурия, Хетит, Андронова маданиятиларига хос моддий маданият намуналарининг топилиши		
Ривожланган хунармандчилик	Меъморчилик, кулолчилик, металлсозлик, заргарлик	Ёзув	Пиктографик белгилар, ашёвий ёзув тизими
Ёзув	Пиктографик белгилар, ашёвий ёзув		
Ерга эгалик қилишнинг авлодлардан аждодларга ўтиш шакли	Сунъий сугориш асосидаги дехқончилик		
Монументал бино	Ибодатхона, сарой, мудофаа иншоотлари	Монументал меъморчилик	Жарқўтон олов ибодатхонаси, саройи, мудофаа иншоотлари
Фан ва санъат белгиларининг шаклланиши	Геометрик ўлчов бирликлари, симметрия, лабиринт, ҳайкалтарошлиқ		

#### Чикаго конференцияси хуласасига кўра (1958 йил) Сополли маданиятида илк цивилизация белгиларининг мавжудлиги

№	Чикаго конференциясида қабул қилинган илк цивилизация белгилари	Илк цивилизация белгиларининг Жарқўтонда ифодаланиши
1.	Давлатларнинг шаклланиши	Жарқўтон шаҳар-давлати
2.	Ёзувнинг шаклланиши	Пиктографик белгилар ва ашёвий ёзув тизими
3.	Дехқончиликнинг хунармандчиликдан ажralиши	Жарқўтонда хунармандлар кварталларининг шаклланиши
4.	Синфий жамиятнинг шаклланиши	Монументал ва оддий меъморчилик биноларининг, бой ва камбағал қабрларнинг мавжудлиги
5.	Шаҳарларнинг пайдо бўлиши	Жарқўтоннинг ривожланган хунармандчилик, савдо, идеологик марказга айланиши

А.Тойнби ниҳоятда кучли жамиятшунос бўлганлиги боис, 1967 йилда нашр этилган монографиясида социалистик тузумнинг инқирозга учраши ҳақида фикр билдириб ўтган эди [19: 26 б].

А.Тойнбининг цивилизацион даврлаштиришига эътибор берсангиз илк цивилизация босқичида келтирилган Қадимги Шарқнинг бешта ўчоғини тугалланган деб ҳисобламайди “ва бошқалар” ибораси билан якунлаган. “Ва бошқалар” иборасида у археологлар томонидан янги кашф этилаётган цивилизацияларни инобатга олган, албатта.

Биз А.Тойнбининг ушбу хуносаси энг тўғри, шу даврлаштиришни қабул қилиш керак деган фикрдан йироқмиз. Фақат тарихни даврлаштиришда шу йўналишда қилинган мақбул ишлардан бири деб кўрсатдик, холос.

Таъкидлаш жоизки, тарихни даврлаштиришда цивилизацион ёндашиш масаласи бўйича Ўзбекистон тарихида ҳам маълум бир ишлар қилинган. Бажарилган ишлар олинган бир давр ёки тарихий худудлар бўйича амалга оширилган. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлиб С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик экспедицияси “Қадимги Хоразм цивилизацияси” гоясини кўтариб чиқди. Қадимги Хоразм халқининг яратган бой маддий маданияти ва Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини кўрсатиб берди [20: 341 б; 21: 149-168 б].

№	Жамият ривожланишининг цивилизацион босқичлари	Цивилизациялар
I.	Ибтидоий жамият	
II.	Илк цивилизациялар (Бирламчи цивилизация)	Миср
		Шумер
		Хараппа
		Миной
		Қадимги Хитой (Шан) ва бошқалар
III.	Иккиласми цивилизациялар	Илдизи Шумер бўлган Бобил
		Илдизи Хараппа бўлган Хинд
		Илдизи Миной бўлган Сурдия
		Илдизи Миной бўлган Эллин
		Илдизи Шан бўлган Хитой
IV.	Олий динлар	Илдизи Бобил бўлган Иудаизм ва Зардуштийлик
		Илдизи Хиндистон бўлган Индуизм
		Илдизи Сурдия бўлган Ислом
		Илдизи Эллин бўлган Христианлик
		Илдизи Хиндистон бўлган Буддизм
V.	Учламчи цивилизациялар	Илдизи Қадимги Хинд бўлган, буддизм таъсирида шаклланган Хинд
		Илдизи Сурдия бўлган, ислом таъсирида шаклланган Эрон
		Илдизи Сурдия бўлган, ислом таъсирида шаклланган Араб
		Илдизи Эллин бўлган Христианлик таъсирида шаклланган Фарбий Европа
		Илдизи Эллин бўлган Христианлик таъсирида шаклланган Шарқий Европа
		Илдизи Хитой бўлган, буддизм таъсирида шаклланган Узоқ Шарқ

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё мутафаккирларининг жаҳон халқарининг маданий, илмий ҳаётида тутган ўрнини инобатга олиб, жаҳон тарихида “мусулмон ренессанси даври” гояси пайдо бўлди [22; 23]. Бунда Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Қошибарий, Аҳмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий, Абу Иссо Мухаммад Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий ҳамда Аҳмад Яссавий каби ўнлаб алломаларнинг умуминсоният тараққиётига қўшган тарихий ҳиссалари ёритилди, жаҳон халқи ва олимлари томонидан эътироф этилди.

Мустақиллик туфайли А.Темур ва темурийлар даври тарихига муносабат ўзгарди. Улар даврида яратилган техник тараққиёт ва моддий маданиятга, давлатчилик бошқаруви тарихида, айниқса меъморчиликда қилинган янгиликларга нисбатан “Темурийлар даври цивилизацияси” ёки “Самарқанд цивилизацияси” ибораси қўлланила бошлиди.

Қадимги тарих, илк цивилизациялар борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Академик А.А.Аскаров 2007 ва 2015 йилларда нашр этилган илмий тадқиқотларида кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта йирик цивилизацияни бошидан кечирган деб ҳисоблайди [2: 18-19 б; 24: 69-90 б]. Мил. авв. II минг йилликдаги қадимги Бақтрия ва Марғиёна минақаларининг бронза даври маданиятларини, баъзи археолог ва тарихчи олимлар томонидан бирламчи цивилизациянинг **Окс цивилизацияси** номи билан бешинчи ўчоги сифатида эътироф этаётганларини ҳам қайд этиб ўтади [24: 69-90 б].

Илк шаҳарларнинг шаклланиши мавзусида Т.Ш.Шириновнинг хизматларини таъкидлаб ўтган ҳолда, А.С.Сагдуллаевнинг Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида илк цивилизация ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги хизматларини ҳам эътироф этиш зарур [25:42 б;26:40 б;27]. А.С.Сагдуллаев илк давлатларнинг ривожланишини давр ва типларга бўлиб ўрганган [26:40-41 б;28:22-31 б].

Бу масалада 2001 йилда чоп этилган «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: “Давлатчилик ва хуқуқ тарихидан лавҳалар” китобида академик Э.В. Ртвеладзе Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатларни бошқарилиш усулига қараб қўйидаги типларга бўлган:

1. Подшоҳлик, бошқарув усули - мутлақ монархия;
2. Конфедератив подшоҳлик, бошқарув усули - чегараланган монархия;
3. Ер эгалиги бошқарув усули - авлоддан авлодга ўтувчи шоҳлик [29: 54-57 б].

Айнан шу китобда Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари олтига босқичга бўлинган [29: 48-50 б]. А.С.Сагдуллаев ва Э.В.Ртвеладзе Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихини сўнгги бронза давридан бошлайдилар ва мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлган деб ҳисоблайди.

Бронза ва илк темир даври бўйича илмий тадқикот олиб бораётган бошқа тадқиқотчилар, жумладан А.А.Асқаров ва Т.Ш.Ширинов – Жарқўтонда илк давлатчиликнинг «Чифдом», «Карликовое государства», “Ном” типидаги шаҳар-давлатлар каби кўринишлари бўлган деган холосага келишган [30: 85 б].

Қадимги Шарқ илк давлатлари типологияси масаласида И.М.Дъяконов ва В.А.Якобсон тадқиқотлари дикқатга сазовор. Улар илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги қўйидаги учта босқични кўрсатиб берган:

1. Давлатларнинг энг қадимги формаси «шаҳар-давлатлар» ёки «ном»;
2. Худудий подшоҳликлар (худудий давлатлар);
3. Йирик давлатлар – империялар [31: 3-12 б].

Ўзбекистон тарихи бўйича мутахассислар орасида назариётчи тарихчиларнинг камлиги сабабли илк давлатларнинг пайдо бўлиши масаласида ҳам ягона фикр йўқлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бизнингча бу борада Қадимги Шарқ тарихи учун яратилган илк давлатлар типологиясини такомиллаштирилган ҳолатда қабул қилиш керак, биринчидан биз эгаллаган худуд Қадимги Шарқнинг ажралмас бир бўлаги бўлса, иккинчидан ушбу типология умум ривожланиш қоидаси сифатида жаҳоннинг кўплаб худудлари учун, жумладан Мезоамерика [32; 33: 81-85 б], қадимги Рус давлатчилиги учун ҳам қабул қилинган [34].

Давлатчиликнинг энг қадимги типи шаҳар-давлатлар Шумерда нисбатан яхши ўрганилган [31: 3-12 б]. Шумер худудида 13 та мустақил шаҳар-давлатлар хукм сурганлиги аниқланган [33: 76-77 б].

Илк давлатлар ривожланишининг иккинчи-худудий давлатлар босқичига тадқиқотчилар Қадимги Шарқдаги Хетт, Митанни, Ўрта Оссурия подшоҳликларини мисол қилиб кўрсатишади [31: 5-6 б; 33: 83 б]. Бу подшоҳликлар «шаҳар-давлат»ларнинг ҳарбий иттифоқи характерида бўлган. Бунда кучсизроқ шаҳар-давлатлар ўз ички муҳториятини сақлаган ҳолда, ўзидан кучлироқ марказий давлатга ўлпон солик тўлашга ва ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлган.

Давлатчилик ривожланишининг учинчи босқичи - «империя»лар даври бўлиб, И.М.Дъяконов ва В.А.Якобсонларнинг фикрича мил.ав.IX-VII асрлардаги Оссурия империяси давридир. «Империя»лар учун давлатга зўрлик билан бириктирилган иқтисодий, жўғрофий, маданий ва этник жиҳатдан ҳар хил бўлган улкан худудлар характерлидир. Ушбу худудлар ягона марказдан бошқарилган. Шунингдек, худудий подшоҳликлар давридан фарқли равишда «империя»лар учун маъмурий бўлинишлар (вилоят, ўлка, сатраплик) ҳам хос бўлган. «Империя»нинг бўлиши учун мукаммал қуролланган ва яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган доимий қўшиннинг бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир [31: 3-12 б; 27].

Сўнгги йилларда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон худудида олиб борилаётган археологик ишлар натижасида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари борасида янги маълумотлар олинмоқда [35: 7-13 б; 36: 67-72 б]. Бу маълумотларни Қадимги Шарқ илк давлатлари ашёвий манбалари билан таққослаш имконияти туғилди. Марказий Осиё худудидаги Олтинтепа, Номозгоҳтепа, Улугтепа, Гонур, Тўғолок (Жанубий

Туркманистон), Даштли (Шимолий Афғонистон) ва Жарқутон (Жанубий Ўзбекистон) ёдгорликлари барча археологик белгилари билан илк давлатлар тараққиётининг биринчи - «шахар-давлат» босқичига тўғри келиши кузатилмоқда [27]. Улар кичик бир воҳа миқёсида ташкил топган «шахар-давлат»лар маркази вазифасини бажарганилиги ёки Қадимги Шарқ «шахар-давлат»ларига монандлигини кузатиш мумкин. Бу ёдгорликларни, Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари билан ўзаро таққослаш ва шу асосда бу ёдгорликларнинг типини, давлатчиликнинг илк босқичи ҳисобланган ушбу «шахар-давлат»ларнинг хронологик даврларини аниқлаш лозим бўлади.

#### Ўзбекистон тарихини даврлаштириш

		Даврларнинг номланиши				
		P. Мургазаева, 2003 [43]				
I	Ибтидоий жамоа тузуми	+				
	Ибтидоий жамоа даври			+		
	Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври				+	
	Энг қадимги давр	+				
	Ибтидоий тўда даври		+	+		+
	Ибтидоий уругчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври		+	+		+
II	Илк давлатчиликка ўтиш ва давлатчиликнинг ривожланиши даври					+
	Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги ва қадимги давлат тузилмалари				+	
	Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши	+				
III	Илк ўрта асрлар даври		+	+		+
	Ўрта асрлар даври	+	+	+	+	+
	Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври					+
	Ривожланган ўрта асрлар даври			+		
	Ўзбек хонликлари даври			+		
IV	Чоризм мустамлакачилиги даври	+	+			
	Россия империяси мустамлакачилиги даври			+		
	Туркистон Россия империяси босқини ва мустамлакачилиги даврида				+	
	Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври		+			+
V	Ўзбекистонда чоризм мустамлакачилиги ва советлар хукмронлиги даври					+
	Ўзбекистон Советлар хукмронлиги даврида	+			+	
	Мустабид совет ҳокимияти даври		+			
	Советлар ҳокимияти даври					+
	Ўзбекистон тарихининг “Советлар даври”			+		
	Советлар даври		+			
VI	Миллий истиқлол даври.	+				
	Миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври		+			+
	Ўзбекистоннинг миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври			+		
	Ўзбекистоннинг мустақиллик ва миллий истиқлол даври				+	
	Ўзбекистоннинг ўз мустақиллик ва тараққиёт йўли			+		

Қадимги Шарқдаги давлатчиликнинг иккинчи босқичи-подшоҳлик (худудий давлат)ларни ҳам археологик жиҳатдан кузатиш имконияти туғилмоқда. Археологик ёдгорликларни типларга ажратиш ва уларни сугориш иншоотлари асосида жойлашишига қараб, районларга, дехқончилик воҳаларига ажратиш имкониятлари туғилди.

Тадқиқотлар натижасида илк темир даврида Сурхондарё худудида учта дәхқончилик воҳаси бўлганилиги, уларнинг марказлари (Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хайтободтепа) археологик жиҳатдан аниқланди [37: 18-21 б]. Худди шундай ҳолат Сўғдда (Сангиртепа, Узунқир, Ерқўргон, Кўктепа, Афросиёб), Фарғонада (Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепа) ҳам кузатилмоқда [38: 42 б; 39; 40; 41: 23-40 б]. Бу дәхқончилик ўлкаларини худудий давлатлар типига киритиш, уларнинг конфедерацияси натижасида эса Қадимги Бақтрия, Қадимги Хоразм, Қадимги Сўғд ёки Қадимги Фарғона подшоҳликлари ҳукм сурганлиги аниқланди ва улар Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатлари эмас, балки Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг иккинчи-худудий давлатлар босқичига оидлиги исботланди [27].

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Қадимги Шарқда илк давлатлар типологиясининг учинчи – империялар босқичи Оссурия империяси билан боғланса, Ўрта Осиёда бу босқич мил.ав. VI-IV асрлар билан характерланади, яъни бу худудлар ҳам Аҳамонийлар империяси таркибига киритилган.

Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда, цивилизацион қарашларни шакллантиришда Биринчи Президентимизнинг қуидаги гаплари иш услубимизга айланди: «Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсулидир...» [42: 146 б].

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихи ва Ўзбек давлатчилик тарихини даврлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Улардан баъзи бирларини жадваллар кўринишида илова қиласиз.

Ундан сўнг академик Э.В.Ртвеладзе Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириди [29; 48].

Ушбу даврлаштиришларни энг мукаммал деган фикрдан йироқмиз. Мақбул бўлмаган даврлаштиришлар ҳам фикр, ғоя сифатида фанда туришга ҳаққи бор, албатта. Аммо, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш бўйича назариётчи тарихчилар гурухини шакллантириш ва бу масалани ҳал этиш ҳозирги кун тарих фанининг энг долзарб масаласидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим, албатта.

Юқорида Ўрта Осиёда илк шаҳар маданияти ва цивилизациялар тарихини ўрганишда Т.Ш.Шириновнинг хизматларини эслаб ўтдик. У ушбу масала бўйича тарих фанида ишлаб чиқилган концепцияларни танқидий муҳокама этади ва илк шаҳарларнинг қуидаги белгиларини кўрсатган:

1. Жамоа бошлиқлари ёки ҳукмдорлари истиқомат қиладиган саройларнинг бўлиши;
2. Ўлканинг диний маркази бўлган маҳобатли ибодатхоналарнинг бўлиши;
3. Мудофаа деворлари билан ўралган аркнинг бўлиши ва арк худудида сарой аҳолиси яшайдиган уйларнинг жойлашиши;
4. Кенг худудда шаҳар аҳолиси яшайдиган иморатларнинг бўлиши, умумжамоа учун хизмат қиладиган иншоатларнинг жойлашиши, ўша худудда ишлаб чиқариш кучлари-хунармандчилик устахоналари ва дастгоҳларининг жамланиши;
5. Юқори даражада ривожланган хунармандчилик (кулолчилик, чилангарлик, тўқимачилик, қурилиш, тошга ва терига ишлов берувчи кўнчилик) кварталларининг бўлиши;
6. Муҳр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларнинг мавжудлиги;
7. Шаҳар аҳолисининг иерархиясини кўрсатувчи аҳоли истиқомат қиладиган уйларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилиши;
8. Савдонинг ривожини кўрсатувчи, бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларнинг топилиши;
9. Глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлиши [30: 20 б].

Т.Ш.Шириновнинг илк шаҳарларнинг археологик белгилари борасидаги илмий тадқиқотларини қўллаган ҳолда, Ўрта Осиё шаҳарларининг тараққиёти ривожланиши борасида ўз қарашларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Маълумки, шаҳарлар илк синфий жамият даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади [31: 3-16 б]. Ўрта Осиё археологиясида шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги муносабат етарлича ўрганилмаган. Шу сабабдан шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасида олимлар ўртасида ягона фикр йўқ.

Сўнгги бронза даври илк шаҳар ёдгорликларини айрим тадқиқчилар «бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари» деб таърифлашган бўлса [49: 68-71 б], бошқалари шаҳармонанд (протогород) деб атайдилар [50: 131 б]. Илк темир даври

шаҳарларини таърифлашда ҳам шу ҳолат кузатилади. Э.В.Ртвеладзе бу давр шаҳарларини «шаклланаётган шаҳарлар» тоифасига киритса, Б.А.Литвинский «шаҳарлашаётган қишлоқлар» деб таърифлайди [49: 69 б; 50: 131 б].

#### Ўзбек давлатчилиги тарихини даврлаштириш

	Даврларнинг номланиши	А.Зиё, 2001[9]	Сагдулаев А., Мавлонов ў. (2006)[47]
I	Илк давлатлар тарихи Илк давлатчиликнинг асос топиши ва ўзбек давлатчилигининг милоддан аввалги тарихи	+	
II	Ўзбек давлатчилиги милод бошидан исломгача бўлган даврда Ўзбек давлатчилиги X-XIIасрларда Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув	+	
III	Ўзбек давлатчилиги Амир Темур ва темурийлар даврида Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хурсонда давлатчилик ривожи	+	+
IV	Ўзбек давлатчилиги XVI-XIXасрларда Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви	+	+

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги олимлар ўртасидаги илмий мунозараларнинг асосий сабаби, шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини алоҳида илмий муаммолар сифатида ўрганилишидадир. Бу тарихий методологик жиҳатдан нотўғри, чунки илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлади ва уларнинг ривожланиб бориши ҳам ўзаро бир-бирига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлишини бир муаммо сифатида қарап керак ва уларнинг ривожланишини қўйидаги даврларга бўлиш максадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Дехқончилик ўлкалари доирасида таркиб топган шаҳарлар (шаҳар-давлатлар). Бу давр шаҳарлари мил.ав. II минг йиллиқда ташкил топган. Қадимги Бақтрия ҳудудида ўрганилган Жарқўтон, Даштли I ёдгорликлари, яъни шаҳар-давлатлари бўлиб, бу ёдгорликлар мисолида шаҳар ва давлатнинг бир организм сифатида шаклланиши кузатилади.

2. Ҳудудий давлат маркази ролини бажарган шаҳарлар. Бу давр шаҳарлари асосан мил.ав. I минг йиллик бошларида таркиб топган. Қизилтепа, Жондавлаттепа, Ҳайтободтепа (Бақтрия), Далярзин, Чуст, Ашқолтепа (Фарғона), Кўктепа, Подаётотепа (Сўғд) ва бошқа ёдгорликлар ҳудудий давлатларнинг сиёсий ва мафқуравий маркази бўлган. Бу даврда битта ҳудудий давлат доирасида фақат битта шаҳарнинг бўлиши характерлидир.

3. Марказлашган давлатлар, империялар даври шаҳарлари. Ўрта Осиё ҳудудларида Қадимги Бақтрия ҳамда Катта Хоразм подшоҳликларининг вужудга келиши ва уларнинг Аҳамонийлар империяси таркибида кириши билан шаҳарлар тараққиётининг ушбу босқичи бошланади.

Марказлашган давлатлар ҳудуди жуда катта бўлиб, бир ва бир неча ўлкаларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, шаҳарлар тоифаларга ажrala бошлайди. Марказлашган давлат ёки империя пойтахтлари сифатидаги шаҳарлар (Суза, Персополь), марказлашган давлат ҳудудидаги сатраплик марказлари (Бактр). Сатрапликлар ҳудудидаги шаҳарларни сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб катта ёки кичик шаҳарларга ажратиш мумкин (Афросиёб, Қизилтепа, Ҳайтободтепа, Кўктепа каби).

Т.Ш.Ширинов ўз асарида Жарқўтон ёдгорлигига жамоа бошлиқлари ёки хукмдорлари истиқомат қилган саройга, диний марказ бўлган ибодатхонага, мудофаа деворлари билан ўралган аркка, шаҳар аҳолиси яшаган ва ишлаган кўплаб иморатларга, юқори даражада ривожланган хунармандчиликка, муҳр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларга, савдонинг ривожини тасдиқловчи бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларга кенг таъриф берган ва глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлишини эътироф этган бўлса [30: 20 б], шу асарнинг бошқа жойида «... урф-одатларга тамомила бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлишини илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгиси деб ҳисоблайди [30: 27 б].

Жуда кўплаб урбанист олимлар ёзувни илк цивилизациянинг асосий белгиси деб ҳисоблайди. Ёзувсиз цивилизацияни тасаввур ҳам қила олмайди. Юқорида эслаб ўтилган

Қадимги Шарқ цивилизациясининг бешта ўчоғида ҳам ёзув шаклланган. Аммо, Ўрта Осиёда илк ёзув тизими ҳақида, оромий ёзув тизимининг кириб келишига қадар бўлган даври аниқланган эмас. Профессор Ш.Б.Шайдуллаев Сополли маданиятининг пиктографик белги, илк темир даврига оид Фоз пиктографик ёзуви ҳақидаги манбаларни чоп этган ва бу белгиларни дастлабки ёзув усули эканлиги ҳақидаги фикрларни баён этган [51; 52]. Сополли маданиятининг пиктографик ёзувлари ҳақидаги фикрлар Ўрта Осиё халқлари ёзуви тарихи бўйича биринчи боскич ишлар ҳисобланади. Уларда Сополли маданияти сополларида чизилган белгилар аниқланган, уларнинг пиктографик белги эканлиги кўрсатиб берилиган. Бизнинг фикримизча асосий иш энди бажарилиши лозим. Ҳар бир белгини шакл жиҳатдан ўрганиш, чизилиш услубини аниқлаш, белгиларни шакллар бўйича типларга ажратиш, Қадимги Шарқ пиктографик ёзувлари билан таққослаш, белгиларнинг маъносини аниқлаш каби ишлар ўз натижасини беради деган умиддамиз.

Ўзбекистон тарихига цивилизацион қарашлар ҳақидаги олимларнинг фикрлари, қилинган ишлар кўлами шулардан иборат. Ўзбек халқи жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига буюк ҳисса қўшган халқлар қаторига киради. Шундай экан халқимизнинг бу хизматларини, хронологик тарзда, цивилизацион қарашлар асосида кўрсатиб бериш ўзбек тарихчиларининг бирламчи вазифаси эканлигини ва бу иш ўзбек тарихчиларига юклangan катта масъулият эканлигини унтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизацион қарашларни нафақат шакллантириш балки методологик асосда ривожлантариб бориш давр талаби. Бронза даврида Жанубий Ўзбекистон худудида илк шаҳар-давлатларнинг ўрнатилганлиги, илк цивилизациянинг шаклланганлиги аниқланди. Шуни таъкидлашимиз зарурки, биз аждодларимиз яратган бой моддий маданиятни, улар яратган цивилизацияларни етарли даражада ўрганганимиз ва баҳо бера олганимиз йўқ. Ўзбек халқи аждодлари буюк империялар қурган, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, цивилизациялар яратган халқ. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришга цивилизацион ёндошсакгина бу ёрқин саҳифалар янада равшанроқ намоён бўлади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. - Л., 1927. - С.3.
2. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007. – 15-24 бетлар.
3. Струве В.В. Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока // «Известия ГАИМК». Вып. 77. - М.- Л. 1934. – С. 23-34.
4. Толстов С.П. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии // ВДИ, № 1. – М., 1938. – С. 3-21.
5. Материалы пленума // КСИИМКА, XXVIII. 1948. - С. 8-28.
6. Материалы объединённой сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в до октябрьский период. Ташкент, 1955.
7. История Узбекской ССР. Том 1. - Ташкент, 1967. - С.15.
8. Васильев А.С. История Востока. Том 1. – М., 2003. - 512 с.
9. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврлардан Россия босқинига қадар) // Маъсул мухаррир: Б. Ахмедов /. -Т.: «Sharq» , 2001.
10. Renfrew C. The emergence of civilization: The Cuclades and the Aegean in the third millennium B.C. - London, 1972, - P. 213.
11. Чайлд Г. У истоков европейской цивилизации. ИИЛ, М., 1952.
12. Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых роскопок. ИИЛ, М., 1956.
13. Childe V.G. The urban revolution // Town planning Review. Vol. 21. 1950, - P. 9 -16.
14. Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture // Irrigation's impact on Society. - Tucson, 1974. – P. 345-357.
15. Servis E.R. Primitve social organisation. An evolutionary perspective. - Nev York, 1971. – P. 68-73.
16. Flannery K.V. The cultural of civilization // Annual Rewiew of ekologySistematises, 1972. №3. – P. 21-34.
17. Тойнби А.Ж. Постижение истории. - М.: 1991.
18. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: 1992.
19. Toynbee A. The impact of the Russian Revolution 1917-1967. –London, 1967 –p.26.
20. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.
21. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // Труды ХАЭЭ. Т.2, М.: 1958. - С. 149-168.
22. Мец А. Мусульманский ренессанс/ Перевод с немецкого Д. Е. Бертельса. М.: Наука, 1966.
23. Смирнов Н.В. Мусульманский ренессанс. – М., 1967.
24. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи//А. Асқаров. – Тошкент: «O'zbekiston» NMIU, 2015.
25. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М.: ИА АН России. 1993. – С.42.
26. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док.ист. наук. - М.: МГУ.1989. - С. 40.

27. Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореф. дисс. ... док. ист. наук. - Самарканд, ИА АН РУз. 2009.
28. Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. - Тошкент, Академия, 2000. Б. 22-31.
Анисий ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Туркия Диёнат вакфи томонидан чоп этилган “Ислом энциклопедияси”да ёзилишича, Анисий Шерозда, хоразмлик хаттот Абдураҳмон Хоразмий оиласида туғилган, даставвал Шерозда, Оққўюнли ҳукмдори Узун Ҳасаннинг ўғли, Султон Халил саройида, кейинчалик Табризда, ҳукмдор Султон Яъқуб саройида яшаб ижод қилган. Абдураҳим Хоразмийнинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Яъқубий, Султоний, Анисий, Рустамий сингари тахаллуслардан фойдаланган. Ўз шеърлари жамланган девонни ўз қўли билан 899/1494 йилда қўчириб, Оққўюнли сулоласи вакилларидан бўлган Амир Муҳаммадга тухфа қилган. Анисий томонидан кўчирилган бир қатор қўллёмсалар – “Мунтахаботи ғазалиёт” (Аё София, Сулаймония кутубхонаси, №3946), “Мунтахаботи ашъори форсий” (Истанбул университети кутубхонаси), Низомийнинг “Ҳамса”си (Тўпқопи саройи кутубхонаси №762) бизгача етиб келган. Шунингдек, мазкур энциклопедияда Анисийнинг Эрон, Миср ва Венада ҳам қатор қўллёмсалари сақланаётгани ҳақида маълумот берилган [2].

Ушбу сулоланинг энг катта вакили – Абдураҳмон Хоразмий томонидан кўчирилган қўллёмсалар 1436–1462 йиллар оралиғига тўғри келиши ҳақида маълумотлар мавжуд [3].

Чамаси Абдураҳмон Хоразмий XV асрнинг бошида Хоразмда туғилган, ёшлиқ йилларида Шерозга кўчиб келган ва шу ерда яшаб қолган. Унинг икки ўғли Абдулкарим ва Абдураҳим ҳам ота касбини давом эттириб, котиблик билан шуғулланишган, настаълиқ хатида маҳорат билан ёзишда довруғ қозонишган. Абдулкарим ҳам акаси ва отаси сингари котиблик қилиш билан бирга “Подшоҳ” тахаллуси билан шеърлар битгани маълум [4].

2012 йилда филология фанлари доктори Афтондил Эркинов томонидан топилиб, “Оққўюнли муҳлислар девони” номли шартли ном билан фанга олиб кирилган ноёб қўлёзма ҳам бевосита Анисиюм томонидан кўчирилган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг илк ғазаллари ва бош шеърлари девон кўринишига келтирилган.

Настаълиқ хатида битилган ушбу қўлёзма 67 варакдан иборат. Ушбу қўлёзма ҳақида илк маълумотлар 1935 йилда нашр этилган Қохира кутубхонасидағи расмли қўлёзмалар каталогигида (Lit. Turc. 69) учрайди [З.бс.]. Қўлёзманинг қандай Мисрга бориб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Девон хотимасидаги маълумотларга эътибор қаратсақ, у 876 йили ражаб ойининг 12-куни, (1471 йили 24 декабрда) кўчирилган. Бу пайтда Навоий ҳали 30 ёшли йигит эди [5].

Сафавийлар сулоласининг вакили Сом Мирзо (1517–1576) ўзининг «Туҳфаи Сомий» тазкирасида мазкур қўлёзма котиби Абдураҳим Хоразмийни Мавлоно Анисиюм номли шоир сифатида таништириб, унинг 30 йилдан кўпроқ Оққўюнлилар саройида хизмат қилганини қайд этган. Навоий девонидан ташқари Абдураҳим Хоразмий – Анисиюм Абдураҳмон Жомий шеърларини ҳам кўчиргани тахмин қилинади [6].

Девоннинг ўзига хос хусусияти унинг тили билан боғлиқ. Қўлёзмада Навоий шеърлари имкон қадар Оққўюнлилар давлати адабий тили – ўғуз туркласига мослаштирилган. Масалан:

*Ҳаво хуши эдию алимда бир қадаҳ майи ноб.*

*Удар эдим vale гамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб [7].*

Хўш, Навоий билан бир пайтда яшаган хаттот Анисиюм улуғ шоирнинг ўзи билан учрашган бўлиши мумкинми? Юкоридаги манбаларни ўрганиб тахмин қиладиган бўлсак, Анисиюм Навоий билан кўришмаган. Чунки, Навоий ўзи ўқиган, эшитган, билган, таниган шоирлар, муаллифлар, котиблар ҳақида, хатто уларнинг шахсияти ва ижоди у қадар мақтовга арзимаса-да, имкон қадар маълумот бериб ўтишга ҳаракат қилган. Навоий “Мажолисун-нафоис” тазкирасининг иккинчи мажлисида Мавлоно Анисиюм номли шоир ҳақида тўхталиб ўтади:

“Мавлоно Анисиюм — кам бизоат шоир эрди ва муттаҳам анга эрдиким, элнинг шеърини ўзига боғлар. Бу матлаъни дер эрдиким, мен айтибмен:

Гарчи межўяд дилам доим висоли ёрро,  
Ёр межўяд ба рағми ман дили афёро.

(маъноси: Гарчи менинг дилим ҳар доим ёр висолини изласа-да, ёр менга қаршилик қилиб, афёр дилини қидиради).

Бу матлаъ ҳар кишининг бўлса, маҳалли музояқа эмас. Қабри Ҳирийдадур[8]”.

Навоийнинг фикрича, бу ўринда тилга олинган Анисиюм факирроқ киши бўлган, уни бошқаларнинг шеърини ўзлаштиришда айблашган. Юкорида Анисиюм ўзиники деб даъво килан байтни Навоий унчалик ачинишга арзигулик байт эмас деб хисоблайди.

Мавлоно Анисиюм ҳақидаги маълумотлар Абдурраҳим Хоразмийнинг таржимаи ҳолига мос келмайди. Биринчидан, Алишер Навоий Мавлоно Анисиюмни мархум шоирлар қаторида тилга олади. Аммо, юкоридаги манбалардан биламизки, Абдурраҳим Хоразмий 1494 йилгача Оққўюнлилар саройида хизмат қилган. “Мажолисун-нафоис” эса, 1491 йилда ёзилган эди. Қолаверса, Навоий Мавлоно Анисиюмнинг қабрини Ҳиротда деб билади. Бироқ, Абдурраҳим Хоразмий умрининг охирида Ҳиротда яшагани ҳақида маълумотларга дуч келмадик.

Фикримизча, Навоий бу ўринда айнан Абдурраҳим Хоразмий ҳақида сўз юритганида, унинг хаттотлиги, унинг девонини кўчиргани ҳақида эслатган бўлур эди.

“Мажолисун-нафоис”нинг Ҳакимшоҳ Мухаммад Қазвиний (1559 йилда вафот этган) томонидан 1522 йилда форсчага қилинган эркин таржимасида, Навоийга қўшимча равища Оққўюнлилар саройида фаолият кўрсатган бир қатор шоирлар ва котиб ҳақида маълумот бераркан, 349-ўринда Мавлоно Анисиюм – Абдурраҳим Хоразмий ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади:

“Мавлоно Анисий дар хатти насх таълиқ ба тарзи худ устоди оламиён аст. Ва касе мисли ўнанвишта, магар бародарааш. Мавлоно бисёр жомеъи фазойилу камолоти инсония буд, ва касе назири ў набуд, Ва ин матлаъ аз ўст:

Дил бакуи ту, жавон омаду, акнун пир аст,

Вахки хоки сари куйи ту чи домангир аст.

Ва лаху айзан:

Сари зулфи моҳрӯён чи хуш аст боз кардан?

Гилаҳои рузи ҳижрон ба шаб дароз кардан [9].

(Таржимаси: *Мавлоно Анисий настиълиқ хатида ўз услуби бўйича олам аҳлиниг устодидир. Укасидан бошقا ҳеч ким унингдек ёза олмаган. Мавлоно инсоний камолот ва фазилатларни ўзида музассам этган эди. Беназир инсон эди. Мана бу матлаъ уницидир:*

Дил сенинг кўйинга ёши келган эрди, кексайди,

Бас, кўчанг тупроғи ундан яна не истайди?

Яна бир байт уники:

Юзи ой каби гўзаллар сочин очса не гўзалдир,

Кечалар томон фироқ кундузи бўйлаган маҳалдир)

Яна бир эътиборли томони, Қазваний ўз таржимасида, 44-45 сахифаларда аслиятдаги Мавлоно Анисий ҳақидаги маълумотларнинг таржимасини айнан келтириб ўтади. Шу мисолнинг ўзи гап Мавлоно Анисий номи билан танилган икки мустақил шахс ҳақида кетаётганини кўрсатади.

Хуллас, ўзи яшаган замон ва маконда, шоир ҳамда котиб сифатида довруғ таратган ҳамюртимиз Абдураҳмон Хоразмий буюк шоир Мир Алишер Навоий ижодидан яхши ҳабардор бўлган, унинг шеърларини ўғуз лаҳжасида кўчирган бўлса-да, фикримизча у шахсан Алишер Навоий билан юзма-юз келмаган. Аммо, Анисий шахси ўзбек ҳалқининг ва адабиётининг бир вакили, Навоий билан бир пайтда яшаган ватандошимиз сифатида эъзоз ва эҳтиромга лойик. Унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш бугунги кун ворислари, адабиётшунослари олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. [http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa\\_farhod\\_va\\_shirin\\_sakkizinchı\\_tom/41\\_54/](http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa_farhod_va_shirin_sakkizinchı_tom/41_54/)
2. İslam ansiklopedisi. TDV. Ankara, 1988. 1 cild, 290-291 s.
3. Bayānī, Ahwāl va āthār-e khūshnāvīsān. Jeld-e 1-2. Tehrān: Elmi. 1363 [1985] p. 378-380;
4. Mustaqīm-zāde, Silsilat al-khattataīn. Manuscript. BnF. Suplement turc. f. 19b.
5. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471 йил). Нашрга тайёловчи А.Эркинов. Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015. 8 б.
6. Ўша манба, 9 б.
7. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. (1471). Қўлёзма. Миср миллий кутубхонаси. Turc Lib 68. 11b.
8. [http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/majolis\\_un\\_nafois\\_un\\_uchinchı\\_tom/ikkinchı\\_majlis/](http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/majolis_un_nafois_un_uchinchı_tom/ikkinchı_majlis/)
9. Mīr Niẓām al-Dīn ‘Alī Shīr Navā’ī, Majalis an-Nafais. Tehran. 1363 [1984], 301 б.

**ЎУК: 801.6**

## ҲОЖИ МУҲАММАД ШАҲДИЙНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛЛАРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

**К. Жамаҳматов, ўқитувчи, ТерДУ, Термиз**

**С. Бобохужаев, ўқитувчи, ТерДУ, Термиз**

**Аннотация.** Уибу мақолада Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий девон қўлёзма нусхаларида жой олган ўзбекча газаллари мавзу мундарижаси, ботиний ва зоҳирий маънолари, бадиий санъатлар мавқеи, адабий маҳорати, лисоний жиҳати, услубий баёни ва уларнинг адади ҳақида мухтасар баҳс юритилади. Шоир ижодидаги газаллар мавқеида унинг ирфоний-аҳлоқий хусусиятлари эътиборга молик. Ўзбек тилидаги газаллар мавзу мундарижаси ҳам мумтоз шарқ шеърияти анъаналарига мувофиқлиги ва ҳамоҳангалиги билан ажralиб туради. Мазкур мақолада Шаҳдий ижоди маҳсули бўлган-қўлёзма нусхаларда жой олган, ҳанузгача табдил ва тадқиқ қилинмаган ишлардан намуна келтирилди.

**Калит сўзлар:** ўзбекча газаллар, илоҳий ишқ, ирфон, мутасаввиф шоирлар, Ҳофиз Шерозий, маънавий устоз, бадиий санъатлар, вирд, ҳиссий таъсир, маънавий жасорат, девон нусхалари

**Аннотация.** В статье рассматривается содержание узбекских газельных тем в диванских рукописях хаджи Мухаммеда Шаҳди, их материальные и духовные значения,

состояние буквальных значений, филологическая сторона, методологическое выражение и их числа. Газели на узбекском языке более соответствуют их классическим восточным традициям. В статье также рассматриваются образцы газелей Шахди из неизученных рукописей.

**Ключевые слова:** газели (стихи) на узбекском языке, божественная любовь, знания, суфийские поэты, Хафез Ширази, духовный учитель, буквальные значения, ежедневные воспоминания, чувственное влияние, духовное мужество, копии Дивана

**Abstract.** The article deals with the content of Uzbek ghazal topics in the Diwan manuscripts of Haji Muhammad Shahdi, their material and spiritual meanings, the state of literal meanings, philological side, methodological expression and their numbers. Ghazals in Uzbek language are bolded with their concordance to the classical eastern traditions. The article also deals with the patterns of Shahdi's ghazals from the manuscripts that are not converted to the current writing and researched by anyone.

**Key words:** ghazals (poems) in Uzbek language, divine love, gnosis, Sufi poets, Hafez Shirazi, spiritual master, literal meanings, daily remembrances, sensual influence, spiritual courage, copies of Diwan

**Хожи Муҳаммад Шаҳдий (1762-1839)** форс тожик зуллисонайн шоири. Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий 1762 йил Тожикистон Республикасининг Истаравшан Ўр-теппа Суғд вилоятида Сўфий Кўчак ҳалвогар (ширинлик пиширадиган) оиласида дунёга келган. У бошланғич таълимни маҳалласидаги мактабда олган бўлиб, кейинчалик иккинчи босқич таълимни Истаравшаннинг Кўкгунбаз мадрасасида давом этирди. Ёшлик чоғиданоқ билимга чанқоқлиги ва илмга бўлган муҳаббати у кишини мумтоз шоирларнинг ижодини ўрганишга унади.

Шаҳдийнинг ўзбек тилида ёзилган ғазаллари бевосита ўзбек мумтоз ва мутасаввиф шоирлари ижоди билан ҳамоҳангдир. Илоҳий ишқ, ирфон, ахлоқ, комил инсон қарашлари, зикр ва тазарруъ унинг шеърларида асосий ўринни эгаллади. Шаҳдийнинг ижоди Шайх Аттор, Ҳаким Саноий, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Камол Хужандий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Суфи Аллоҳёр ва бошқа форсийзабон ва туркийзабон шоирлардан илҳом олганлиги навбатдаги ғазалларида маълум. Жуда кўп ўринларда Шаҳдий ғазалларида Ҳофиз Шерозий исмини зикр қилгани бундан далолат беради, Шаҳдий Ҳофиз издоши ва маънавий шогирди хисобланган. Ушбу фикримизнинг қўйидаги ғазал парчалари ифодалайди.

Хуми ваҳдат ба чўш омад зи хар майхонаи дилҳо,  
 “Ало ё айюҳассоқӣ, адир каъсан ва новилҳо”.  
 Зи май осон нашуд корам, ки ҳам накшуд аз ў мушкил,  
 Вале аз ишқи хайратзо дигар афтод мушкилҳо...  
 Ту ҷашми жону дил бикшо, аз ин хоби гарон бархез,  
 Ҳама рафтанд манзилҳо барбастанд маҳмилҳо.  
 Баҳори ишқ бигзашту накардӣ кор, эй Шаҳдӣ,  
 Ба ҷуз рӯи сияҳ бар каф надорӣ ҳеч ҳосилҳо[1,49].

Ҳофиз вафотидан кейин келган барча машҳур форсийзабон ва туркийзабон шоирлар Ҳофиз ғазалларига маъно ва мазмун жиҳатидан татаббубъ қилганлар. Мисол учун Шаҳдий қўллэзма девонининг биринчи варакида Ҳофизнинг ушбу машҳур ғазали ёзилгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

“Ало ё айюҳассоқӣ, адир каъсан ва новилҳо”,  
 Ки ишқ осон намуд аввал vale афтод мушкилҳо...  
 ...Хузуре гар ҳаме ҳоҳӣ аз ў ғоиб машав Ҳофиз,  
 Мато мо талқа ман таҳвий даиддунё ва аҳмилҳо[2,1].

Мавзудан узоқлашмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, Шаҳдий икки тилда (тожик ва ўзбек) чиройли, жозибадор, ҳалқона, орифона ва қалбга сурур бағишлайдиган шеърлар ёзган. Унинг шеърларини Ҳўжанд, Ўротеппа, Самарқанд, Бухоро ва Ҳисори Шодмонда замзама (халқ ўртасида қўшиқ шаклида кўйлаш, шеърларини ўқиш) қилиши тарихда маълумдир. Чунки, “Шаҳдийхонлик” маҳфили (бадиий кеча) Ўротеппа ҳалқи ўртасида XIX асрда анъянага айланган. Адабиётшунос олим Султон Сайдумар Кавқабий Эшон Шаҳдий ҳақида кўйидагиларни баён қиласи. “Ашъори Шаҳдиро дар Самарқанду Бухоро, Ҳужанду Ҳўжанд

хулоса дар ҳама жо меҳондаанд. Як нусхай дастнависи девони ўро мо дар китобхонаи хусусий марди ховалингие дидем. Китобро чунон даст ба даст бурда мутолиа, кардаанд, ки он фарсада шудааст” (*Шаҳдий ашъорини Самарқанд, Бухоро, Ўротепта, Хужсанد, Кўқанд, Ҳисори Шодмон ва ҳамма жойларда ўқир эдилар. Қўлёзма девонини биз ховалинглик кишининг шахсий қутубхонасида кўрдик. Китоб шунчаги мутолаа қилганки, унинг муқоваси эскирган*) [1,49]. Ўзбекча ёзилган ғазаллари бизнинг қўлимиздаги девон шахсий қўлёзма нусхасида адади 13-та бўлиб, улар асосан ахлоқий, ирфоний, фалсафий ва бадиий тасвирларга бой. Лекин биз тадқиқот жараённида Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида яна қўйидаги рақамларда сақланадиган №6333, №10483, №381, №3651, №4702, №4842, №143, №144, №9124, №990, №1039, №3555, №9229 каталогда бошқа ўзбек тилида ёзилган ғазалларини гувоҳи бўлдик. Чунки ушбу қўлёзма нусхаларда мавжуд ғазаллар ҳам қўйида келтирилган ғазаллар мавзуси билан чамбарчас боғлиқ. Эътиборли жиҳати шундаки, маърифат, ҳақиқат ва садоқат мавзулари алоҳида ўрин эгаллади:

**Ёшим тўкиб сани ишқингда, ман фифон қиласам,  
Хар эртаю кеч юрагимни қон қиласам[2,136в].**

Қўлимиздаги қўлёзма нусхасининг котиби икки котиб томонидан қўчирилган бўлиб, уларнинг исми Абдуллоҳон ва Акобирхожа ибни Мирхожадир. Қўлёзма охирида шундай сатрлар мавжуд. “Ин китоб дар миёни тоқайни Абдуллоҳон ба дasti Акобирхожа ибни Мирхожа ба тамом ёфт” [3,305] (Шахсий қўлёзма). (*Бу китоб Абдуллоҳон тоқайни ўртасида Акобирхожа ибни Мирхожа қўли билан ниҳоясига етди*). Биз навбатдаги ўзбекча ғазалларини шоирнинг шахсий қўлёзма нусхасидан намуна келтирамиз:

**Нола қилур ох ўриб шому сахар дойимо,  
 Кўз ёшидин қон тўкиб шому сахар дойимо.  
 Кимки, бу жондин кечар ўзига ўзи урар,  
 Ишқ йўлида ҳам қуяр, шому сахар дойимо.  
 Ошиқ иши йиғлашур тавбаларга бўлур шўр,  
 Ҳақфа мудом йиғлашур, шому сахар дойимо.  
 Йиғлашур икки кўзим бўлди сариг гулюзим,  
 Эй ки ғарив бир ўзим шому сахар дойимо.  
 Нола қилур ҳар қаён наъра қилур ҳар замон,  
 Чарх уриб сўфиён, шому сахар дойимо.  
 Кунда юриб дарбадар ишқингда эй дўстлар,  
 Mast бўлиб бехабар шому сахар дойимо.  
 Олгил қўлим ё Расул, қилма кўнглимни малул,  
 Айла дуойим қабул, шому сахар дойимо.  
 Раҳматидин, эй ҳабиб қўйма мени бенасиб,  
 Остонингга мен ғарив, шому сахар дойимо.  
 Жумъа куни сұхбати зикри Худо роҳати,  
 Ёғди анинг раҳмати, шому сахар дойимо.  
 Бахтим қаро билмадим, пир этаги тутмадим,  
 Пирим ҳалол юрмадим шому сахар дойимо.  
 Раҳматига олгайму, Роббим қулим дегайму,  
 Раҳми келиб сўргайму, шому сахар дойимо.  
 Сұхбатига борайин хизматига бўлайин,  
 Жоним фидо қилайин, шому сахар дойимо.  
 Оҳ, ки бўлдим ҳароб, бўлди бу жоним кабоб,  
 Айлади кўзим пуроб, шому сахар дойимо.  
 Шаҳдий қулинг бекарор хаставу ҳам дилфиғор,  
 Нола қилур зор-зор шому сахар дойимо[3,20-21].**

Юқоридаги ғазал 13 байтдан иборат бўлиб, шоир “шому сахар дойимо” радифи билан ғазални ҳиссий жозибадорлик ва зоҳирий оҳангдорлик билан куйлаган. Ғазал услубий жиҳатдан содда, ҳалқчил, сўzlари ҳалқ шевасидан олинган бўлиб, ўкувчига маънавий томонидан ахлоқий озуқа бериб, ботиний оламга ҳиссий таъсир ўтказади. “Шому сахар дойимо” иборасида содиқлик, самимийлик, қатъият, вавъдага вафо, муҳаббат, илоҳий илҳом, вирд, хавф ражо, тавба тазарруъ, иштиёқу истигроқ ва жазаба ифор тараттган. Бу ғазал

шоир девонида бошлангич варақида келиб “Аллоҳнинг маърифати”, ва “Аллоҳнинг муҳаббати”га ишора қилинган. Бу ерда пир этагини маҳкам ушлаш, унга байъат қилиш, қўл бериш, ал-Мисоқда берган ваъдага вафо қилиш, нафсни поклаш, ибодат ва итоатда событқадам бўлишилик ҳолатлари кузатилади.

**Дойимо ишқинг мени ҳайрон қилиб,  
Бехабар Мажнуни саргардон қилиб.  
Ох уриб чиқсан ман ул тоғлар аро.  
Ҳар замон ул кўзларим гирён қилиб,  
Телбаю девона бўлмай найлайн.  
Ошиқингни бесару сомон қилиб,  
Кўзларинг пайкон эрур ул ўқлари,  
Еткуур бағрим юраглар қон қилиб.  
Дойимо ул Шаҳдии дилхастани,  
Ишқ ўтига куйдуриб бирён қилиб[3,35].**

Бу ғазал 5 байтдан иборат бўлиб, шоир қисқа сатрлари билан илоҳий ишқни тараннум этган. “Дойимо ишқинг мени ҳайрон қилиб” мисраси билан бошланган ушбу ғазал, шоирнинг нидоси, ички интуицияси ва қалб сирларини ошкор килган. Шоир ўзини “Мажнуни саргардон”, “кўзлари гирён”, “телбаю девона”, “бесару сомон”, “юраглари қон”, “дилхаставу бирён” деган форсча иборалар билан безагани ғазалнинг ҳуснига ҳусн баҳш этган. Чунки бу ерда ошиқнинг изтироблари, қалбидаги муҳаббат олови, йўлидаги машаққат водийси ва асосийси шоирнинг безавол ишқи намоён бўлган. Кейинги ғазал шоир ҳаётидаги жабҳалари, умри давомида бошидан ўтказган изтиробли дамлар ҳамда танқидий назари яққол намоён бўлган.

**Ишларим бари исён зарра манга тоат йўқ,  
На намозу на руза, хайр йўқ саховат йўқ.  
Қилмадим Худойимга бандалиғ, аё дўстлар,  
Кечалар ётиб ҳар он қундузи тиловат йўқ.  
Туғно ул қиёматга қози ул бўлиб сурса,  
Найлайн мани осий манга ҳеч ибодат йўқ.  
Ҳақга қилмадим хизмат ишларим басе меҳнат,  
Онки, тортмадим меҳнат дойимо риёзат йўқ.  
Зарра меҳр йўқ манга, баҳра топмадим анда,  
Жаҳд қилмадим ҳаргиз олдинга давомат йўқ.  
Қариллик босиб келди ёқамни ажал тутди,  
Санга ҳеч эй ғофил оҳ йўқ надомат йўқ.  
Кийганинг ҳама мурдор, еганинг ҳама макрӯҳ,  
Зарра санга ҳаргиз тарси ул қиёмат йўқ.  
Кўнглимиз ҳама вайрон, луқмамиз пароканда,  
Бўлмади дуоларга ҳаргизам ижобат йўқ.  
Нафс учун юриб сарсон, умринг ўтди Шаҳдиё,  
Дойимо эшикларга юрдингу, қаноат йўқ [3,35].**

“Ишларим бари исён ғазали” 9 байтдан иборат бўлиб, шоир ҳар бир мисрасида илоҳий ишқка муносабатини изҳор этиб, шариат низомлари остида танқидий қарашлар билан қўйидаги иборалар “кечалар ётиб ҳайвон”, “мани осий”, “зарра меҳр йўқ манга”, “эй ғофил”, “мурдор”, “макрӯҳ”, “эшикларга юрдинг”, “намозу рўза” “қиёмат” “вайрон”, “пароканда”, “сарсон” “қаноат” “ижобат” “давомат”, “меҳнат” ва бошқа сўзларни маҳорат ва зукколик билан ишлатиб, асл иддаосини баён қилиб шариат қонунларига кўпроқ урғу берган. Шаҳдий тожикча ва ўзбекча ғазалларида “Эй”, “Ё”, “Ай”, “Оҳ” ундалмалардан ишлатиб, замондошлари ва ворисларига мурожаат қилиб, уларни ҳақиқат йўлига ва маърифат бўстонига чорлаган. Ушбу ғазалдаги “эй ғофил” иборасини шоир ўзига нисбатан хоксорлик учун ишлатган. Шаҳдийнинг ўзбекчада ёзилган ғазаллари форсий иборалар билан тўла. Масалан: “ҳаргиз” ҳеч “он ки” “меҳр”, “оҳ”, “мурдор”, “вайрон”, “тарс”, “пароканда”, “сарсон”, “на”, “баҳра” “ҳама” ва бошқаларни айтиш мумкин. Шоирнинг бошқа ўзбекча ғазалларида ҳам табиий равишда форсча-арабча сўзлар учраб туради. Бундан ташқари арабча сўзлар икки тилда ёзилган ғазалларида ҳам учрайди. Арабча ишлатилган сўзлари кўпроқ орифона моҳиятга эга. Лекин, таъкидлаш керакки, Шаҳдийнинг ишлатган

арабча-форсча ёки туркча сўзлари содда ва халқонадир. Зеро унинг шеъриятдаги услуби жуда содда, равон, оҳанги ёқимли, мисралари қисқа ва ўқувчи тезда маъносини илғаб оладиган тилда ёзгани шоирнинг муваффакиятидан дарак беради. Орифона ва ошиқона ғазаллари мавзу жиҳатидан муножот ва наътларга бойдир. Навбатдаги ғазал шоирнинг Тангри таолога қилган муножоти ва сифати Зоти ҳақида баён этилган:

Ё Илохи Сен қулингман, ё Жалил,  
 Ё Афуву, ё Шакуру, ё Вакил.  
 Сен учун девона бўлмай найлайнин,  
 Бирлиги курубон бўлдим васил.  
 Кундасен бир йўл мани ҳам ўлдируб,  
 Эртароқ жонимни олғил қўймагил.  
 Йўл аро учраб гар сўрсанг мани,  
 Жон недур берсам мани, қоним сабил.  
 Келтуруб сол бошима қўп зарбалар,  
 Шум бошим олгил сан дуру асил.  
 Ул ибодуллоҳ хожани отлари,  
 Бош қўйиб эшикларга эмди раҳил.  
 Остонига юзимни суртаман,  
 Юрдим хизматларига неча йил.  
 Етиб борсам улар авродига.  
 Бир назар топсанг сахарлар анда кел,  
 Куб сахарлар ёронма йўл боролайнин,  
 Йиғлабон олғил яқонгни, тавба қил.  
 Юрма Шаҳдий кел пириңг этаги тўт,  
 Қўл бериб пирни аёғига йиқил. [1, 184].

Баъзида Шаҳдий ғазаллари турли хил ғояларни ифодалаб, мажозни ҳақиқатга, ҳақиқатни илоҳий ишқга боғлаб туради. Юқорида келган биринчи ва иккинчи сатрларда ё Илоҳий, Жалий, Вакил, Афув, Шакур исмлари муборак “Асма ул-хусна” дир. Ва бу ғазалдаги иборалар дуо ва талаб қилишдир. Шаҳдий ғазалларида “ҳаҷф -ражо” мавзулар кўпроқ жой олган. Унинг ғазаллари ҳаётий қарашлар амалдаги инсон бажарадиган амаллар ва ҳаётий тажрибалар акс этган. Бу ғазал матлаъи муножот шаклида келиб “Ё Илоҳий Сен қулингман, ё Жалил”, билан бошлангани бу Аллоҳ қудрати, ваҳдати, муҳаббати, ҳикмати ва сифати олдида таслим бўлганини намоён қиласди. Яна бир нарсага алоҳида урғу бериш керакки “пир” “ё пир” “саги пир”, “пирим” “пир этаги”, “пир авродига” “пир хизмати”, “пир остонаси” иборалари ўз пири вафодори “Хожа Убайдуллоҳи Солик” ни зикр қиласди. Ўзбек тилида битилган ғазаллари ҳам шубҳасиз Румий ирфони, Саъдий ғазаллари ва Ҳофиз лирикаси билан мужасамлашган. Шаҳдийнинг ушбу форсча байти шоирнинг мумтоз шоирларга бўлган муҳаббати намунасиdir.

Дилу жонам фидои Шайх Саъдӣ,  
 Сари ман хоки пои Шамси Табрезӣ.  
 Туроби Мавлавиро тавғ созам,  
 Ба коми ман кунад шаҳду шакаррез. [4,246].

**Байтнинг насрый таржимаси:** Мени жоним Шайх Садийга фидодир, бошимни Шамси Табрезий оёғига қўяман, Жалолиддин Румий тўпрогини тавоғ қиласман, Оғизимни эса бу амал, (муҳаббат) шаҳду шакари билан тўлдиради.

Ё бошқа жойда Ҳофизни шеърият мулкида пири муршид ва ўзини мурид деб билади:

Шаҳдиё, ёйи агар ту баҳрае,  
 Рав муриди Ҳофизи Шероз бош[1,20].

(Эй Шаҳдий сен агар, қалб ҳузурини топишни истасанг, Ҳофиз Шерозийга мурид бўлгин).

Аслида шоир ғазалларида ирфон ва илоҳий муҳаббат бошқа мавзуларга қараганда устунлик қиласди. Султон Саидумар Кавқабий Шаҳдий ижоди ва шахсияти ҳақида қўйидаги изоҳни беради. “Шаҳдий шоири аҳли ирфон буда асосан дар пайравии шеърҳои ирфоний ва лирикии Ҷалолиддин Румий ғазалсарой кардааст”[1,22]. (Яъни Шаҳдий ирфон аҳли шоирлардан бўлиб, асосан шеърларини Жалолиддин Румий ирфоний лирикаси таъсирида ёзган).

**Хуноса.** Шаҳдий ижод маҳсули доираси кенг қамровли бўлиб, унда ҳалқнинг дарди, инсон фарзандининг асл фитрати, ишқ ва ирфон мавзулари содда тил билан баён этилган. Адабий томонидан эса, бадиий санъатлар, лирик жанрлар, муножот, ҳамд, наът, тавсиф, тажнис, киноя, истиора, ташбех, такрор, тазод, талмех, тахаллус, ташрех, ийҳом, такрор, тақлид ва саҳли мумтанеъ ўз ўрнида ишлатилган. Унинг девон қўлёзма нусхалирида ўрин олган ўзбекча ғазалларини табдил ва тадқиқ қилиш бугунги ўзбек адабиётшуносликда муҳим аҳамиятга моликдир. Шаҳдий ижодида маънавий ва маърифий жасорат ўрни бекиёсdir.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Сайдумари Султон. Рўзгор ва осори Шаҳдий.- Душанбе: Ирфон, 1998.-177 С.
2. Ҳожимуҳаммад Шаҳдий. Қўлёзма нусхаси (шахсий). -Девон, 1880.-305 С.
3. Шаҳдий девони. Қўлёзма нусхаси. №6333. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунсолик институти қўлёзмалар фондиди.
4. Шаҳдий девони. Қўлёзма нусхаси. №10483. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунсолик институти қўлёзмалар фондиди.
5. Шаҳдий девони. Қўлёзма нусхаси. №144. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунсолик институти қўлёзмалар фондиди.
6. Шаҳдий девони. Қўлёзма нусхаси. №4702. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунсолик институти қўлёзмалар фондиди.

**ЎУК 821.512.133 (092)**

**МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ШЕЪРИЯТИ ПЛЕОНАЗМ БАДИЙ ВОСИТА  
СИФАТИДА**

**Ж.К. Матназаров, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч**

**Аннотация.** Мақолада Матназар Абдулҳаким шеърияти тилида ишлатилган плеоназмларнинг бадиий матн яратишдаги ўрни ҳақида маълумотлар берилиб, дистант ва контакт позицияда қўлланган лексик ва лексик-аффиксал плеоназмлар воситасида матн бутунлиги ҳосил қилишидаги маҳорати билан боғлиқ адебининг индивидуал услуги намоён бўлшии мисоллар асосида далиллашга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** плеоназм, дистант позиция, контакт позиция, лексик плеоназм, лексик-аффиксал плеоназм, лисоний ортиқчалик, матн бутунлиги.

**Аннотация.** В статье даны сведения о роли плеоназмов, использованных на стихотворном языке Матназара Абдулхакима, в создании художественного текста, а также показаны на примерах индивидуальный стиль писателя, связанный с мастерством в создании целостности текста с помощью лексических и лексико-аффиксальных плеоназмов, использованных в дистанционной и контактной позиции.

**Ключевые слова:** плеоназм, дистанционная позиция, контактная позиция, лексический плеоназм, лексико-аффиксальный плеоназм, целостность текста, углублённое изучение языка.

**Abstract.** The article provides information on the role of the poetry of poetry in the Matnazar Abdulhakim in creating artistic texts, and has been attempted to prove the individual style of the writer related to his ability to work with textual integrity through lexical and lexic-afflictional speech synthesis.

**Key words:** pleonasm, distant position, konaakt position, lexical pleonasm, lexical-physical pleonasm, linguistic surplus, text integrity.

Бадиий асарлар нутқнинг бир кўриниши бўлар экан лисоний ортиқчалик назмий асарларда ҳам учраши табиий. “Албатта, тилдаги ортиқчалик тилдаги ортиқча юқ эмас, балки тил тараққиёти учун хизмат қиласиган зарурий омиллардан”[1.6]. Шеъриятда рамзийлик ва мавхумлик етакчилик қиласиги сабабли плеоназм бадиий матннинг курилиш материали сифатида қўлланади. Масалан, Хоразм шевасида ёзилган қуйидаги “Иш ишиладинг ишиларингга берилиб, Сал ўнг галса, ишинг, қотми гарилиб”[2.226], қўшмисранинг биринчи кароридаги “Иш ишиладинг”да лисоний ортиқчалик сезилса ҳам ўзига хос фонопоэтик эффект юзага келган. Иш-ишила-ишилар сўзларида “и” такрори натижасида аллетеरация ҳосил бўлган бўлса, “и” товуши билан бирга “э”, “а” тил олди ундошларининг такрори натижасида ассонанс(айнан ёки яқин унлиларининг такрорланиши натижасида оҳангдошлиқ) юзага келган, натижада плеоназм асар бадиатини оширган.

Илмий манбаларда плеоназмга бир хил ёндашув мавжуд эмас. Шундан унга тилшунослигимизда бадиий восита сифатида ёндашув кенг оммалашмаган, баъзан плеоназмга бадиятга зид ҳодиса сифатида қарашиб ҳам кузатилади. Шуларнинг ичидаги дикқатлиси плеоназмга поэтик восита сифатида қарашиб ва тадқиқ қилишидир. «Шеърий асарларда бирор фикрни таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида плеоназмга мурожаат этилади»[3.234]. Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, плеоназм ўзбек тилшунослигига бадиий восита сифатида чукур тадқиқ қилиниши керак. Айниқса, уни маълум бир ижодкор асарлари мисолида ўрганиш муаллиф индивидуал услугини аниқлашда қўл келади.

Атоқли шоир Матназар Абдулҳаким шеърияти тилида плеоназмларнинг турли бадиий мақсадларда қўлланганлигини кузатиш мумкин. Шоир маънони кучайтириш, фикрни таъкидлаш, дикқатни асосий нуқтага тортиш, шубҳа-кўркув, ҳаяжон семаларини матн таркиби сингдириш учун плеоназмлардан маҳорат билан фойдаланган.

Илмий адабиётларда (1)дистант ҳолатдаги, (2)контакт ҳолатдаги плеоназмлар фарқланади. Дистант ҳолатда ишлатилган тақрор тўлиқсиз феъл бадиий восита сифатида юзага чиққан ажойиб намунаға мисол сифатида қуидаги мисраларни келтирамиз:

*Мен соғиниб эканман сизни,*

*Сиз соғиниб эканмиқансиз?[4.4]*

Бу ердаги “соғиниб эканмиқансиз” сўзи таркибидаги “эканмиқансиз” қисм морфемик таркиби аниқланганда экан-ми-экан-сиз тарзида тўртта морфемага ажралишини кўрамиз ва ойдинлашадики, “экан” тўлиқсиз феъли икки маротаба қўлланган - сўроқ юкламасидан олдин ва ундан кейин фонетик ўзгаришга учраб “экан/кан” тарзида, натижасида плеонастик қўлланиш юзага келган бўлса ҳам семантик-структурал ғализлик сезилмайди. Аксинча, “экан” қисмини тақрор қўллаш оқибатида маъно кучайтирилиб сўроқ оҳанги бўрттирилган ва сўроқдаги ҳадик ва шубҳа маънолари сўз зиммасига юклатилишига ҳамда шу билан лисоний ортиқчаликдай туйилган сўзда шаклий сиқиқлик воситасида семантик қўламдорлик юзага келган. Бундан ташқари бу сўз “тиқансиз” сўзи билан хушоҳангликни юзага келтирганлиги ҳам муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати юқорилигига далолатdir.

Шоир ижодига мансуб шеърлар орасида баъзан ноодатий, ўхшамагандай туйиладиган жумлалар ҳам кўзга ташланиб қолади. Бу жумлалар бир қарашиб ғалати туюлса ҳам тасодифий ҳодиса эмаслигига лисоний таҳлил асосида изоҳ топиши ва жуда усталик билан ўз ўрнида заргарона қўлланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шоир бир шеърида:

*Бизсиз керак эмас ўзига ватан,*

*Ватансиз не керак ўзимизга биз [4.170],* дея таъсирчан мисралар битади.

Нутқда “мен ўзим” тарзида таъкидий бирикмалар учраб туради. Шеърда қўлланган “ўзимиз” сўзидағи -имиз эгалик аффикси кўплиқдаги биринчи шахсни яъни “биз”ни англатиши бир семани дистант лексик-аффиксал плеоназмни юзага келтирган. Юқорида айтилганидек бу бирикв контекстга маънони таъкидлаш асосида “Ватансиз одамда ўзлик бўлмас” тушунчасини сингдирган. Бу ўз-ўзидан фикрни мисрага маъдан каби жамлашга имкон берган. “Сен, жоним, мана шу боғларникисан” туркумидаги бир шеърда ҳам шунга ўхшаш шаклий ифодани кўриш мумкин:

*Аста-секин қоши ҳам қорайди,*

*Ҳамроҳдирман ёлгиз менга ман[4. 31.]*

Бироқ сурат(менга) ва сийрат(ман) бирлиги бу жойда шаклан плеоназм, мазмунан окказионаллик касб этгани ойдинлашади. Шу билан бирга талқин назариясига кўра, бу шеърга бошқача ёндашиш ҳам мумкин. “Менга ман” дейилиш билан ҳаддан ташқари ёлғизлик семасини бўрттириб кўрсатган, шу билан бирга биринчи мисрадаги табиатда бўлаётган айни жараён - “Аста-секин қоши ҳам қорайди”, ёлғизлик “руҳга кўчган оғир дард” эканлигини тасвирламоқда.

Плеоназмлар ҳақида гапирилганда одатда икки бир хил тушунчани англатувчи тил бирликлари ҳақида гап боради. Уч, тўрт ҳатто беш хил ҳодиса асосида плеоназм қўллаш кузатиладиган ўринлар ҳам мавжуд. А. Гуломов ва Р. Кўнгуревлар беш асосли плеонастик қўллашга мисол келтиришган “жажжси-гина-кўзи-чоқ-ча”.

Матназар Абдулҳакимнинг уста сўз санъаткори эканлиги шундаки, адаб бир ўринда уч асосдан шаклланган плеоназмга мисол келтиради:

*Ҳам куйлаб ўлмаслик баҳтин тилайман,*

*Сизнинг ёлгизгина бир ўзингизга[4.42].*

Бу мисрада танҳолик уч марта таъкидланиб, маъно бўрттирилганлиги кўринади. Ёлгиз – сифат, бир – сон, -гина – айирув-чегаралов юкламаси. Натижада ифода аралаш(дистант позициядаги лексик ёлгиз - бир, контакт позициядаги лексик-аффиксал ёлгиз-гина, ёки -гина/ - бир) плеонастик кўллаш воқе бўлган. Буларнинг барчаси тилакни бир кишига йўналтирилганлигини кўрсатиш билан бирга тилакнинг адресатига чин юракдан, самимий, яқин кишиси сифатида айтилаётганлигидан далолат беради.

Феъл туркумiga доир лисоний бирликлар ортиқчалиги ҳам бадий восита сифатида матн бутунлигига катта ҳисса қўшган ҳолда қўлланиши Матназар Абдулҳакм шеърларида учрайди:

*Тонг ёриша бошлаган сайин,  
Сирлар шундай фошлана бошлар  
Ахир яна бота бошлар тун,  
Сирлар тагин бошлана бошлар[2. 123].*

Бу тўрт қаторда беш жойда “бошламоқ” феъли қўлланган, бироқ ғализлик сезилмайди, аксинча, мусиқий оҳангдорлик юзага келади. Сўнгги мисрада “бошлана бошлар” тарзда нутқий-услубий ортиқчаликдай кузатилса ҳам бу жойда ноодатий сўз қўллаш окказионаллик ҳам касб этган ва шеърни янада ўқишлиқ қилган. “Бошлана бошлар” ни “бошланади” сўзи билан алмаштириб бўлмайди, “бошлана бошлар”да шундай давомийлик маъно мужассамки, бу давомлилик такрор-такрор мунтазам содир бўлиб турадиган бошланишининг тинимсиз такрорини кўрсатади. Шу сабабли бу сўз мисрада ўз ўрнига тушиб, шеърнинг бадий бутунлигига муҳим ўрин эгаллаган, шунинг учун уни бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди, алмаштириш эса шеър қурилишида вазн бузилишига сабаб бўлади.

Контакт позициядаги плеоназмларга ҳам адид асарлари тилидан мисоллар келтириш мумкин. Баъзи ҳолларда сўз такрорига ўхшаб кўринган бирикмалар муаллиф ижодида аслида бадий восита сифатида юзага чиқади. Шоир қаламига мансуб шеърларда бундай ўзига хос мисраларни кўп учратамиз, бу унинг услубий ўзига хослигини кўрсатади:

*Бигиз бармоқларга итоат этмас,  
Бир куни жонидан тўяди.  
Толикади дарё дарёligидан,  
Дарё дарё бўлмай қўяди[2. 182.]*

Иккинчи ўринда қўлланган “дарё” жўшқинлик семасини билдиришини инобатга олсак, “Дарё жўшмай қўяди” шаклидаги фикр юзага келади, бироқ жўшқинлик одатда дарёга қиёс қилинади. Хоразмда “дарёдек тошмоқ” ибораси бор. Бу воҳа ҳалқи Амударё соҳилида яшагани билан боғлиқ бўлиб, қадимда баъзи пайтларда дарё ўзанидан тошиб одамларга, экинларга талофат етказиб турган, шу билан бирга бу жараён ерни минераллар билан тўйинтириб қут-барака ҳам олиб келган. Шунинг учун ҳам бу ибора икки хил маънода баъзан “тентак бўлмоқ”, баъзан “кувончи/қайғуси ичига сифмай кетиши” маъноларини англатади. Шуни инобатда олиб, “дарё”ни биринчи сўзда ҳам жўшқинлик маъноси борлигини кўриш ҳам мумкин. Бунда яна ижтимоий фикр берилганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин, дарё аслида яхшилар тимсоли, бетаъма саховат тимсоли - суви яхшилиги. Бироқ яхшиликка ёмонлик келса “дарё дарё” бўлмаганидек - яхши яхши бўлмайди. Бундай конструкция асосида қўллашдаги лисоний ортиқчалик муаллиф қаламига мансуб, “Кўприк кўприклар бор, одам кўприклар”, мисрасида яққол сезилади. Бу ерда кўприк ва кўприқдай одамлар борлиги метафора йўли билан таъкидланган. Жумла чўзилиб кетган бўлса ҳам матннинг бадий бутунлигига путур етмаган. “Одам кўприк” “кўприқдай одам” бирикмасига нисбатан экспрессивлик касб этган. Хуллас, бу жойда плеоназм воситасида шаклий ихчамлик, фикрий кенгликка эришилган дейиш мумкин.

Яхшилар хақида “Одам” шеърида ҳам айни фикр ифодасини кўриш мумкин ва “Одам одам бўл” жумласи одамийлик даражасининг меъзони вазифасини ўтаган:

*Тўй одам бўл тантаналарда,  
Азаларда мотам одам бўл.  
Хуллас қалом ўзингдан кетма,  
Хуллас қалом, одам одам бўл[4.84].*

Шоир “Сиртқи сабоқ” шеърида ўзининг билимдон тилшунослик ва шоирлик маҳоратини синтезлаштирган ҳолда намойиш қилади. Гап шундаки, қараткич келишиги

кўшимчаси “нинг” шеърда бадий восита сифатида юзага чиқиб, ном маъносида ва аффикс сифатида маҳорат билан ишлатилган. Бундай кўлланиш бошқа бирор жойда учрамайди:

**“Ни”ни эмас сени севаман ўзим**  
**Дийдорингга етмоқ умидим минг-минг**  
**Сенинг кўзларингни согиндим кўзим,**  
**Кўзим йўқ кўришига турқини “нинг”нинг[1.30].**

Бандда кўлланган биринчи “нинг” кишининг шартли номидир. Лисоний ортиқчалик шундаки, Камолнинг, Ражабнинг шаклида бўлгани каби “нинг”нинг ҳам кимнинг? сўроқлиғини олади. Шу шеърда тушум келишиги билан ҳам шундай ҳол кузатилади. Бу сўзни окказионал сўз сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Бизнингча, шоир маҳорати натижасида аффиксал плеоназм шаклидаги бу намуна услубийлик касб этиб сема-стилистика-аффиксал плеоназм воситасида гўзал бадий жозиба юзага келган.

Шоир шеъриятида ўзига хос бўлга бир жиҳат мавжуд, бу жиҳат муаллифнинг ўзига хослигини асослайдиган тақорордан усталик билан фойдаланиш маҳоратидир. Муаммо шундаки, тақорорлар грамматик структурасига қўра доим бир хил бўлмаслиги маълум:

**Керак эмас ўзга ватанлар,**  
**Чунки менинг *ватаним ватан*[5. 30].**

Бизнингча, буни плеоназм сифатида қараш мақсадга мувофиқ, чунки бу ерда предикатив муносабат айни бир сўзни икки хил қўллаш натижасида пайдо бўлмоқда ва шу билан фикрий ортиқчалик юзага келган. Лисоний жиҳатдан бунда ортиқчалик кузатилганда ҳам поэзияда ортиқча нарсанинг ўзи бўлмаслигини унутмаслик керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, муаллиф ижодида қўлланган плеонастис қўллашлар бадийлик касб этиб муаллифнинг индивидуаллиги ва бадий сўз қўллаш маҳоратини юқори эканлигини кўрсатган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Махмудов Н. Ўзбек тилида эллипсис. Т., 1977.
2. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар(2-жилд). - Тошкент: Faafur Fулом, 2017. 303 бет.
3. Хотамов X, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т., “Ўқитувчи” 1979. 364 бет.
4. Матназаров Абдулҳаким. Танланган асарлар(1-жилд). - Тошкент: Faafur Fулом, 2017. 327 бет.
5. М.Абдулҳаким. Кўпприк. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009 йил.
6. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. - Тошкент: Фан, 1988. 93 бет.
7. Қурбонова М, Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. - Тошкент: Университет, 2014.
8. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. - Тошкент: Фан, 2018.
9. Лотте. Д. С. Основы построения научно-технической терминологии. - Москва, 1961.
10. Конгуров Р. Субъектив баҳо формасининг семантис ва стилистик хусусиятлари. - Тошкент: 1980.
11. Хотамов X, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

#### **ЎУК 808.5**

#### **ФЕМИНИЗМНИНГ ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АКС ЭТИШИ** ***Н. Муҳаммедова, ўқитувчи, ЎзДЖТУ, Тошкент***

**Аннотация.** Уибу мақола инглиз адабиёти феминизм хотин қизларнинг фуқоролик, ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари учун олиб борган кураш тарихини ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** феминизм, инглиз адабиёти, инсон ҳуқуқлари, сиёсат.

**Аннотация.** эта статья содержит историю борьбы, которую феминизм в английской литературе ведет за гражданские, социальные и человеческие права женщин.

**Ключевые слова:** феминизм, английская литература, права человека, политика.

**Abstract.** this article covers the history of the struggle that feminism in English literature carried out for the civil, social and human rights of Female Girls.

**Keywords:** feminism, English literature, human rights, politics.

XX аср инглиз адабиёти феминизм хотин қизларнинг фуқаролик, ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари учун олиб борган кураш тарихини ўз ичига олади. XIX асрда содир бўлган аёлларнинг тенг юридик ва сиёсий ҳуқуқлари учун олиб борган ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг идеологиясини англатган феминизм лотин тилидаги “femina” – аёл сўзидан олинган. Чет эл адабиёти тарихида тенгҳуқуқлилик масаласини ўзида мужассамлаштирган феминизм узоқ тарихга эга. Ҳозирги кунда феминизмнинг қачон пайдо бўлганлиги борасида

турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Тадқиқотчи Г.А.Брандт феминизм хотин-қизларнинг шахс сифатида ўзини намоён қила олишга бўлган интилиши доимо мавжуд бўлган деб ҳисоблайди ва қадимий амазон мифлари ёки матриархат ҳукмронлиги даврини унинг исботи тариқасида келтирадилар. Бир гурух тарихчилар Ж.Кэлли, К.Грин эса феминистик ғояларни авваламбор XVII аср инглиз аёл ёзувчилари Афра Бенн, Мэри Астелл, Батсуа Мэйкин ва шу давр француз муаллифлари Мари де Гурне, Франсуа де ля Барра асарларида аниқлайдилар. Тарихчи Герда Лернер феминизм куртакларини Уйгониш даврида ижод этган француз адабаси Кристина де Пизан асарларида мавжудлигини ва шу боис XV асрда “аёллар ҳақидаги баҳсларнинг” (*querelle des femmes*) назариялари вужудга келганлигини таъкидлайди [1]. Таъкидлаш жоизки, илк феминистлар ва феминист аёллар феминизм тушунчасидан йироқ бўлишган, улар ўзларини “хотин-қизлар адвокати” ёки “хотин-қизлар ҳукуқлари химоячиси” деб аташган. “Феминизм” атамасини замонавий илм-фанга ким олиб кирганлиги ҳақида турли фаразлар мавжуд. Тадқиқотчилар О. Воронина, М. Соколова, В. Успенскаяялар “феминизм” сўзини XVIII аср охирида француз утописти Шарль Фурье томонидан илк бор қўлланилган деб ҳисоблайдилар. Файлласуф хотин-қизлар ҳақ-ҳукуқлари тарафдорларини феминистлар деб атади ва “аёллар ҳукуқларини кучайтириш ижтимоий ривожланишнинг асосидир” деган ғояни илгари сурди [2]. Тадқиқотчи Т. А. Клименкованинг фикрича “феминизм” сўзини илк маротаба инглиз аёли Элис Rossi “The Athenaeum” (Лондон) журналининг 1895 йил, 27 апрель сонидаги мақоласида келтиради. Тарихчи Карен Оффенинг фикрига кўра “феминизм” атамаси 1882 йил Францияда “Ля Ситуаен” газетаси мақолаларида пайдо бўлади. Сайлов ҳукуқи учун кураш олиб борган аёллар ҳаракатининг аъзоси Губертина Оклер ўзини феминист аёл деб атайди ва мақолаларини шу ном билан имзолайди. 1892 йил Парижда бўлиб ўтган биринчи феминистик конгрессдан сўнг “феминизм” атамаси кенг оммага ёйилиб кетди ва 1894 йил Буюк Британия, Испания, Италия, Германия ва АҚШ қаби мамлакатларнинг сиёсий нашрлари саҳифаларида пайдо бўлди [3].

Феминизм XIX аср охири ва XX аср бошларида хотин-қизларнинг ўз ҳукуқлари учун олиб борган умумий ҳаракати сифатида шаклланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Англияда суфражист аёллар хотин-қизлар ҳаракатининг фаол аъзолари эдилар.

Англияда пайдо бўлган суфражизм кейинчалик АҚШ, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда оммалашди. Илмий адабиётда бу давр “тengҳукуқлилик феминизми” ёки “феминизмнинг биринчи босқичи” номини олди ва эркаклар қандай ҳукуқларга эга бўлишган бўлса шу ҳукуқларни қўлга киритиш учун кураш бўлди.

1840-1920 йиллар давомида содир бўлган феминистик ҳаракати феминизмнинг биринчи босқичи деб қабул қилинган. XIX аср хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий тенг ҳукуқли бўлишининг зарурлигини асослаш даври бўлди [4]. XIX аср бошларида феминистик ғояларнинг шаклланишига авваламбор утопистлар Ш. Фурье, А. Сен-Симон ва Р. Оуэннинг фалсафий концепциялари аҳамиятли таъсир этди. С. Айвазова таъкидлаганидек Ш. Фурье ва А. Сен-Симон “аёлнинг табий вазифаси борасидаги мулоҳазалардан четга чиқиши”, аёлнинг “табиат берган ҳукуқидан” ташқари унда ижтимоий ҳукуқ яъни: таълим олиш, меҳнат қилиш ва мустақил бўлиш ҳукуқи мавжудлигини эслатиб ўтишди [5].

Ташкилот ҳаракатининг оммалашшига эркак ва аёлнинг маънавий тенглигини тарғиб қилаётган протестант черкови туртки бўлди [6]. Протестантизм динига эга давлатларда аёллар саводли эдилар. Ғарб либерал доктринасининг асосий тамойилларини жамият аъзоларига ўз имкониятларини амалга оширишда эркинлик бериши ва ҳар бир фуқаро ҳеч ким дахл қилолмайдиган ҳукуқ эгасидир деган ишонч ташкил этди [6].

Таъкидлаш жоизки, биринчи жаҳон уруши бошланишига қадар Буюк Британияда хотин-қизлар ҳаракати қудратли сиёсий кучга айланди.

Феминистларнинг олиб борган кураши натижасида илк марта жаҳон тарихида аёллар овоз бериш ҳукуқига эришдилар. Янги Зеландия 1893 йил, Австралия – 1902 йил, Норвегия – 1913 йил, Дания ва Исландия – 1915 йил, Канада – 1918 йил, АҚШ – 1920 йил ва Буюк Британия – 1928 йил хотин-қизларга овоз бериш ҳукуқини бердилар. Аёллар овоз бериш ҳукуқига эришган бўлсаларда реал ҳаётда бу ҳукуқ ўз аксини топмади. Юридик тарафдан эркак ва аёлнинг тенг ҳукуқли бўлиши ҳақиқий тенгликни англатмади ва уларнинг шу орқали жамиятда ўз мавқеига эга бўлиш фикри ўз кучини йўқотди.

Инглиз тадқиқотчи Женни Мюррейнинг фикрига кўра XX аср тарихчилар назарида “аёллар даври” ҳисобланди. Феминизмнинг биринчи босқичи инглиз аёлларига овоз бериш хукукини берган бўлсада, улар амалда буни кўришмади. Уларнинг жамиятга қўрсататдан таъсири сезилмади. Таълим олиш аёлларнинг жамиятда ўз ўрнини топишда энг мухим соҳа эканлиги ва шу орқалигина аёл ўзлигини қўрсата олиши мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Фикримизга кўра феминизмнинг биринчи тўлқини адабиётда турлича талқин этилди. Янги аёл характерини инглиз адабалари чуқурроқ англадилар ва асарларида янги аёлнинг характер кирраларини теранроқ очиб бера олдилар. Виржиния Вульф билан бир қаторда адабиётта кириб келган аёл ижодкорлар ҳам ўз асарларида “янги аёл”нинг характер хусусиятларини намоён этувчи образларни яратдилар. Улар модернизм йуналишида ижод этмасаларда романларида, ҳикояларида аёл характерининг феминизм ҳаракати натижасида юзага келган янги хусусиятларини асарларида гавдалантиридилар.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Гендерный калейдоскоп. Курс лекций/Под. ред. М. М. Малышевой. – М., 2002. С.77.
2. Фурье Ш. Теория четырех движений и всеобщих судеб. М., 1938. С. 174
3. Tuttle L. Encyclopedia of Feminism. New York (Arrow Books), 1986.
4. Брандт Г. Философская антропология феминизма. Природа женщины. СПб., 2006. С.16.
5. Брандт Г. Философская антропология феминизма. Природа женщины. СПб., 2006. С.16-17.
6. Шмелева О. Н. Дискурсивный анализ феминистских текстов (На материале проблемно-портретных очерков германского политического феминистского журнала «ЕММА») автореф. дис. ... канд. филол. наук. Астрахань, 2006.

#### **ЎУК 82**

### **ИЖОДКОРНИНГ УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ (Ш.Ахророванинг “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаси мисолида) П. Туропова, ўқитувчи, ЖДПИ, Жиззах**

**Аннотация.** Уибу мақола Жиззах адабий муҳит вакили, Шаҳло Аҳророва қиссасида услубий ўзига хослик масаласининг тадқиқига багишиланган.

**Калим сўзлар:** Детектив, қисса, фожиа, услугб, муаллиф шахси, бадиий асар, ўзига хослик.

**Аннотация.** Эта статья посвящена изучению методологической идентичности в рассказе Шахло Ахроровой, представителя Джиззакской литературной среды.

**Ключевые слова:** детектив, повесть, трагедия, стиль, автор, произведение искусства, идентичность.

**Abstract.** This article is dedicated to researching of peculiar issue in short story of Shakhlo Akhrorova who is member of Jizzakh literary environment.

**Keywords:** Detective, short story, tragedy, style, author, fiction, peculiar.

Адабиётшуносликда ижодкор услуби ва бадиий маҳорати масаласига доир катта-кичик тадқиқотлар килинган. Бироқ, бадиий услугб ҳар бир ижодкорнинг бадиий ижодида янгиланиб турганидек, ҳар бир асарда ҳам ўзига хосликни намоён этади. Маълумки, ижодкор услуби, унинг дунёни англаши, инсон ва хаёт фалсафасини ўзига хос тарзда идрок этиши ва идрок этган ҳаётий ёки ҳаёлий воқеаларни бадиий бўёқларда ифодалашида кузатилади. Шунга кўра, услубнинг индивидул жиҳатларини билдирувчи омиллар ижодкор асарлари таҳлили орқали ойдинлаштирилади. Одатда ижодкор қайси жанрда, қайси мавзуда, қандай воқеани тасвирламасин, унинг умумий ўзига хослиги бошқа адиллардан ажратиб туради. Шу нуқтаи-назардан қараганда Жиззахлик адиба, Шаҳло Аҳророванинг асарларида ҳам ижодкорнинг ўзига хос дунёқараши ва бадиий тафаккурини кузатиш мумкин. Унинг детектив жанрда ёзилган, ушбу асари ҳаётнинг қора, чиркин жиҳатларини тасвирлашга қаратилган. Бунда инсон табиатидаги ёвузлик, жиноятга мойиллик ўзига хос услубда ёритилган.

Адабанинг “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссасининг номланишиёқ китобхонни қизиқтириб қўяди ва кишини асар воқеалари томон етаклаб боради. Ундаги воқеалар ҳаётлиги, ишонарлилиги билан бирга жамиятдаги кишиларни жиноятга етакловчи омиллар билан ҳам таништириб боради, унинг сабабларини ойдинлаштириб беради. Қиссанинг детектив жанрда ёзилганини эътиборга олиб, шу йўналишга доир назарий

қарашларимизни белгилаб олсак, асар номидан ҳам кўриниб турибдики, қисса детектив йўналишда ёзилган. Шу ўринда, детектив жанри хусусида тўхталсак.

“Детектив инглизча detective, лот.detectio – очиш, фош қилиш, аниқлаш. Жосуслар, яширин айғоқчилар, изқуварлар ҳаёти саргузаштлари, мураккаб жиноятларнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи (бадий асар ёки фильм) [6.601] жанр. Одатда бундай ҳодисанинг асл сабаби қонунбузарлик билан адолат ўртасидаги курашдан иборат бўлади ва ҳақиқатнинг тантанаси билан якун топади” [2].

Демак, детектив асарда бирон–бир фавқулодда жумбоқли ҳодисанинг тадқиқ қилиниш жараёнлари, унда содир бўладиган ҳолат ва вазиятлар, изланиш ва ечимлар тасвир этилади. Детектив асарнинг марказий қаҳрамонлари ҳисобланадиган жиноятчи ва жабрланувчи ҳаётига доир яқин тарих музалиф нуқтаи назаридан қайта тикланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаси замонавий изчил реалистик детектив мавзуга яқин услубда ёзилган. Қиссага киритилган ҳар бир образ, портрет, деталь, тасвир, воқеалик бир–бирига узвий яхлитликда олиб борилади.

Детектив асарлардаги услубий ўзига хослик фақат бадий асар тилига, адаб томонидан кўлланилган ибора ёки ҳикматли сўзларгагина дахлдор эмас, бундай асарнинг сюжети ва композицион қурилиши ҳам услубий жиҳатдан кутилмаган ҳодисаларнинг уюштирилиши билан ажralиб туради.

“Маълумки, санъаткор тўғридан–тўғри ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки унга ҳақиқатан ўхшаш қилиб, янги бир дунё яратади, кашф этади. Бошқача айтганда, ҳаётий ҳақиқатдан бадий ҳақиқат яралади; ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабораториясида “қайнатиши”, ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввури, хаёли, орзуси, тажрибаси, қалби, табиати, дунёқараси билан бойитган ва муайян ғояга хизмат қилувчи характерли ва зарурий деталларни, факт ва ҳодисаларни танлаган ҳолда тугаллик касб этган (образли) бадий ҳаётни яратиши зарур; яратганда ҳам бу ҳаёт китобхон кўз ўнгига жонли ва реал, ишончли ва гўзал, таъсирчан ва яхлит бўлиб гавдаланиши шарт” – [4.13] экан. “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаси худди шу талаблар асосида ёзилган.

Дарҳақиқат, ҳаётий қамров ҳамда бадий тўқима бир–бирига нисбатан дахлсиз ривожланадиган тушунчалар, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ва рақобати услуб тизимини барқарорлаштиради. Айнан, систем яхлитлик ҳаётий тажриба ҳамда ижодкор фантазияси синтезининг бир–бирига туташуви самараси ўлароқ, адабий маҳоратни биринчи ўринга чиқаради. Шу маънода, бадий чамбарчаслик қонунийлиги ифода тифизлиги ҳамда тасвир руҳиятини хусусийлаштиради.

Қисса қаҳрамони, Муҳаббат табиатида йигитларга хос чапанилик, қувноклик, шаддод феъл бўлишига қарамай тақдир қаршисида ожиз қолади. Унинг гўзалигига ҳар қанча шайдо бўлмасин, йигитлар уни якинига кела олмас, унга ҳатто гапиришга ҳам ҳайиқиб юрган бир вактда, сурбет Воҳид қўлига бир кун келиб, ўйинчоқ бўлиши уни етти ухлаб тушига кирмаган эди. Адаб қиссада тасвирнинг ихчам усули, яъни жумбоқли тасвирлаш йўлидан боради.

“Манфур ва маккор...палид” [1.7] Воҳид тажовузига учраган, пок муҳаббат туйғусини юрагида сақлаб юрган Муҳаббат бир кунда ҳаёти издан чиқиб кетиши, кейинчалик эса уни қотилига айланиши тақдир чархпалигини ўйинидир, балки.

Қиссада, Воҳид томонидан зўрлик билан номуси топталган Муҳаббат ноилож ўзи истамаган, нафратланган одам қиёфасидаги манфур кимсадан фарзанд кўришга мажбур бўлади. Тўғри, Воҳид унга совчи юборади, лекин юрагида тутён урган илк, соғ муҳаббатидан айрилишга сабаб бўлган ҳайвоний ҳирс эгаси Воҳидга нисбатан Муҳаббатда нафрат ва ғазабдан ўзга туйғу йўқ эди. Шу сабабдан бўлса керакки, у эндигина дунё юзини кўрган “сен жудаям широнтойсан” [1.3] деб эркалаган боласидан ҳам воз кечишга мажбур бўлади. Шундай азобли онларни бошдан кечираётган, бор орзу–умидларидан мосуво бўлган Муҳаббатнинг бундан кейинги ҳолати, қиссада кескин бурилиш ясади.

Барчамизга аёнки, қисса детектив воқеа, ҳар доим драматик тўқнашувни ўз ичига олади ва бунда ҳаётнинг драматик вазиятларига эътибор қаратилади. Шундай тўқнашувларидан бири, қаршисида ожиз қолган Муҳаббат ва Воҳид ўртасида бўлиб ўтади:

–Ие! Янгилик! – Воҳиднинг истехзо билан илжайган башарасида (Муҳаббат учун юз эмас эди у) киз унинг манфур ва маккор қиёфасини жонлантириди ўзи учун. Аслида ҳам

шундай эди. –Анчадан бери кўринмай қўювдинг? – Воҳид масхаромуз кулди. –Қорнинг кичрайиб қолдими? Болангни қайси отасига бериб келдинг? –Бу ҳақиқатан ҳам манфур инсоннинг саволи эди.

–Менга сен ифлосдан бошқа ҳеч ким тегинмаганини яхши биласан!...

–Хўш, яна нима деб бўйнимга осилмоқчисан? Айтгандим–ку, мен сендан ҳам, йигитингдан ҳам аламимни олдим деб... Бу ойимча эса юборган совчиларимни хайдаб солибдилар. Энди уйланмайман! Агар шуни сўраб келган бўлсанг овора бўлма!” [1.7].

Қиссада Воҳиднинг маънавий қашшоқлиги шу тарзда очила боради. Дарҳақиқат, ҳар бир ёзувчининг ўз истеъоди ва иқтидори, ўз дунёқарashi ва воқелик баёнида индивидуал тасвир тамойиллари бўлади. Воқелик бадиий талқинидаги ўзига хос тамойилларига эътибор қаратар экан, маънавий–ахлоқий талқин муҳокамаси гоҳ муаллиф нутқи, баъзан асар персонажлари нутқи воситасида баён этилади.

Юқоридаги диалогда ҳам муаллиф нутқи: “Муҳаббат учун юз эмас эди у... Аслида ҳам шундай эди...–Бу ҳақиқатан ҳам манфур инсоннинг саволи эди” каби жумлаларда ифода этилса, қолганлари эса асар қаҳрамонлари нутқида намоён бўлади.

Демак, ҳар қандай бадиий асар воқеликнинг бадиий талқини бўлиб қолмасдан ҳаётнинг ўзига хос фалсафий қонуниятларини акс эттирувчи залворли фикрларни ҳам ўртага ташлаши билан муваффақият қозонади. Қиссада, бу Муҳаббатнинг:

–Қаноти қайрилган жойга қуш ҳам қайтиб бормайди. Мен икки дунёдаям сендай палиднинг хотини бўлмайман!” [1.7], ёки қисса охироғида Расулни Мехроғга айтган: “Ит теккан билан дарё ҳаром бўлмайди” [1.57] каби сўзларида ўз ифодасини топган.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, детектив асар моҳияти қотиллик содир этилиши ва қотилнинг кўлга олинишидагина намоён бўлмайди. Уларда, шубҳасиз, инсонпарварлик ғоялари, инсоннинг шахсий муаммолари, руҳиятида юз берадиган ўзгаришларни, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш, жиноятчининг кўнглида рўй берадиган маънавий, психологик ҳолатлар акс этади.

Қисса қаҳрамони Муҳаббат ҳам қотил, ҳам жабрланувчи. Чунки уларнинг иккинчи тўқнашуви Муҳаббатнинг Воҳидга пичноқ уриши ва ўз айбига икрор бўлиши билан якунланди. Ҳаётини адолат мезонлари асосига қурган Муҳаббат ўзига нисбатан қилинган тубанликка бошқача жавоб бера олиши мумкинми? Унинг психологик ҳолатидан келиб чиқсак, йўқ албатта.

Қисса воқеаларига қайтадиган бўлсак, Муҳаббат таҳсил оладиган институт ўқитувчиларидан бири устидан ноҳақ прокуратуа текширув олиб борганда ҳам ўқитувчисини қўрқмай, катта ишонч ва қатъият билан ҳимоя қилиш жараёнида кўришимиз мумкин:

–Кимингиз бўлади бу ўқитувчи? –деб сўраганди йигит.

–Кимим? Қариндошингми, демоқчимисиз? Мен ундан қарздорман. Нима учун қарздорлигимни айтами? У менга илм берган. Илмни кўчада дуч келган одам беравермайди. Ўз фанининг фидойиси у. У менинг устозим бўлади! Устоз ҳар қандай қариндошдан ҳам азизроқ эканини билмайсизми?” [1.9].

Шундай фаросат ва теран ақл соҳибаси Муҳаббат ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, жиноятчилик, ахлоқсизлик каби салбий ҳодисаларга бефарқ қараб турса олмайди. Маълумки, детектив жанр композицияси кутилмаган воқеликлар баёнини ўз ичига олган сюжет, қотиллик қилмишларининг мукаммал тартибдаги қурилиши воситасида қизиқарли тус олади. Қисса давомида Мехроғ ва Барно муносабатида, Муҳаббат ва Расул аянчли қисматлари тақрорланиши фикримиз исботидир.

Маълумки, ёзувчи инсон ҳақидаги дастлабки тасаввурни тасдиқлаш ёки рад этиш учун уни обьект даражасига кўтаради. “Бунда у уч нарсага – ҳаёлдаги инсон–идеали, ўз ички дунёси ва ижтимоий гурух ҳақидаги ўз тасаввуринг таянади. Қаршисидаги одамни шу уч унсур билан муқояса қилиш орқали тасаввур ҳосил қиласди. Кўпинча тасаввур ҳосил бўлишида илк таассурот (идеал билан муқоясанинг ҳосиласи сифатида юзага келган симпатия ёхуд антипатия) асос вазифасини ўтайди” [5.163]. Тасвир обьекти билан таассурот кўлами орасидаги боғлам адаб услуби индивидуаллигини белгилайди. Адиба асарда кўп персонажларга (Муҳаббат, Воҳид, Расул, Носир, Маъруф, Сарвар, Бакир, Мунира, Санобар, Барно) таъриф бераркан, биринчи галда образ ижтимоий қиёфасидаги кемтикликларга ишора қиласди. Гап шундаки, ҳар бир қаҳрамон тўлиқ эстетик юқ ташувчиси бўлмаса– да, инсон

характерининг баъзи қирраларини алоқалантиради. Шу нуқтаи назардан, қамоқдан чиқкан Носир табиатига назар ташлайлик. Муаллиф қаҳрамон шахсиятининг ҳар бир қиррасини мантикий ургулаш воситасида характер тақозосини ҳосил қилади.

Далаҳовлида ташкил этилган Барнонинг туғилган кунида Носир ўлдирилди. Гумондорлар кўп, ҳеч ким воқеа гувоҳи бўлмаган. Севиклиси туғилган кунига ташриф буюрган ички ишлар ходими Мехрож қотилликни ўрганишга киришади.

Детектив воқеа ҳар доим драматик тўқнашувни ўз ичига олади ва бунда ҳаётнинг драматик вазиятларига эътибор қаратилади. Воқеа детектив қаҳрамони ва турли саволларга ким ўлдириди? Қандай қилиб? Нима учун? жавоб қидирадиган китобхон ўртасида диалог шаклида ҳикоя қилинади. Қиссада ҳам худди шундай бўлади:

–Қотиллик? Ким?

–Носирни ўлдиришган.

Маъруф анграйиб қолди. У ўзига тикилиб қолган меҳмонларга елка қисди:

–Нима, мендан гумонсираяпсизларми?

–Одатда, қотил аниқлангунча, ҳаммадан гумонсирилади. Айтмоқчиманки, фақат сиздан эмас. –деди Мехрож [1.28].

Шундан сўнг Мехрож ва гумондорлар ўртасида қотиллиқ хусусида савол –жавоблар бўлиб ўтди. Гумондорлар билан ўтган сұхбатда Носирни чиркин киёфаси янада ёрқинроқ очилиб борди. Кечага ташриф буюрган Носирни дўсти Маъруф, Сарвар, Бакир, Мунира, Носирни ажралиб кетган, лекин уни зуғуми остига кечага келган собиқ хотини Санобар, ўгай онаси ва ўгай синглиси Барно барчалари кўрган билганларини айтиб беришади. Лекин энг ёмони, Носирнинг барча ёмон, разил ишларининг энг даҳшатлиси сўроқлар натижасида очилади ва бу Мехрожни юрагини ларзага солади.

Чунки, Мехрожни самимий туйғу муҳаббат илиа севган Барно ҳам куни келиб, худди Мехрожни онаси Муҳаббат каби номуси топталангандиги маълум бўлади. Лекин минг афсуски, бу манфур кимса, бегона эмас, балки унинг ўғирлик туфайли қамалиб, яқинда қамоқдан чиқкан ўгай акаси Носир эди.

Детектив воқеа ҳар доим драматик тўқнашувни ўз ичига олади ва бунда ҳаётнинг драматик вазиятларига эътибор қаратилади: “Бироз ўтиб, эшик қўнғироги жиринглади. Барно эшикни очиб, орқага тисарилди. Остонада маст ҳолда Носир турарди...

–Нима қиляпсиз? Кўйворинг! Кўйвор деяпман! Ҳозир дод соламан! Аяжон! Ёрдам беринг! –Барно жон ҳолатда дод сола бошлади. У қўркув ва юзига тушган кучли зарбадан ҳушидан кетди...Барно ўзига келганда, Носир рўпарада сигарет тутатиб ўтиради. Барнонинг кўзғалганини кўриб, қўлидаги сочиқни унинг устига улоқтириди.

–Ифлос! Мараз! Нима қилиб қўйдинг! –Барно алам билан йиғлаганча, тиззаларини муштлай бошлади. –Энди нима бўлади? Шарманда бўлдим! Шарманда!

–Бас қил! Ҳеч нарса бўлмайди! Эсингда бўлсин, ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Айниқса, онангга! Бўлмаса иккаланг ҳам ўлдим деявер. Тушундинг–а? –Носир унинг бошига келиб, энгагидан кўтариб, ўзига қаратди. –Агар ҳеч кимга оғиз очмасанг, ўзим қиз бола қилиб узатвораман сени. Аммо лом–мим десанг, – Носир иккинчи қўлини қизнинг бўғзига тортди. –Мени биласан–а” [1.49].

Шу ўринда, алоҳида эътироф этиш керакки, асарда “тимсолларнинг пухта ишланганлиги, персонажларнинг ҳар бири индивидуал тилга эга қилиб тасвирланганлиги билан диққатга лойикдир” [3.44].

Табиийки, бунда ёзувчи ўзи ифодалаётган воқеликнинг қайсиdir бир қиррасини сир саклаши маҳорат сифатида баҳоланишига лойиқ экан, қиссада ҳам мана шундай сирлилиқдан ёзувчи бир неча ўринда маҳорат билан фойдаланган.

Хусусан, Мехрожни Муҳаббатнинг ўғли эканлигини устози Расул қисса сўнгидаги билиши, Носир билан дўсти Маъруф ўртасидаги келишмовчилик, Носир билан собиқ хотини Санобар ўртасидаги нафратни боши зўрлик эканлиги фожеа содир бўлганидан, яъни Носир вафотидан сўнг очилиши, бунга яққол далилдир. Шунга мувофиқ, уларнинг қайси тоифадаги қаҳрамонлар бўлишидан қатъи назар, хусусан, детектив насрда ўз табиатига кўра, ижтимоий адолат, инсон эрки учун курашаётган сиймолар тарзида майдонга чиқишини кўришимиз мумкин.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, “Дала ҳовлидаги қотиллик” детектив қиссаси тарбиявий, адабий–эстетик ҳамда ахлоқий муаммоларни талқин этиши билан бошқа йўналишдаги бадиий адабиёт намуналаридан қолищмайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ахророва Ш. Дала ҳовлидаги қотиллик. –Т.: Noshirlik yog‘dusi, 2017.
2. Detective. <http://m.wikipedia.org/wiki>.
3. Йўлдош Қ. Сўз ёлқини.–Т.: F.Гулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2008.
4. Умурев X. Бадиий ижод асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Т.: Шарқ.
6. Узбек тилининг изоҳли лугати. Биринчи жилд.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

ЎУК 519.23

**КОМПЕТЕНТЛИК ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МЕТОДЛАРИ***М.Д.Зарипова, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Мақолада юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш ва таълим сифатини ошириши масалалари баён этилади. Шунингдек, тестлар ва педагогик ўлчовлар назарияси усулларидан фойдаланган ҳолда шаклланадиган компетенциялар даражасини миқдорий баҳолашга имкон берувчи ёндашувлар таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** компетенция, таълим сифатини баҳолаш, тест, педагогик ўлчов назарияси, Спирмен Браун формуласи, регрессион таҳлил усуллари, прогнозлашириши.

**Аннотация.** В статье изложены вопросы оценки качества подготовки высококвалифицированных кадров и повышения качества образования. Также анализированы подходы, позволяющие количественно оценить уровень формируемых компетенций с использованием тестирования и методов теории педагогических измерений.

**Ключевые слова:** компетенция, оценка качества образования, тестирование, теория педагогических измерений, формула Спирмена Брауна, методы регрессионного анализа, прогнозирование.

**Abstract.** The article describes the issues of assessing the quality of training highly qualified personnel and improving the quality of education. Also, approaches are analyzed that make it possible to quantify the level of formed competencies using testing and methods of the theory of pedagogical measurements.

**Key words:** competence, educational quality assessment, testing, theory of pedagogical measurements, Spearman Brown's formula, methods of regression analysis, forecasting.

**Кириш.** Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, халқаро майдондаги мавқеи, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши бевосита таълим тизимига боғлиқdir. Жаҳон таълим соҳаси ривожланиш тенденциялари эса ўз навбатида юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш билан белгиланади. Шу боис, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашда юқори натижаларга эришиш учун кўп мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам ўқитишни ташкил этиш жараёнига, билим, кўнимкамларни тизимли ўрганиш, баҳолаш, таҳлил қилишга ўқитишнинг замонавий усул, воситаларини кенгроқ жорий этиш ва улар самарадорлигини янада оширишга долзарб масала сифатида қаралмоқда. Шунингдек, олий таълим сифатини ошириш республика олий мактабларининг энг асосий муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари сифат ва рейтинг даражасини аниқлашда ривожланган мамлакатлар амалиётига таянган ҳолда, олий таълим тизими сифатини таъминлаш бўйича шакллантирилган турли аниқ стандартларга асосланиш амалиётига ўтилмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** Таълим сифатини баҳолашда компетентлик ёндашувига асосланган янги давлат таълим стандартларига ўтиш, шакллантирилаётган компетенциялар даражасини баҳолаш учун миқдорий усуллардан фойдаланишини талаб қиласди [1].

Афсуски, на янги давлат таълим стандартлари, на мавжуд касбий стандартлар компетентлик ёндашувга асосланган мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳоловчи мезон ва обьектив баҳолаш усулларини ўз ичига олмайди. Стандартларда ОЎЮларининг, иш берувчилар томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлашни касбий стандартларига таяниши кўзда тутилган. Аммо, касбий стандартлар билан боғлиқ ҳозирги вазият шуни тақозо этадики, олий таълим муассасалари ўқув жараёнидаги каби, унинг якунида ҳам асосий таълим дастурларини ўзлаштириш сифатини баҳолаш воситаларини мустақил ишлаб чиқиши зарур.

**Масаланинг мазмуни.** Мазкур мақолада тестлар ва педагогик ўлчовлар назарияси усулларидан фойдаланган ҳолда шаклланадиган компетенциялар даражасини миқдорий баҳолашга имкон берувчи ёндашувлар мухокама қилинади.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қиррали, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Компетенция атамасининг кенг маънода турли хил таърифлари мавжуд. Бунинг сабаби, унинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибан, ҳам маъно-мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-туманлигидадир. Атаманинг моҳияти шунингдек “самарадорлик”, “мослашувчанлик”, “ютуқлилик”, “уқувлилик”, “муваффақиятлилик”, “тушунувчанлик”, “натижадорлик”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари асосига киритилган таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, унда: “Компетенция (инглизча: competence) - мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти” деган тушунча берилади. Россия федерацияси давлат таълим стандартлари асосига киритилган таърифига эътибор қаратадиган бўлсак, унда: “Компетенция - билим, кўникма ва амалий тажрибани меҳнат фаолиятига муваффақиятли қўллай олиш қобилияти” деб тавсиф берилади. Ушбу таърифлардан кўринадики, компетенция фақат инсоннинг ҳақиқий фаолиятида намоён бўлиши мумкин.

Шу боис талабаларнинг билим даражаси ўқув жараёнида тўғридан-тўғри ўлчаниши мумкин эмас [3, 4].

Шундай қилиб, компетенция даражасини баҳолаш вазифаси – ўқитиш босқичида рухсат этилган, фойдаланиш мумкин бўлган баъзи билвосита ўлчовлар асосида, бўлажак мутахассис компетенция даражасини прогнозлаштириш имконини берадиган услубиётни ишлаб чиқишидан иборат.

Педагогик ўлчов шакли сифатида тест синовлари анъанавий равища олий таълим муассасаларида асосан билим ва маълум даражада кўникма ҳамда малакаларни аниқлаш учун ишлатилган [5-7].

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари учун тест синовлари орқали компетенция даражасини баҳолаш - бу янги вазифа ҳисобланади. Шу сабабли, компетенция даражасини ўлчаш учун ёндашуввлар ишлаб чиқишида, етарлича узоқ вақт давомида бундай ўлчовлардан самарали фойдаланиб келаётган хорижий давлатлар тажрибаларига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Таклиф этилаётган услубият асосида педагогик ўлчовлар назарияси усуллари, шунингдек, таълим сифати бўйича хорижий тадқиқотларни ўтказишида қўлланилган PISA, TIMSS халқаро баҳолаш тизимлари тўғрисидаги ёндашуввлар ётади. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тажрибаларга таяниш ва уларни ўрганиш, ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилиш, замон талабларига жавоб берадиган муносиб миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун замин яратади.

PISA, TIMSS ва щу каби тадқиқотлардаги компетенцияларни баҳолаш маҳсус турдаги топширикларни тузишга асосланади. Масалан, PISA тадқиқотида қайси компетентликни (математик, табиий фанлар бўйича саводхонлик, ўқиш саводхонлиги ёки муаммоларни ҳал этиш қобилияти) аниқлашга ургу берилганини қўлланып, қатъий назар, тест мураккаб топшириклардан ташкил топади. Ҳар бир топшириқ – одатда ҳаётий, муайян бир вазиятни ёки муаммони тавсифловчи алоҳида матнидир. Ушбу тест учун биттадан олтитагача турли қийинлик даражасидаги савол-топшириклар шакллантирилади. Уларни бажариш натижаларига кўра, ўқувчилар муайян фан соҳасидаги билимларини қўллаган ҳолда, у ёки бу тарзда матнда кўриб чиқилаётган вазиятни тушуниш, муаммони ҳал этиш қобилияти баҳоланади. Шу билан бирга, синалаётган шахс учун фан бўйича олинган билимлар, унга ҳаётий вазиятда ёрдам берувчи манбагина ҳисобланади.

**Масаланинг ечими.** Бунга таҳсил олувчига топшириқни бажаришга имкон берадиган ушбу интеллектуал қобилиятлар тўпламига фан материали муракаблигини сунъий равища камайтириш ҳамда параллел равища пухта ўйлаб чиқилган ва синалган талаблар ҳисобидан эришилади [1].

Тест синовлари холислигини ва ўлчовлар юқори сифатлилигини таъминлаш учун, тест топшириклари педагогик ўлчовлар назарияси (IRT) талабларига мос бўлиши керак.

1. Ҳар бир топшириқ учун қийинлик даражаси аниқланиши лозим, топшириклар тизими бир текисда муракаблиги ортиб борадиган кетма-кетликда (оралиқ 0,5 логит бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади) ташкил қилинмоғи лозим.

2. Тестда ҳамма биладиган жавобли ёки жавобини ҳеч ким билмайдиган топширик бўйласлиги керак.

3. Топшириқларнинг якуний баллар йифиндиси билан боғланиш коэффициенти ҳар доим нолдан катта бўлиши зарур.

Компетенция даражасини баҳолаш билим даражасининг анъянавий кўрсаткичидан фарқ қиласи, чунки синалаётган шахс ностандарт вазиятда ўзида мавжуд билим, кўнишка ва малакаларни амалиётда намойиш этиши лозим [1].

Шунинг учун, натижа нафақат материал мураккаблигига, балки талаба ўз билимларини кўрсатиши лозим бўлган ностандарт вазиятга ҳам боғлик бўлиши мумкин.

Компетенция даражаси каби ана шундай анча мураккаб сифатни ўлчаш учун топширик қийинлиги каби, тасодифийлиги ҳамда ностандартлигини ҳисобга олиш таклиф этилади. Яъни тестдаги топшириқлар бир-бираидан нафақат қийинлик даражаси бўйича, балки логитларда ўлчанувчи ностандарт вазият даражаси бўйича ҳам фарқ қилиши керак. Намунавий услубиётга мувофиқ ўтказилган тест синови натижалари статистик таҳлили шуни кўрсатади, талаба тайёргарлик даражасини баҳолаш учун зарурый ишончлилик даражаси билан 30 тадан кам бўлмаган топшириқ талаб этилади.

Тест синови вақтини қисқартириш ва компетенция даражасини  $r_H' = \frac{kr_H}{1+(k-1)r_H}$  ўлчаш аниқлигини ошириш учун тест давомийлигини оптималлаштириши мумкин [4].

TIMSS халқаро тадқиқот тажрибасидан фойдаланиш таклиф этилади. Тест жараёни икки босқичдан ташкил топиши мумкин. Биринчи ўлчов жараёнида тахмин этилаётган компетенция даражаси жойлашган оралиқ аниқланади. Иккинчи босқич учун қийинлик ва табақалаштирилганлик (лаёқати, қобилияти) даражаси билан ажralиб турадиган тест вариантилари ишлаб чиқлади. Талаба қайси гурӯхга бириктирилганлигига қараб, унга иккинчи тест тақдим этилади. Ушбу тест маълум бир аниқлик билан компетенция даражасини аниқлаш имконини беради. Талаб этиладиган тест давомийлигини аниқлашда тестнинг кутилаётган ишончлилиги учун Спирмен Брауннинг умумлаштирилган формуласидан фойдаланилади:

$$r_H' = \frac{kr_H}{1 + (k - 1)r_H}$$

бу ерда:  $k$  - тест давомийлиги ошадиган карралик; (тестнинг неча марта кўпайиши);  $r_H$  - тест давомийлигини оширишгача бўлган тест ишончлилик коэффициенти;  $(r_H)'$  - тест давомийлиги оширилгандан кейинги тест ишончлилик коэффициенти.

Тест ва синалаётган шахсларнинг асосий хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш жараёни ўтказилгандан кейин олинган натижалар таҳлил этилади.

Топшириқ қийинлиги иккита (мураккаблик ва ностандарт) таркибий компонентларга ажратилганлиги сабабли, Раш(а) классик модели экспонента кўрсаткичига қўшимча  $\alpha$  қўшилувчини қўшиш таклиф этилади. Қўшимча  $\alpha$  қўшилувчи топшириқнинг ностандарт даражасига жавоб беради ва топшириқ қийинчилик даражасига жавоб берувчи  $\beta$  қўшилувчи билан қўшилади.

Шунда, синалаётган шахснинг тўғри жавоб бериш эҳтимоллигини топиш формуласи куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$P(\theta) = \frac{\exp 1,7(\theta - (\beta + \alpha))}{1 + \exp 1,7(\theta - (\beta + \alpha))}$$

бу ерда,  $P(\theta)$  - тайёргарлик даражаси ( $\theta$ ) бўлган, муайян синалаётган шахсларнинг маълум қийинчилик даражасидаги топшириқка тўғри жавоб бериш эҳтимоллиги;

$\theta$  - тайёргарлик даражаси (билим), латент ўзгарувчи;

$\beta, \alpha$  - лойиҳалаштирилаётган тестни аниқ топширигининг мос равища қийинчилик ва ностандарт даражалари.

Ушбу формула ёрдамида, турли вазиятларда таҳсил олувчининг компетенциясини намоён бўлиш эҳтимоллигини топиш мумкин.


Масалан, 1 логит компетенция даражасига эга бўлган синалаётган шахсни, қийинчилик ва стандартлик даражасида фарқланадиган топшириқларга тўғри жавоб бериш эҳтимоллигини график шаклда кўрсатиш мумкин (1-расм).

Горизонтал равишида топшириқни тавсифловчи умумий кўрсаткич ажратилган. Графикадаги топилган нуқта маълум бир қийинчилик ва ностандарт даражадаги масалани ечишда (муаммони ҳал қилишда) компетенциянинг намоён бўлиш эҳтимоллигига мос келади.

Демак, агар ушбу даража – 3 логитни ташкил этса, унда ушбу талаба уни деярли 100% эҳтимоллик билан бажаради. Топшириқларнинг қийинчилик ва ностандарт кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлса, синалаётган шахснинг уни уддалаш эҳтимоли шунчалик кам бўлади.

Савол туғилади, осон, аммо ностандарт топшириқларни бажариш яхшироқми ёки қийин, аммо стандарт? Ушбу вазиятда қандай қилиб мутахассислар компетенцияларини баҳолаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ушбу саволга жавоб бериш учун таҳсил олувчининг билимлари таркиби таҳлилини ўтказиш зарур. Амалий фаолиятда бўлса-да, чамаси, иккала мутахассис ҳам керак.



**1-расм. Таҳсил олувчи компетенциясини  $\theta = 1$  логит даражаси билан намоён бўлиши эҳтимоллиги графиги**

Тестлар назоратнинг анъанавий воситаларидан фарқли ўлароқ, нафақат компетенция даражасини, балки ўқитувчи томонидан режалаштирилган ўқитишини бошлаш вақтидаги таълим олувчиларнинг билимлари таркибини, аникроғи уни мукаммал таркибдан оғиш даражасини кўрсатишга имкон беради.

Талабалар билимлари таркибини баҳолаш, масалан, таълим муассасалари аттестациядан ўтказилаётган ўқитувчилар гурухи ёки алоҳида ўқитувчи фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳақида гап борганда, айниқса ўзига жалб этадиган ҳолатда кўринади.

Турли-туман мавжуд аттестация моделлари, усууллари, технологиялари, кўрсаткич ва мезонлари фонида битирувчиларни тайёрлаш сифатини баҳолаш ўқитувчи фаолияти самарадорлигини муҳим кўрсаткичи бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, шубҳасиз, тайёргарлик даражаси, анъанавий схемалар бўйича фаолият юритадиган аттестация комиссиялари дикқат марказида туради.

Тайёргарлик даражаси таълим олувчи тиришқоқлигига, унинг ўқиш истагига ва лаёқатига боғлиқ бўлган вақтда, билимлар таркиби кўп жиҳатдан ўқув жараёнини ташкил этишини ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Таҳсил олувчилар билимлари таркибини шаклланишига, ўқитувчининг тайёргарлик дастурини тўғри тузиш малакаси ва уни тушунарли баён этиш маҳорати, унинг таълим олувчиларни билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда индивидуал ёндашувни кўллашдаги маъсулияти таъсир қиласи.

Ҳозирги вақтга қадар, талабалар таълим сифатини баҳолаш учун маълум бир таълим йўналишини аккредитациялашда дидактик бирликлар тизими қўлланилган. Талабалар уларнинг ҳар бирини минимал мақбул даражада ўзлаштиришлари керак эди [8]. Янги давлат стандартларида бу тизим қайд этилмаган. Унинг ўрнига компетенцияга эришиш даражасини ўлчаш талаби тақдим этилган. Талабаларни тайёрлаш сифатини баҳолашнинг мавжуд услубиёти янги таълим стандартлари доирасида компетенцияларни ўлчаш воситаси сифатида фойдаланишга нолойик.

Мақолада таълим жараёни сифатини баҳолаш учун билимларни таркиблаштирилган индексини баҳолаш услубиётидан (method S-P lines) фойдаланиш тавсия этилади.

Билимлар таркиби унинг қай даражада тизимли ва тўлиқ эканлигини кўрсатади.

Бунинг учун, 0 ва 1 кетма-кетликни ифодалайдиган билимлар профили (Гуттман профили) тузилади. Бунда 0 - нотўғри ва 1 – тўғри жавобни англатади.

Ҳар бир топшириқ иккита хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, профил уларнинг ҳар бири учун ҳам, бутунлигича ҳам тузилиши мумкин.

Қуйида келтирилган қиймат профилнинг "тўғрилик" ўлчови ҳисобланади [9].

$$C_i = \frac{\sum_{j=1}^{x_i} (1 - Z_{ij}) R_j - \sum_{j=x_i+1}^k Z_{ij} R_j}{\sum_{j=1}^{x_i} R_j - \sum_{j=k+1-x_i}^k R_j},$$

бу ерда,  $x_i$  - i-чи синалаётган шахснинг тўғри жавоблар сони,  $R_j$  - j-чи топшириқка тўғри жавоблар сони,  $k$  - тестдаги топшириқлар сони,  $Z_{ij}$  - i-чи синалаётган шахснинг тестни j-чи топшириғига жавобининг натижаси, 0 (нотўғри жавоб) ва 1 (тўғри жавоб) қийматларни қабул қилиши мумкин.

Талаба билимлари таркиби қанчалик мувозанатлироқ ҳисобланса,  $C_i$  қиймати шунча кичик бўлади.

Мукаммал "тўғри" профилга эга бўлган талабаларда  $C_i=0$ , ва мутлақо "нотўғри" профилга эга бўлган талабаларда  $C_i=1$ .

Регрессион таҳлил усуллари, синалаётган шахсларнинг ҳақиқий балларини тестнинг ишончлилик коэффициенти ва кузатилаётган баллар тақсимоти бўйича баҳолашни прогнозлаштириш имконини беради.

Прогноз синалаётган шахс индивидуал бали, синалаётган шахслар ўртача бали ва Дж. Стенли регрессион тенгламасидаги тест ишончлилик коэффициентини ўрнини алмаштириш йўли билан олинади [8]:

$$T_i = \bar{X} + r_H (X_i - \bar{X}),$$

бу ерда,  $T_i$  - ҳақиқий балл;  $X_i$  - i-чи синалаётган шахс индивидуал бали;  $\bar{X}$  - синалаётган шахслар ўртача бали;  $r_H$  - тест ишончлилик коэффициенти.

Алоҳида компетенциялар даражасини ўлчаш асосида таркибига ўз вазнига эга алоҳида компетенциялар кирувчи, талаба тайёргарлиги даражасининг баъзи бир агрегатлаштирилган кўрсаткичини тузиш мумкин [9].

Модомики, IRTни кўллаш натижасида таққосланишга мойил абсолют қийматлар ҳосил бўлар экан, унда бир неча компетенциялар бўйича, масалан, уларнинг чизиқли комбинациясидан фойдаланган ҳолда умумий кўрсаткичини олиш мумкин.

Ҳар бир компетенция учун вазн буюртмачининг талаблари ёки эксперт хulosасига боғлиқ ҳолда аниқланиши мумкин:

$$K_{j,o} = \sum e_i K_i.$$

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, таклиф этилаётган услубиёт нафақат талаба компетенция даражасини берилган аниқлик ва ишончлилик билан ўлчаш, балки унинг кассий заруриятини прогнозлаштириш, шунингдек, компетентлик ёндашувидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёни сифатини баҳолаш имконини беради.

Натижада, ОЎЮларида интеллуктуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифати ошиб боради, замон талабларига жавоб берадиган таълим сифатини аниқлаш, уни ўлчаш бўйича миллий баҳолаш тизими такомиллаштирилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Каюкова И.В. Модели для оценки уровня достижения компетенций по результатам тестирования // Наука и общество. 2011. № 1. С. 24-27.
- Бегматова Р. Янгича ёндашув – таълим сифатини оширувчи омил// Ўзбекистонда хорижий тиллар. - 2016. - № 2 (10). - Б. 141-145.
- Гусятников В.Н. Инструменты интеграции систем управления качеством в образовательный процесс / Гусятников В.Н., Безруков А.И., Соколова Т.Н. // Интеграция образования. - 2010. - № 4. - С. 16-19.
- Модели для анализа качества образовательного процесса по результатам тестирования / Гусятников В.Н. [и др.] // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. - 2010. - № 5. - С. 148-151.

5. Чельшкова М.Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учебное пособие. - М.: Логос, 2002. - 432 с.
6. Zaripova M.J., Djumaev Z.S., Zaripov J. Technology of designing and realization of computer test for checking the knowledge of students in Visual Basic programming environment. Psychological and Pedagogical Journal, - №2 (22). Tambov. 2013. - P. 111-116.
7. Zaripova M.D. Assessment of the quality of education in the higher education system. International Scientific Journal (ISJ), Theoretical & Applied Science, Philadelphia, USA. - 2019. - 11 (79). - P. 390-392.
8. Звонников В.И. Контроль качества обучения при аттестации: Компетентностный подход. / В.И. Звонников, М.Б. Чельшкова. - М.: Университетская книга; Логос, 2009. – 272 с.
9. Каюкова И.В. Методика оценки и прогнозирования уровня формируемых компетенций// Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. - 2012. - № 4 (43). - С. 148-151.

## ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ХАБАРЛАРИ

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2022 ЙИЛДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

### ТАРТИБИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Б.Махкамов, Вилоят статистика бошқармаси бошлиги ўринбосари**

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш – аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш – бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг кўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли аҳборот манбаи ҳисобланади.

Ўтмишга назар солсак аҳолини дастлабки рўйхатга олиш қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Лекин, бу аҳоли рўйхатларининг мақсади аҳолидан солиқ йиғиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юкори бўлган, солиқ тўлашда факат эркаклар, яъни оила бошлиqlари қатнашган.

Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда – Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо, бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда бўлган ҳамда узоқ муддатга чўзилган. Масалан, биринчи АҚШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомида олиб борилган.

XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йилларда дунёning 48 та, 1890 йилларда эса 57 та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Республикамизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат худудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари мухим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон худудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оиласалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тассаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон худудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Ўзбекистонда Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиши вазифаси юклатилган.

**AHOLINI RO'YXATGA OLISH MAZMUN MOHIYATI TO'G'RISIDA**  
***B.Maxkamov, Viloyat statistika boshqarmasi boshlig'i o'rinnbosari***

Mamlakatimiz aholi sonini aniq hisoblab chiqish, ularning jinsi, yoshi, oilaviy ahvoli, ma'lumoti, turmush darajasi, yashash sharoiti, bandligi, millati, fuqaroligi hamda boshqa demografik, ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlari bo'yicha yagona ma'lumotlar bazasini yaratish maqsadida davlatimiz rahbari tomonidan "O'zbekiston Respublikasida 2022 yilda aholini ro'yhatga olishni o'tkazish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi Farmon imzolandi.

Mazkur Farmon mamlakatimiz taraqqiyoti yo'lida qo'lga kiritilajak asosli va ishonchli ma'lumotlar bazasini yaratish, respublikadagi ijtimoiy vaziyatga yanada oydinlik kiritishga xizmat qiladi.

Chunki mahalliy hamda horijiy kompaniyalarning samarali faoliyatida hududlardagi real holatni bilish, prognoz qila olish muhim omillardan sanaladi.

Mazkur xujjat bilan tasdiqlangan kontseptsiyaga asosan, O'zbekistonda 2022 yilda aholini ro'yhatga olish ishlari olib boriladi.

Kontseptsiya 8-bob, 29 banddan iborat bo'lib, uning har birida mas'ul tashkilotlarga tegishli vazifalar belgilab qo'yilgan va aholini ro'yhatga olishni o'tkazish bo'yicha vakolatli organ esa O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi hisoblanadi.

Mazkur jarayon 3 bosqichda amalga oshirilishi nazarda tutilib, aholini ro'yxatga olish barobarida, yana bir muhim vazifani bajarish ko'zda tutilgan. Bu hududlarda xaritalash, aholi punktlaridagi uylarning ro'yhatini tuzish bilan bog'liq masala. Turar va noturar joylarning aniq soni, holati, foydalanilmay yotgan yoki muddatini o'tagan binolarni belgilab olish bilan tegishli hududlarda uy-joy, sanoat ob'ektlarini qurish hamda ta'mirlash masalalariga oydinlik kiritish mumkin bo'ladi.

Bunda viloyatimizning yangi, mukammal kadastr xaritasi yaratiladi deganidir. Bundan tashqari, Farmonga muvofiq O'zbekiston Respublikasida 2022 yilda aholini ro'yhatga olishni o'tkazishga doir kompleks chora-tadbirlar dasturi ham ta'sdiqlandi.

Mazkur Farmon bilan O'zbekiston Respublikasida 2022 yilda aholini ro'yxatga olishni o'tkazishga ko'maklashish bo'yicha Respublika va joylarda hududiy komissiyalar tashkil etildi.

Xududiy komissiyalarning asosiy vazifalari etib hududlarda aholini ro'yxatga olishga tayyorlarlik ko'rish, o'tkazish va natijalarni e'lon qilishga doir chora-tadbirlarning o'z vaqtida hamda sifatlari bajarilishini ta'minlash vazifasi yuklatildi.

Ro'yhatga olish jarayonida to'planadigan statistik ma'lumotlar endilikda yagona elektron axborot tizimiga kiritiladi. Natijada viloyatimizning shaharu-tumanidan tortib mahallasiyu ko'chasigacha, chekka qishloqu, olis ovullarigacha aloqador barcha ma'lumotni o'zi aks ettirgan yagona axborot bazasiga ega bo'ladi. Bu qimmatli ma'lumotlar esa bugun, erta va yaqin kelajak uchun zarur.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

**№3/2(59)  
2020 й., март**

Ўзбекча матн муҳаррири:

Рўзметов Дилшод

Русча матн муҳаррири:

Ҳасанов Шодлик

Инглизча матн муҳаррири:

Мадаминов Руслан, Ламерс Жон

Мусаххих:

Ўрзобоев Абдулла

Техник муҳаррир:

Артиқбаева Гулистан

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувохнома № 13-023

Теришга берилди: 09.03.2020  
Босишига рухсат этилди: 20.03.2020.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 35.  
Хажми 8,5 б.т. Буюртма: № 6-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими

220900, Хива, Марказ-1

Тел/факс: (0 362) 377-51-85

E-mail: [mamun-axborotnomma@academy.uz](mailto:mamun-axborotnomma@academy.uz)

[xma\\_axborotnomasi@mail.ru](mailto:xma_axborotnomasi@mail.ru)



(+998) 97-458-28-18